

2019
2019

И. А. Смирнов

АИЛЧАКОНЕНТИК
ТАРАКШИЛТАРДАН
ИЗОЛЛАНАР

1-китоб

НАБИ ҚОБУЛОВ

АНДИЖОНЛИК
ТАРАҚҚИЙПАРВАР
ШОИРЛАР

1254 20020 X 3A.
5 1145.

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЯТИ

1977

~~5340 050624~~

АБОНЕМЕНТ

Китобда XX аср охири ва XI аср бошиларига
эган шоирлар — Оразий, Ҳайратий, Қори Зокир, Ошиқ ва Омо-
нийлар ҳақида сазл боради. Муаллиф мазкур шоирлар ижодидаги
ҳақиқий адабиётшуноҳлигини маълум бўлмаган шеърларни келти-
ради ва илмий таҳлил қилади.

Китоб ўзбек классик адабиёти ўқитувчилари, студентлари ва
кема китобхонлари оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
филология фаилари доктори Ҳ. РАЗЗОҚОВ

МУНДАРИЖА

ОРАЗИЙ	3
ҲАЙРАТИЙ	25
МАВЛОНО ҚОРИ ЗОКИР	40
ШОИР ОШИҚ	73
ОМОНИЙ НАЗМИ	89

На узбекском языке

Наби Кабулов


Андижанские прогрессивные поэты

*Андижон Давлат педагогика институти илмий совети
томонибиди нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир Қ. Парпиева
Техмуҳаррир Т. Насиҳ
Корректор Г. Эсмоиловичева

Р-01392. Теришка берилди 21 VII-77 й. Босишга руҳсат этилди 30 VIII-77 й. Формати
84x104 мм. Босмақома тарафи № 1. Қоғоз д. 1,625. Босма д. 5,6. Ҳитоб натиқет д.
6,0. Нашрикт № В-74. Тиражи 1600. Бадоси 90 т.

ИЗДАТЕЛЬСТВО «УЗБЕКСКОЕ» Ташкент, ул. Гурьева-Менделеева, 79.



ОРАЗНИ
(1869—1942)

Кичик-кичик یرмоқлар бир-бирига қушилиб азим дарёга айлангандай, қўлларида теша, болта, тош кўтарган халойиқ йиғилиб катта оломон бўлди. Чор ҳукумати-нинг мардикор олиш сиёсатига қарши галаён кўтарган бу шаҳрихонлик меҳнаткашлар орасида шоир Оразни ҳам бор эди.

Алихон Мулло охун угли — Оразни 1869 йили Шаҳрихонда кулол оиласида дунёга келди. Бошланғич маълумотни онаси Биби Халичадан олгандан сўнг, Шаҳрихон мадрасасида таҳсил кўра бошлади. Лекин у ўқишни давом эттира олмади. Рўзгор тебратиш қийинлиги уни отасига ёрдам беришга мажбур этди. У бирмунча вақт бойлар эшигида, қозихоналарда ишлади. Лекин бўлажак шоир тинмай шахсий мутолаани давом эттирди.

Шоир яқин дўсти Ҳошимжон Солиҳ ўғли Ҳайратий билан классиклар асарларини ургана бошлади. «Туркистон вилояти газетаси», «Садои Туркистон» каби газета ва журналларни мунтазам ўқиб борди. Шаҳрихонда «Русское туземное училище»нинг очилишида актив иштирок этади.

Мана шулар Оразни фикр доирасининг кенгайиши ва унинг ҳаёт воқеаларига туғри муносабатда булишига имкон берди. «Эй кунгил» (1913), «Золимлар» (1910), «Топилмайди», «Қурдим» (1914) каби шеърларида зулм ва жаҳолатга қарши кураш, эрк ва адолат гояларини тарафдоранам этди.

1916 йил Шаҳрихонда Николай подшонинг мардикор олиш сиёсатига қарши кўтарилган халқ қўзғолонида Оразнигина эмас, унинг катта ўғли Абдимўмин ва қадрдон дўсти Ҳайратийлар ҳам иштирок этди. Галаён шафқат-

излик билан бостирилгандан сунг, шоир яшириниб
оришга мажбур булди.

Оразий Октябрь инқилобни хурсандчилик билан ку-
ни олди. «Октябрь», «Тамошо қил», «Билдингизларми?»
таби инқилобий шеърлари орқали уни табриклади. Ер-
ув ислоҳоти, хотин-қизлар озодлиги, коллективлашти-
риш каби социал воқеалар шоир ижодида ўз бадий
ифодасини топди. 1939 йили Ўзбекистон ҳукумати Ора-
зийнинг адабиётимиз равнақи йўлидаги юксак хизматла-
рини эътиборга олиб, уни умрбод пенсия билан тақдир-
лади.

Шоир 1942 йил Шаҳрихонда вафот этди. Шаҳарнинг
кинотеатри, пионерлар саройи ва шоир туғилган Қашқар
маҳалласига унинг номи берилди.

Оразий адабиётга лирик ғазаллари билан кириб кел-
ди. Аммо бу ғазаллар севги темасига қараганда муҳим-
роқ ижтимоий-сиёсий масалаларни ифода этувчи граж-
данлик лирикасининг намуналаридай гавдаланади.

Чунончи, шоирнинг «Эй кўнгил» ғазалида:

Сузласанг аввал замоннинг ҳолини бил, улчагил,
Чунки ҳар бир кимсалардин илдоо қузғалмасув¹

тарзидаги замоннинг ғала-ғовурларига ишора қилувчи,
хушёрликка ундовчи мисраларни учратсак, замона
тенгсизлиги, адолатсизлиги ва ҳақсизлигидан нолиш
«Қолдим таажжуб» сўзлари билан бошланган ғазали-
даги:

Қайдин тафаввут олди экан мис ила тилло?
Олтын на ердин олди экан шунча эътибор²

каби сатрларда кўзга ташланади.

Унинг «Аълодир», «Ким нима билан машғул» ғазал-
лари ҳаётда юз бераётган воқеаларни бир-бирига қиёс
қилиш орқали ўз замонасидаги адолатсизликларни фош
этиш ғояси билан суғорилган. Қиёс усули «Ким нима би-
лан машғул» ғазалида ҳаётда айнан юз бериб турган во-
қеа: «Биров аз тахти дил ишлаб, узин инсонга қушмоқда,
бирова доим ётиб салқинда ҳайвондек қўнишмоқда» тар-
зида берилса, «Аълодир» ғазалида ёмонликни рад этиш

¹ Оразий. Шеърлар тўплами, Тошкент, Бадий адабиёт наш-
риёти, 1959.

² Андижонлик хаттоғ Жўраҳон Юсупов архивидан.

ва эзгуликни тарғиб қилиш орқали замонасидаги тенг-
сизлик кулги остига олинади:

Ўқиб бир фазл топ оламда бу султонликдан аълодир,
Фаросат бирла иш курсанг, Сулаймонликдан аълодир³

Шоир ҳар бир инсоннинг инсонлик бурчи уз халқига
хизмат қилишдан иборат деган фалсафани изчиллик би-
лан олға суради. Агар Оразий «Даркор эмас» радифли
ғазалида:

Ғаират эт бир манфаат еткурмоқ учун халқинга,
Лек золимлик-ла бўлмоқ муҳтарам даркор эмас (18)

деса, «Билинг» радифли ғазалида «Қақшатиб зулм-ла
элин ким эътибор топти, билинг» (16) деб ёзади.

Муҳими шундаки, шоир ғазалиётида ҳаётчан опти-
мизм руҳи балқиб туради. Оразий узи эрк ва адолатнинг
тантана қилишига қатъий ишонган ҳолда, бу ҳисларни
дилга жо этади. Шоир «Эмас» радифли ғазалида: «То
тириксан, вақт ўтди деб қараб ўтирмагил, Фазл топмаққа
машаққат қанча курсанг оз эмас» (17), «Улар» радифли
ғазалида эса: «Эй дил, мукаддар улма, қиш утар, баҳор
улар, Саҳро юзи бинафша билан долазор улар» (20) дея
курашга чорлайди.

Оразийнинг замонасига танқидий муносабати, ҳукм-
ронларга нафрати мухаммас шаклидаги шеърларида ҳам
яққол кўзга ташланади. Унинг «Золимлар», «Пул эмас-
ми?», «Яна пул ҳақида», «Топилмайди», «Топулур» каби
мухаммаслари шу руҳда ёзилган. «Золимлар» (41) бой-
лар, амалдорлар, руҳонийлар, бир суз билан айтганда,
текинхурлар устидан чиқарилган айбномадир. Бу шеър
етти банд, уттиз беш мисрадан иборат. Унинг биринчи
банди кейинги бандлардаги мазмунни умумлаштирувчи
маънода бўлиб, унда золимларга нафрат ва улардан қу-
тулишга интилиш мотивлари ифодаланган:

Кутулмоқ йўқми, ёраб, ушбу золим ағниёлардин,
Чикиб ердан ҳавога ўрлаган кибру ҳаволардин (41),

сатрлари орқали шоир золимларни еру-осмонни тутиб,
халққа оғзини катта очиб турган баҳайбат аждаҳога

³ Оразий. Шеърлар туплами. Тошкент, Бадий адабиёт
нашриёти, 1959, 28-бет. (Бундан кейин шу китобчадан олинган
парчаларнинг бети қавс ичида бериллади).

қиёс қилади. Бу аждаҳонинг таъмаси: «Сурарга камбағаллар қонини хуш иштаҳонардин» (41); унинг сифати: «Кузи оч, ўзи суллоҳликда ортиқдир гадолардин (41); Эл-юрт олдида узини сурбетларча мақтаб курсатиши: «Уялмай лоф урар савдо-сотиқ банку широлардин» мисраларида баён этилади.

«Қутулмоқ йўқми ё раб, ушбу зolim ағниёлардин» деганда, аввало, зулмдан қутулиш, эркак интилиш яққол сезилса, иккинчидан, наҳотки, қутулиб бўлмасая деб таажжубланиш билан шоир қутулиш мумкин ва қутулиб бўлади, хулосасига келади.

Шеърнинг навбатдаги бандида зolimларнинг номи, насаби аниқ келтирилади ва уларнинг зулми, талончилик хусусиятлари фош этилади. Бошқача қилиб айтганда, шоир уларнинг конкрет образларини яратиб беришга интилади.

Тамоми эл бошига ҳул бало Анжонда Миркомил,
Жафокашларни (нг) мулкин тортиб олмоқликка хуп омил.
Дегайсиэ: Камбағал деҳқонни (нг) ашёсига аэроил,
Жаҳонни қилди ҳоло пул қунайтирмоқ билан қойил,
Еру сув, молу мулк барчаси гасбу риёлардині (41)

Сунгра бойлар қилган номаъқулчиликларни қонунлаштириб берадиган, уларнинг ёнини оладиган хушомадгуй амалдорлар танқид қилинади, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини ёқлайдиган давлат устидан қулинади.

Хушомад бирла барча қозно мингбоши хизматкор,
Тамоми муфти, алам «ер хатин» ёзмоқ учун тайёр.
Топарга бой қуллин ҳар неча ҳукм этмоққа жаррор.
Писанд этмайди, минг деҳқонга ҳар кун етса минг оээр,
Қурамин қунда ҳар хил печа раиғ жабру жафолардин (41).

Меҳнаткаш халқни эзиш ва хонавайрон қилиш ҳисобига молу дунё тўплашда Миркомилдан қолишмайдиган Аҳмадбек ҳожини фош этар экан, унинг меҳнат аҳлини эзишдаги узига хос фирибгарлигини ҳам очиб беради.

Анга қарши чиқиб Аҳмадбек хожи афандимдур,
Уд р и г, ула руҳоний гуруҳига бўлиб манзур,
Бу ҳам бир неча деҳқонларни ишлатмоқ билан масрур,
Унинг макру фириби барча оламга бўлиб машхур,
Ривожни қун-бақун бололашуб ёлгон дуолардин (42).

Оқилол Фарғона музофотидаги зolimларнинг номи насаблари билан китобхонни таништиришда давом этади:

Қўқонда Солжону, Марғилонда Сандаҳмаджон,
Қувада бой Олим, Шаҳрихонда яна икки жон:
Тарафқаш Саид Одил, Аҳмадохунлардур жавдон,
Асака Тешабой ҳожию Обиджон билан сарсон.
Ва лекин ҳеч бирор ер буш эмас бундоғ балолардин (42).

Шоир бу ҳаромхўрларнинг характерлари хусусиятларини, манфаат бирлигини умумлаштириб фош этади. Буларнинг ҳаммаси меҳнатқаш халқнинг бошига битган бало.

«Сув келтирган хор-зору, кўза синдирган азиз»лигини, меҳнат аҳлининг ҳимоясизлигини, унга меҳрибон на мададкор йўқлигини, улар барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилганлигини, «хурлик» йўқлигини баён этади.

Тамоми касби холо савдогар номида судхўрлик,
Хушомад йўлида кўп шайху эшон қилмади гўрлик,
Буларнинг хизмати-чун камбағал деҳқонда мажбурлик,
Тасарруф қилмоғига мулкани ҳеч кимда йўқ хурлик,
Умид йўқ ошною балки пиру пешволардин (42),

Шоир яшаган замонда адолатсизлик, порахўрлик авжига чиққан, инсоф, ҳаёдан асар ҳам булмаган, ҳамма парсани пул ва пулдорлар ҳал қиларди.

Риёхўрликни(нг) таълимига моҳир муфтию аълам,
Йўқ улди порасиз қози булиш, балким имомат ҳам,
Инобатликми, элликбошисиз ҳеч ким уролмас дам,
Улар ҳар қайси бир бой ихтиёри бирла мустаҳкам,
Тариқча йўқ буларда изласанг шарму ҳаёлардин (43).

Оразийнинг бу муҳаммаси Муқимийнинг «Саёҳатнома»сидаги айрим бандларга ёки Завқийнинг «Аҳли растадажи» сатрларига ўхшаб кетади. Муқимий текинхўрларнинг характерли хусусиятларини фош этиш орқали уларнинг образини яратишга уринса, Завқий савдогарларни бирор парсага чоғиштириш орқали уларнинг қиёфасини очишга интилган эди. Мазкур сатирада Оразийнинг тутган йўли Муқимийга яқин бўлиб, у золимларнинг бойиш йўлидаги усулларини фош этиш орқали уларнинг типик характерини кўрсатишга эришади.

Масалан, Миркомил «Камбағаллар мол-дунёсини хўрлик билан тортиб» олишга интилувчи, «Камбағал деҳқоннинг ашёсига азронл»бўлса, Аҳмадбекҳожини «Муқимийнинг мулла руҳонийларга манзур» бўлиб, улар орқали у зулминини утказувчи айёрдир.

Оразий халқ озодлиги туғрисида уйларкан, капиталистик муносабатлар авж олаётган бир шароитда халқ эрки йулида пул муносабатларининг салбий таъсирини курди, унинг тобора кучайиб боришидан газабланди.

У «Пул эмасми?» шеърида пулнинг жамият ҳаётида уйнаган салбий родини кўрсатиб бериш орқали, пулга ва унга эрк бериб, одамларни одамгарчиликдан чиқараётган жамиятга уз нафратини изҳор қилди.

Бир қараганда, бу шеърда гап пул туғрисида кетаётганга ухшаб куринса-да, гапнинг уқ томири ижтимоий тенгсизликка, адолатсизликка норозилик ифодасидадир. Бу шеър мухаммас шаклида ёзилган.

Унда асосий образ зебо қиёфасидаги пул. Шоир шу «зебо»нинг жамият ҳаётида уйнаётган салбий родини кўрсатиш, унинг типик хусусиятларини очиш орқали пул туғрисидаги тасаввурни кенгайтиради ва унга бўлган антипатияни чуқурлаштиради. Шеър изчил сюжет чизигига эга бўлиб, унда пул — «зебо»нинг башараси сатрма-сатр очилиб боради. Агар «зебо» бир неча пардаларга уралган деб тасаввур қилинса, ҳар бир мисрада унинг бир пардаси очилиб, жирканч башараси кузга ташланади. Дастлабки мисралар барча кунгилсиз воқеаларнинг сабабчиси бўлган «зебо»ни фош этиб:

Ушбу жаҳон аҳлининг даъвоси пул эмасми? (43)

деб бошланиб, кейинги бандларида мана шу шўр балоларни туғдирган «зебо»нинг хатти-харакатлари кўрсатилади:

Маҳбуби ом бўлмиш ҳар етга бўлса еттин,
Ҳар кимга жилва айлаб бир бокса қилди мажнун (43).

Сунгра шу «зебо»нинг нозу карашмаларига мафтун бўлганларнинг фожиаси, уни қулга киритиш йулида кўрсатилган «каромат»лар фош этилади:

Кимларни қилди курдик: тупларда том тешарлик,
Пул деб не нозанилар буйинга олди фарлик (43).

Бу мисраларни уқир экансиз, халқнинг «уғрилик, фарлик номус» деган ҳикмати ёдингизга тушади. Модомки, одамлар пул деб ор ва номусини оёқ ости қилар экан, бу пулпарастликнинг нақадар разиллигини кўрсатади.

Буларгина эмас, мана шу «зебо» — пул деб:

Улдиргай уз отасин якбора топса фурсат,
Парвойнга келарми бошига ётса лаънат (44).

Оразий бу «зебо»га мушарраф бўлиш учун курашганлар драмасини санаб кўрсатгандан сўнг унга эришганларнинг маънавий дунёсини очишга ўтади:

Ҳар кимда булса пул куп, кимни кўзига илгай,
Парвойнга келтирмас, дунё бори илгилгай (43).

Шундай қилиб, пулпарастларнинг пировард оқибати:

Ҳеч ақл чора қилмай ё бошича йиқилгай.

Оразий пул ҳақидаги уз фалсафасини турли-туман ҳаётгий мисоллар орқали ҳал этиб беришга уринар экан, ҳаёт лаззатларидан воз кечишга даъват қилувчи дин аҳллариининг асл башарасини очиб ташлайди.

Биримиз бахши, кушнеч, бир мунчамиз дуохон,
Топгаймиз илми найранг, булгаймиз анча эшон,
Дастмоемиз кифоя, ҳар кунда қанча ёлеон,
Бизларнинг макримиздан шайтон ҳам булди хайрон,
Туш ухламай кўраимиз, вос-воси пул эмасми? (43)

Шоир бой ва руҳонийларнинг икки юзламалик билан айтган «гап пулда эмас» деган ибораларини рад қилиб, «Гап пулдадир муқаррар, куп бунча қилма инкор!» деркан, уларнинг мунофиқлигини очиб ташлайди. Шоир «зебо» пулнинг жамият ҳаётида уйнаётган ролининг бирма-бир таъриф ва тавсиф қилади. Кимки бу фаҳшга яқинлашса, у жирканч касалга учрайди, ундан одамлар ҳазар қилади. Унинг ўзи ҳам одамларга қушилмайди, қушила олмайди. Демак, у одамгарчиликдан чиқади. Бинобарин, бу юқумли касалга дучор булганлар қанчалик купайса, одамлар уртасида жудолик, нифоқ ҳам купаяди. Бу шубҳасиз, дўстлик ва биродарликка раҳна солади. Дўстлик ва биродарлик булмаган жойда эса эрк учун кураш ҳақида уйлаб ҳам бўлмайди.

Шоир пулпарастларни мажнун деб атаб, бир томондан, уларнинг пулпарастлик даражасини белгиламоқчи булса, иккинчи томондан, уларнинг тақдирини мажнун тақдирига ухшатади.

Оразийнинг «Яна пул ҳақида» шеъри «Пул эмасми?» шеърининг давомига ўхшайди. Шоир биринчи шеърда айтилмаган қолган гапларини бу шеърда ифодаламоқчидай. Биринчи шеърда шоир пулпарастликнинг хунук оқибатларини кўрсатишга уринса, бунда пулнинг хусусият-

ларини кўрсатмоқчи бўлади. Бу шеърда ҳам пул бир шалок «зебо» орқали юзага келади. Унинг хусусияти шундаки, у ҳар суюқ кимсага бир қисе боқиб уни ром қилиб олади ва шармандалик кўчаларига бошлайди.

«Топилмайди» шеърда шоир, ёр, доно образлари мавжуд. Эрк ва озодликка интилиш ёрга етишиш тарзида берилади. Демак, бу ерда эрк ёр образида келади. Шоир ҳар ерда ўзини ёлғиз ва гамгин ҳис этади. «Қилай арзим десам у ёра бир танҳо топилмайди» деб ҳасрат қилади. Топилмайдигина эмас, гўё у «Кўнгил мулкнин торож этгани берганмикан буйруқ» дея шубҳаланади. Шунинг учун булса керак, «Назар ҳолимга солмай ҳар тарафдин ёғдирурлар ўқ» деб доду фарёд чекади.

Шоир дилидаги ҳасратини кимга айтишини билмайди. Қалбида ҳаяжон, жисми вайрон. Аммо унга даво қиладиган «соҳиб нафас» ёки «ҳиммати аъло» нуқ. У кўринган ҳар бир кишидан нажот истайди, ҳар бир эшик ҳалқасини қоқиб «ё ҳақиқат» деб нидо қилади. Аммо «Савол айлаб ҳақиқат қилувчи», унинг арзу додини тингловчи «доно» топилмайди.

Юрарман чора излаб дафъ бўлгайму машаккат деб,
Кўзимга ким кўрinsa жовдирарман, сорми шафкат деб,
Элим бехроқ дерман халқ ногоҳ килса нафрат деб,
Борарман чора излаб ҳар эшикка «ё ҳақиқат» деб,
Савол айлаб ҳақиқат қилувчи доно топилмайди.

Шундай қилиб, шеърда мисрама-мисра шоирнинг ҳақиқат йўлидаги сарсон ва саргардонлиги ривожланиб боради. У ўз қўлининг балад, омадининг пеш бўлишини истайди, шу йўлда тиниб-тинимай ўринади, лекин аксинчасига, «таажжубдан-таажжуб кеча-кундуз пайваста гам» келади. Шу сабабдин у «Нетай афсусланмай толенмдир уйқу билан маст» деб толеннинг ғиғунлигидан зорланади. «Уйқудаги толенни» уйғотгидек бир нозанин барнони кутади.

Шеър хотимага яқинлашган сари шоирнинг истаги равшанлашиб боради. Шоир ўрни-ўрни билан умидсизликка тушади, «такдирга тан беринш» кўчаларига ҳам кириб чиқади. Бир дам орқага тисарилади. Негаки замона зўрларининг даҳшати, «сурат оролар»нинг салобати уни босгандай бўлади ва «Билармикин замонда нолиган ким бирла нар уйнар» деб хавфсирайди. Чўчийдию, куппа-кундуз кун кишининг кўз ўнгида юз бераётган адолатсизликлар, ваҳшийликлар унинг газаби туғён ури-

шига, уларга қарши курашга даъват этади: «Ярашгайму, ёронлар, ухламай туш курса инсонга, Қараб турмоқда-дурмиш шунча ёлгон текса ҳам жонга!».

Шундай қилиб, шоирнинг ички дунёсидаги иккиланиш барҳам топади, чинакам қалб туғени кутарилиб, шеър хотимасида озодликка интилиш мотиви яна ёрқинроқ кўзга ташланади.

Муродим маънолик ҳақ сўзики, ҳар қандай кунгял эргай,
Фаросат аҳли ҳар бир қиссадин суз гавҳарин тергай.

Шеърдаги асосий лейтмотив маъно шу «маъноли» ҳақ сўзга эришиш, «суз гавҳари»га етиш учун тўғри йул, бир доно имо (йўлланма) ахтаради.

Дарвоқе, орадан тўрт йил утгач, 1917 йили доно ҳам, йул ҳам, йулланма ҳам топилдики, шоир буни ўзининг 1918 йилда ёзган «Аё авлоди одам!» шеърда завқ ва шавқ билан куйлайди.

Давр тақсоси билан шоирнинг олам ҳақидаги қарашлари тобора кескинлашади. Бунинг натижасида у ҳаёт тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини қайта кўриб чиқишга бел боғлайди. Бу 1915 йили ёзилган «Топилур» шеърда яққол кўринади. Сарлавҳа остидаги:

Юрсанг топилур — айбинг ёпилур,
Ким юрса саёқ — охири чақилур,
Юргил беозор, сулмайдиклзор (75)

каби халқ хизматлари руҳидаги мисралар шеърнинг ғоявий мазмунига ишоради. Шоир меҳнат аҳлини дўстлашишга, бирлашишга, бирлашиб ҳаракат қилишга даъват қилаётганлиги аниқ кўзга ташланади.

Фикр қил, хушнинг билан юр, раҳнамо ҳам топилур,
Изласанг аз тахти дил ҳар муддао ҳам топилур (76).

Демак, гап оқу қорани, дўсту душманни ажрата олишда. «Лавҳан дилни тўзатса ошно» ҳам топилади. Шу шеърни ўқиганда, В. И. Лениннинг мана бу сўзлари ёдга келади:

«Умидсизлик ёмонликнинг сабабини тушунмаган, нажот йўлини кўрмаган, курашга ноқобил бўлган одамларга хосдир»⁴.

Оразий «Эй дил», «Эй кўнгил», «Фалакнинг гардиши» каби шеърларида ўз дилига мурожаат қилиш орқали за-

⁴ В. И. Ленин. Асарлар, 24-том, 466-бет.

моли дикқатлик фиридашнинг изҳор кўлади, адолатни, эф-
ти кўмуғиди
Бизга Оразийдан 20 та шубҳа ҳам муро қилган.
Уларга чайқонлик, йиғишлик, тўқнашлик, амалпа-
растлик, пайи кўлмалик, пулларастлик каби иллатлар
қораланади.

Шоир адолатсизликка зеб бериб, зулм ва жорни
қўлдан оширган, аммо мунофиқлик билан ўзини адолат
пеша қилиб кўрсатганларини.

Кунгли агар зулмга мойил эса,
Тилда қилган зулмин адолат деса,
Боши билан кўзини ҳаққа чуқир,
Бри беринг жисмини итлар эса (111).

деб лаънатлайди. Оразий мураббаларининг сўнгисини:

Оразийнинг мақсади булмиш тамом,
Фикр қилгучиларга айлаб салом,
Дар киши ўз хоҳлаганини олур,
Булди дебон айни менинг) муддаом (112),

деб тамомлайдики, Улуғ Октябрь инқилоби арафаси
ёзилган бу мисраларда қанчалик башорат кучи, ҳақи-
қат уруғи борлиги кўришиб турибди.

Оразий Совет давлатининг биринчи кунларидаёқ, уни
қутлаб шеърлар ёзади. Дарвоқе, шоирнинг мана шундай
позицияда туриши табиий эди. Чунки, у инқилобнинг ша-
рофати билан умр бўйи орзиқиб кутган эркин ва озод
ҳаётга мушарраф бўлди.

Оразийнинг Совет давлатига булган чин муҳаббати
унинг «Аё авлоди одам!» «Билдингизларми?», «Биз ни-
маларга қодир», «Октябрь байрамига», «Хотин-қизлар»
«Меҳнатга чақирик»ларда яққол ифодаланган.

«Аё авлоди одам» номли мухаммас шаклидаги шеър
ун беш банддан иборат бўлиб, етмиш беш мисрани тақ-
қил этади. У эпик характердаги кичик воқеа дoston бўли
Улуғ Октябрь инқилобининг тарихига бағишланган
1918—1919 йилларда ижод қилинган бу асарларни
етакчи образи ишчилардир. Шоир В. И. Ленин ва Ко-
мунистик партия раҳнамолигида ишчилар синфининг
соният тарихида уйнаган буюк родини кўрсатиб бериш
ўз олдига мақсад қилиб олган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Октябрь инқилобини
дастлабки кунларида ёзган «Биз ишчимиз», «Ишчи

уйғон», «Ҳой, ишчилар» шеърлари, Садриддин Айний «Байналминал марши», «Озодлик қушиги» каби инқилобий руҳдаги лирик шеърларида ишчи образини кўрсатишга уринган бўлсалар, ўз салафларидан таъсирланган Оразий ҳам ишчи образини эпик планда яратиб беришга ҳаракат қилади.

Бинобарин, бу асар узбек совет адабиётида биринчилардан бўлиб, ишчи, доҳий ва партия образини яратиш намунаси бўлганлиги учун ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Асар мустақкам сюжет чизигига эга бўлиб, воқеалар мантиқан изчил баён этилади. Достоннинг биринчи сатри «Аё авлоди одам, ишчилар корин томоша қил!» деган ундов мисра билан бошланади.

Асарда ижобий образ ишчилар бўлса, мустабидлар салбий образ сифатида талқин этилади. Конфликт мана шу образлар кураши мисолида бошланади ва ривожланади. Мазкур конфликт достоннинг иккинчи бандидаги

Дер эрди мустабидлар, йуқ пролетар элида истеъдод,
Ҳамиша ҳукм сургай ишчилар бошида истибдод

мисраларидан бошланади. Ишчилар онгида золимларга қарши туғилган нафрат тобора аланга олади. Аммо улар золимлардан қутулиш йулини ахтариб тополмасдилар. Ишчиларни менсимаган, унинг кучига ишонмаган мустабидлар уларни бир уйинчоқ ҳис қилиб, бир-бирларига қарши қўйиш, шу орқали уруш чиқариб, биринчидан, зулмга қарши инқилобий руҳни сундириш, иккинчидан талончилик билан бойиб олишга интиларди. Адолатсиз урушлар натижасида минглаб меҳнаткашларнинг ёстиғи қурирди. Шоир бу «жаҳонгирлик»да бойлар ва дин аҳллариининг ролини (меҳнат аҳлини бир-бирига «гиж-гиж» лашни) «Булиб ҳар бир мамлакатда «ҳо-ҳо»чи бою эшонлар» мисраси орқали беради. Оразий ишчи билан мустабид уртасидаги конфликт сабабларини очиш жараёнида адолатсиз урушларининг келиб чиқиши ва унинг характери туғрисида ҳам ўз фикрларини тукиб солади.

Мамлакатда очлик, уруш, қирғин ва адолатсизлик авж олган, минглаб меҳнат аҳли даҳшат ичида азоб-уқубат чеккан бир пайтда зулматни ёриб зиёвон қуёш чиқади — меҳнат эли бахтига «Шу ҳолатларда Ленин фикр этиб, ҳаммаслак ахтарди. Уруш дафъига чора излади, ҳар сориға борди».

Ишчилар синфи В. И. Ленин бошчилигида ўз атрофида деҳқонлар ва барча эзилган маҳнаткашларни олиб, инқилобий ҳаракатга отланади ва уни шараф билан яқуллайдди:

Илқитди Николайни қанча йилги тоғу тахтини,
Айирди зулм ила барбод қилган боғу раҳтидин (52)

Шоир бу инқилобнинг ғайри табиий суратда пайдо бўлмагани, четдан экспорт қилинмаганини, балки тарихий зарурат натижасида, қонуний равишда капитализм ўз гуркубини ўзи етиштириб чиқарганини бадний формада «Елдрди мевасини ўзи ҳўклатган дарахтидан» тарзида тарихан туғри ифодалайдди.

Шоир Февраль буржуа-демократик инқилобнинг моҳиятини курсатиш билан бирга, давлат бошига келган вақтги ҳўкуматнинг урушин давом эттириш ҳақидаги сўбатини қоралайдди. Бу муаммони ҳал этиш В. И. Лениннинг зиммасига тушганини, у бу масалани қандай бўлмасин тинч йўл билан ҳал этишга интилиши, илोजи бўлмаганидан сўнг инқилобий йўл таялашга мажбур бўлганини тасвирлайди:

Кутариб ерга урмоқдан бўлак иш бўлмади хоҳиш,
Қилайлик янгидан октябрь ойна хирса деб бир иш.

В. И. Лениннинг, халқчил табиати, халқ озодлиги йўлида олиб борган оқилона тadbирлари, унинг урушга қарши оташин фикрлари шоир талқинида қўйидагича ёритилади:

Деда Ленин: «Урушмоқ улдиrhoқлик тамом улсуи,
На ерда бўлса меҳнаткаш бари бир-бирга ром улсуи
Ўғил, қиз, эр-хотин бари тенг хуш эҳтиром улсуи,
Бу кўндан ҳўжалик — қўллик ва ҳўкимлик харом улсуи».
Бутун дўшга бу нуғди гуҳар борин тамошо қил (512).

Октябрь инқилоби бутун дунё меҳнаткашларининг кўзини очди, уларга эрк йўлини курсатиб берди. Бинобарин, унинг халқаро сўбатини аҳамияти шеърда «Ҳамма меҳнат элини уртоқлаштиш йўлига туздириниш» сатри орқали моҳирона ифодаланadi.

Аммо капитализм осонликча жон бермади. У бутун кучи билан жон талвасасида ёш Советлар ҳўкимиятига қарши кураша бошлади. Бу курашда, бир томонда, унга чет эл империалистлари қурол-ярoғ билан ёрдамлашса, иккинчи томондан, унинг ҳамтовоқлари босмачи тўдала-

рини уюштирди. Граждaнлар уруши бошланди. Шоир капиталистларнинг «Пролетариатни давлат бошига келиши мўмкин эмас» деган шўрини келтириш орқали уларнинг ишчилар синфи куч-қудратига тан бергиси келмаётганини курсатади. Граждaнлар уруши давридаги оғир сўбатини аҳвол натижасида айрим кишиларнинг душман илвосига учиб, Советларга қарши курашганини шоир «Талашди бир-бировни дўст ила душманни билмасдан» мисрасида зийраклик билан баён этади.

Шоир ёш Совет ҳўкимиятининг чор-нечор граждaнлар уруши гирдобига тортилганини, бу урушда купчилик халқ ишчилар ва коммунистлар орқасидан борганини илтиҳор билан курсатади, Совет ҳўкимиятининг доно ленинча ташқи сўбатини:

«Мушт урмас токи бир мушт етмагунча ишчи бечора,
Қилармиз кимки душман бўлса бирлик бирла мннг пора».
Дегувчи фирқан шўрининг афборин тамошо қил (53).

сатрларида тасвирлайди. Кўриниб турибдики, асарнинг бошидан то охиригача меҳнаткаш халқнинг ўз озодлиги учун кураши тарихи бадний формада ифодаланган. Асар марказида, тарихни яратувчи куч сифатида ишчилар синфи, унга раҳнамо доҳий В. И. Ленин ва Коммунистик партия кузга ташланади. Шундай қилиб, халқ, доҳий ва партия бир бутунликда мустабилларга қарши курашда енгилмаз куч сифатида намоён булади.

Классик адабиётда ишчилар образини яратишнинг илк намуналарини, дастлаб, биз Муқимийнинг «Московчи бой таърифида» сатирасида учратсак, кейинчалик бу образ Ҳамза Ҳакимзоданинг революцион шеърларида ва демократик асарларида давом эттирилади ва мукамаллаштирилади. Оразийнинг ишчи образи яратишдаги тажрибаси ҳам совет адабиётининг ютуқлари деб ҳисобланса арзийди. Ишчи образининг ўз хаёллари, кураши, меҳнати билан берилиши, бунинг устига, доҳий ва партия образларини яратишга уриниш, уларни ишчи образи билан маитиқан бир бутунликда талқин этиш характерлидир.

Оразийнинг «Билдингизларми?» шеъри унинг «Аё авлоди одам!» шеърининг давомидир. Бу шеър 1927 йилда Совет ҳўкимиятининг ун йиллигига аталиб ёзилган. Шоир «Аё авлоди одам!» шеърини Совет ҳўкимиятининг чиннакам халқ ҳўкумати эканлигини жону дили билан

кўйласа, «Билдингизларми?» шеърда эса у ўз сузларининг ҳақлиги тантана қилганини эслатади. Уларик одамларнинг кўз ўнгиде юз бериб турган воқеалар мисолида кўрсатиб беради.

Оразийнинг 1930 йили ёзган «Биз шималарга қодир» шеъри юқоридеги шеърининг мантиқий давоми де 1912 йилда ёзилган «Золимлар» шеърига жавобидир. Шоир «Золимлар»да «Қутулмоқ йўқми, ё раб, ушбу золим агниёлардин» деб зорланган бўлса, «Биз шималарга қодир»да: «Мўмкин экану қутулмоқ эскиликнинг доғидан» деб хитоб қилади.

Бу шеърининг ғояси асрлар бўйи биқиниб ётган инсон талантининг Октябрь инқилобининг шарофати, ҳур меҳнат натижасида гуркираб ўганини кўрсатишидир. У советлар замонасида меҳнат аҳлининг қули билан фан ва техниканинг ёрдамида содир бўлаётган ўзгаришлар «Гул узармиз, кўрдингизми, шуран янтоғидин» мисолида талқин этилади.

Оразийнинг «Хотин-қизлар» номли шеъри Ҳайратининг «Шунчалар», Ҳамзанинг машҳур «Ўзбек хотин-қизларига» шеъри билан деярли бир вақтда ёзилган. Шеърда ўтмишда хўрланган аёлларни жамиятда ўз урнини эгаллашга даъват этиш ғояси олға сурилади. Ҳамза ва Ҳайратий шеърларида ҳам мана шу ғоя тарғиб қилинган. Аммо уларда лирика оҳанги кучли бўлса, бу шеърда лирик қаҳрамон — шоир номидан бевосита хотин-қизларга дадил хитоб формаси устундир:

Қадам ташланг тутиб қўл, мақсада деҳқон хотин-қизлар,
Утирмакг шалпакиб, гар булса чинг виждон хотин-қизлар (58),

«Келди сизларга даврон» деб шоир уларни мана шу давр-давроннинг гаштини суришга ундайди. Бу ердаги «даврон» сўзи орқали аёлларнинг бахти бир умр гуллагани жуда лўнда ва солда ифодаланган. Оразий хотин-қизлар озодлиги осонгина ҳал бўладиган иш эмаслигини, бу йўлда анча тўсиқлар борлигини эслатади: «Қимки қаршидир» уларни «Бир сўз билан бағрини доғланглар». Аммо шоир уша «бир сўз» нима эканини айтмайди. Масаланинг муҳим томони аёлларнинг мана шу сўзни дадил айтишга ҳуқуқли эканлигини кўрсатишидир.

Шоир хотин-қизлар озодлиги масаласини чуқур идрок этиб уни мукамал ёритишга интилади. Хотин-қизлар фақат паранжини ташлаб юргани билан чинакам

озодликка чиқа олмаслиги, бунинг учун улар нам-фан, маърифат йўлига ҳам қадам ранжида қилишлари лозим эканлигини уқтиради. Бу йўлда аёллар узаари ҳам бир-биринга ёрдам беришлари лозим, чунки бу иш айрим шахс эмас, бутун жамоатчилик ишидир:

Опа ва синглингиз мактабга келсин, уйда ўтирмай.

Шоир хотин-қизларни халқ хужалигининг барча соҳаларида эрлар билан бирга тенг ҳуқуқда хизмат қилишга чақиради:

Юрине эрлар билан қул ушлаб, ишлар қилинг тайёр.

Шоир утмишда ҳар томондан эзилган, инсоний ҳуқуқлари оёқ-ости қилинган узбек аёлларига хос бўлган миллий хусусият тортиниш, нйманшларни кескин рад қилади.

Очиб кузларни сўзлар вақти ҳаё қуйман!

Шеър Совет ҳукумати даврида хотин-қизларнинг жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида барча орзу-истакларини рўёбга чиқишига ишора қилувчи:

Деди Оразга шуро қолмасин армон хотин қизлар (58).

сатри билан тугайди.

Оразий ўзининг жамоатчилик фаоллиги билан кўлхозлаштириш ҳаракатига актив қатнашади. У бу сиёсий кампанияни ўз ижодида ёритиб, кўлхоз тўзумининг янги ташвиқотчиси сифатида танилди. Шоирнинг «Кўлхозлаштиш» шеъри юқоридаги фикрнинг ёрқин далилидир. Шоир ўзининг бутун ижоди давомида мазкур темага қайта-қайта мурожаат қилади. Оқибат натижада халқимизнинг миллий ифтихори бўлган пахта ва пахта бунёдкорларини таранишум этувчи «Пахта», «Пахта экинги», «Келдим», «Юзцентнерчиларга» каби шеърлар майдонга келди.

Шоир «Кўлхозлашинг» деб хитоб қиларкан: «Ўртаингизда қолмагай қаллоблар...» деб уқтиради. Бу билан у коллектив меҳнатнинг ҳаммага тенг, озод ва шарафли меҳнат эканини кўрсатиб бермоқчи бўлади. Шеър:

Шод-хуррамлик билан аҳбоблар кўлхозлашинг,
Ерни айлаб серунум ҳам боблар, кўлхозлашинг,
Ўртаингизда қолмагай қаллоблар, кўлхозлашинг,
Чора топмас савдогар — жаллоблар кўлхозлашинг,
Бою муштумзўрда қолмас тоблар, кўлхозлашинг (58).

мисралари билан бошланади. Сунгра шоир давом этиб, коллектив хужаликнинг афзалликларини кўрсатади, унинг меҳнаткашларни барча машаққатлардан озод қилишини баён этиб, «Барчангизга муштаракдур еру сув ҳам оту мол», дер экан, асрлар оша меҳнаткашларни эзган, хонавайрон қилиб келган хусусий мулкчиликка колхозда барҳам берилганини таъкидлайди. Шу билан бирга, меҳнаткашлар колхозда ўзгалар учун эмас, ўзи учун меҳнат қилиши, унинг самарасидан ҳам ўзи бахраманд бўлишини шодпўналик билан уқтириб, уларни астойдил ишлашга даъват этади: «Яхши ишланг қанд тишланг, давр келди бемалол». Шеърда коллектив меҳнатининг ижтимоий табиати очиб берилди ва янгича меҳнатга янгича муносабатда бўлиш зарурияти уқтирилади:

Ерни машина усули билан ишлаб сөз этинг,
Жазм этиб ҳосилни куп олмоққа меҳнат оз этинг (57).

Оразий коллектив меҳнатнинг барчага хос характерини, киши жинси, миллати, irqидан қатъи назар, ҳалол меҳнати билан эъозланишини:

Сен хотин, мен эр демай, бир-бирини хуп эъоз этинг,
Кимки чин меҳнаткаш эрса ҳамсиру ҳамроз этинг

сатрларида ифодалайди. Шоир коллектив меҳнатнинг қудрати ва самараси, биринчи навбатда, пахтадан юкори ҳосил олишга қаратилишини таъкидлайди.

Оразий машиналаштиришни такрор таърифлайди, қишлоқ хужалигини машиналаштиришга қарши синфий душманларнинг сохта ташвиқотларини эслатиб утади:

Неча хил янги усулларда экан осончилк,
Хуб билинг, бахши, дуохонлардадир ёлгончилик (57).

Шоир меҳнаткашларни ёт унсурларнинг турли найрангларидан эҳтиёт бўлишга ундайди, колхоз тузумига қарши курашишга отланган кишиларни огоҳлантиради:

Бугдой эккан — бугдой ўргай, жав ўрар ким экса жав,
Гул — занжирга тушар, ким солса колхозларга гов (57).

Шоир куч-қудрат, қуту барака купчиликда эканлигига ишора қилиб, инсон фақат жамият билан бирга қудратли ва ғойиб эканини таъкидлаб: Эскида қолган сухан бор: «Яккалар-якка мөхов» дейди. Шоир бу ерда снёсий ту-

шунчаси чекланган, коллектив хўжаликка аралашмай, якка хужалик тартибида қолиб келаётган кишиларга танибх беради.

1930 йилинг бошида — айни коллективлаштириш бошланиши олдидан ёзилган бу шеърнинг уз даври учун аҳамияти катта. Моҳият эътибори-ла Октябрь ипқилоби билан тенг бўлган қишлоқларни ёппасига коллективлаштириш шароитида шоирнинг колхоз тузумининг моҳиятини тугри тушуниши ва уни жасорат билан халққа тушунтиришга жазм этиши чинакам қаҳрамонлик саналарди.

Шоир ҳалол ва эркин меҳнати пахтадан мул ҳосил олиш учун курашга қаратар экан, пахтанинг афзалликларини, халққа нималар беришини навбатдаги пахтага бағишлаб ёзган «Пахта» шеърда очиб беришга ҳаракат қилади.

Шоир пахтани «элнинг жони», «рангидаги қони», «омбордаги дони»га қиёс қилади. Демак, жон, қон, дон образлари орқали пухта ишланган содда мисраларда пахтанинг моддий аҳамиятини очиб беради. Шоир пахтанинг фақат иқтисодий омилгига эмас, уни эл обрү ва эътиборини оширувчи халқлар дўстлигининг ифода воцитаси эканлигини ифодалайди ва у туфайли «Оламга танилди Ўзбекистон», «Москвани ўзига банд қилди».

Пахтачиликни ривожлантириш ва пахтакорларни улуғлаб уларнинг катта обрү ва эътибор топишларига сабабчи Совет давлати шарофати, ҳур ва озод меҳнат кучи эканлигини доимо таъкидлайди. Шоир пахтачиликнинг порлоқ истиқболини ҳам равшан кўради.

«Ўттиз центнерчиларга» шеърда эса, пахтани таърифлаш ғояси пахтакорларни улуғлаш усули орқали амалга оширилади. Бунда шоир «Пахтанинг оқ олтиндай қадрини оширган», «Рус тожик ва ўзбек эру хотин зўр бўлиб, донг таратган»ларини шарафлайди. Уларни пахтадан мўл ҳосил олишда партия чақириқларига амалий иш билан жавоб беришга ундайди. Чунки у «Партия қарорида меҳнат элига шафқат» борлигини кўради, партия халқнинг ғамхўри эканини ифтихор билан тилга олади.

Оразий совет замонасида қўлга киритилган ютуқларнинг мустақкамланиши ва ривожланишида халқ онгининг ўсиб бориши заруриятига жуда катта эътибор берди. Улуг доҳий В. И. Лениннинг «Саводсиз бир мамла-

катда социализм қуриб бўлмайдн» деган дохилла сўзлари шоир учун доимо шиор булди. Мана шу бондан у илм ва маърифатни улугловчи бир қатор шеърлар ёзди. Шоирнинг «Илм», «Уғилларга насиҳат», «Шодлик», «Афандилар», «Орзу», «Газет», «Матбуот кутубхонаси», «Азиз булса эди гул» каби шеърлари бевосита ёки бевосита мана шу темани ёритишга бағишланган. Шоир «Илм» шеърда илмнинг ҳаётдаги родини кўрсатиш орқали ўз маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этса, «Уғилларга насиҳат» шеърда бу ғояни отанинг уғилга насиҳати формасида ифодалайди. «Афандилар» шеърда эса, бу зиёлилар образини улуглаш тарзида намоён бўлади. «Матбуот», «Газет» шеърларида матбуотнинг халқ онгини ёритишдаги хизматлари таъриф ва тарғиб этилади.

Оразий билан Йулдош Охунбобоев уртасида дустона муносабат ҳукм сурган. Халқ шоири билан давлат арбоби ўртасидаги бу илиқ муносабат социалистик тузумнинг чинакам халқчил тузум эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Оразий Ўзбекистоннинг биринчи президенти Охунбобоев номига мактуб тариқасида ёзган «Ишчи-деҳқон асосига» шеъри орқали чинакам халқ раҳбарларининг образини яратишга ҳаракат қилади. Шоир шеърини: «Сабо еткур саломимни ишчи-деҳқон асосига» деб бошларкан, бу оталикнинг маъносини «Тамоми Ўзбекистон камбағаллар раҳнамоси» лигида куради. Мисрама-мисра кўз унгиинида ўз иши, фикри билан халқ манфаатлари учун тинмай курашаётган ота образи бутун салобати билан гавдаланади.

Шоир шеърда отанинг рафиқаси ва фарзандлари образини, унга муносиб фарзанд бўлиш ҳақидаги истакларини ҳам ифода этади.

Каримжон, Хайрихон, Кенжа ушбу шуро замонда,
Киройи катта булсин меҳрибон, мушфиқ асосига.
Алар ҳам падаридек эл ичида падархон булсин,
Сазовор олқиши халқнинг дуосию ризосига.

Шоир шеърни бу эзгу ниятларининг амалга ошишига ишонч сатрлари билан якунлайди:

Комил амнилигидин Оразий орзиқиб айтар,
Ажаб эмас етишса ул ўзининг илтижосига.

Оразий совет замонасида қарор топаётган прогрессив янгилликларнинг кенг қулоч ёйишига тўсиқ бўлаёт

ган эскилик сарқитларини фoш этувчи бир қатор сатирик асарларнинг ҳам муаллифидир. Шоир ижод бисотида «Қил назар», «Ўргандим», «Изларман», «Насиҳат», «Майли», «Чигириққа» каби ҳажвий шеърлар учрайди. Унинг «Майли» ва «Ич болам» шеърларида ичкилик-бозликка қарши кураш ғояси ётади. «Майли» ҳажвияси Оразий ва Ҳайратийнинг шоир Собир Абдулланинг шу радибли шеърига мухаммасдир. Бунда иккала шоир Собир Абдулла томонидан яратилган ароқхур образини тўлдиришга ва уни бутун қирралари билан китобхон кўз унгида гавдалантиришга муваффақ бўлишган. Бу мазкур мухаммаснинг матлаида яққол куринади:

Маломат тошлари отилса, кўксим уйса ҳам майли,
Кулиб душманларим, ҳолимга дўстлар куйса ҳам майли,
Кечиб хешу таборим, хат ёзиб, қул қуйса ҳам майли,
Тўйиб жондин, ҳақимга хилма-хил сўз жуйса ҳам майли (101).

Шоир «Насиҳат» сарлавҳали сатирасида эса, ичкилик-бозликни фoш этишда узига хос оригинал бир йул топади. Асар мазмуни шоирнинг уз уғлига қарата насихат сўзлари орқали очилади. Аммо шоир уни бемаъни хатти-ҳаракатлар қилмасликка эмас, аксинча, қилишга «даъват этади». Шубҳасиз, шоирнинг бу акс насихат сўзлари ҳақиқий насихат сўзларидан кучли ва таъсирли бўлиб туюлади. Шоир бунини халқ амалиётидан олади. Одатда халқ орасида бировнинг тўғри гапини қўлогига олмай-диган ўзибилармонларга нисбатан «Билганингни қил-эй!» деган ибора ишлатилади. Бу билан унинг лажўя хатти-ҳаракати кесатиқ тарзида маъқулланади:

Ич болам, пандимни олгил, бошинга чиққунча шох,
Ғам билан умринг утиб, то булмас эрсанг салпаёқ (104).

Кўриниб турибдики, шоир ярамас хулқ-атворли кишига хос булган иллатларни бир шахсга жамлаш орқали типик безори образини яратишга муваффақ булган. Бошида таёқ синиб турса ҳам бир нафас бекайф юрмайдиган, оғзидан доимо беибо сўзлар чиқадиган шилқим табиатли одамни ким деб тушуниш мумкин? Сатиранинг халқ жонли тилидан таъсирланиб ёзилгани унинг мазмунини қуюқлаштиришда жуда муҳим роль уйнаган. Ундаги «Ич болам, пандимни олгил, бошинга чиққунча шох» кесатиқ ибораси халқнинг ўжарларга қарата «хўш шохинг чиқдим!» деган сўзларини эслатади.

Ёки «Ўйна, кул, давринги сур деъ куйганимдан айтаман» мисраларидаги «куйганимдан айтаман» ибораси бир неча бор оқилона насиҳатларни олмагай ужарга айтилаётганини жуда уринли эслатади. «Отамиятдан сени токим чиқаргунча кураб» сатридаги «кураб» сўзи зўр сатирик маъно касб этади. Бу ерда безори кераксиз ахлат даражасига тушиб кетади. «Доимо чойхоналарда юрки, ҳар хил гап кураб» мисрасидаги «кураб» да эса, безорининг тили ифлос сўзлар курагига ўхшатилади.

Оразий сатирик образнинг ноҳуя ҳаракатларининг ифодалаш, ёмон иллатларининг ўз сўзи орқали фош этиш усулида салбий образ яратиш йўлини босиб утиб, таъна, насиҳат йўлини қўллайди. Ҳажвиётда шоирнинг поваторлиги асарнинг таъсир кучини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Оразий Қўқонда чўқадиган «Янги Фарғона» газетаси қошидаги «Чиғириқ» ҳажвий бўлимда 1927 йилда эълон этилган «Чиғириққа» сарлавҳали тўртликларида ҳажвиётнинг рўй-рост ва бегараз бўлиши лозимлигини уқтиради. Шоирнинг назарида «Чиғириқ» бир ойна бўлса, унда ҳажв қилинувчигина эмас, ҳажв қилувчининг ҳам афти тиниқ ва тўғри куринадиган бўлсин.

Шоирнинг «Изларман», «Қил назар», «Ўргандим» сатиралари асос эътибори билан дин пешволарини танқид қилишга қаратилган. «Изларман», «Ўргандим»да ёлгончи эшонлар, тақводорларнинг қилмишлари фош этилади. Шоирнинг «Ўргандим» ҳажвийси форма жиҳатидан Машрабнинг «Ўргандим» шеърига, мазмун эътибори билан эса Муқимийнинг «Авлиё» шеърига яқинроқ туради. Оразий сатираларининг хурофий бидъатларни фош этувчи бошқа сатирик шеърлардан бир фарқи шундаки, у фақат дин аҳлларини фош этиш билан чегараланмай, балки уларга ишониб, кўр-кўрона эргашган подои кишиларни ҳам туртиб ўтади. У эътиқод масаласида дин пешволарига тамоман энд позицияда туради. Агар дин пешволари авлиёларга ихлос этмаганларни «йулдан адашган» деса, шоир эса уларга эргашганларни йулдан адашганлар ҳисоблайди. Аммо Оразий бутунлай атеистик мавқига кутарила олмади. Бунга у яшаган давр сабабчи эди.

Оразийнинг «Гитлерга лаънат», «Армиядаги углимга» каби шеърлари унинг Ватан мудофааси темасидаги ашъорларидандир. Шоир «Гитлерга лаънат» шеърисида

фашистларнинг шум ниятини фош этади. Қуйидаги мисрадаги «гүё» сўзига эътибор қилинг! Бу билан шоир Гитлернинг хом хаёлини фош этиб, султон бўлиб бупсан, аҳмоқ! демоқчи булади.

Шум Гитлер мақсади оламни вайрон айламак,
Тинч турган қанча миллион эли сарсон айламак,
Бу жаҳон боғини меҳнаткашга зиндон айламак,
Ота-уғил, қиз-онадан ажратиб қон айламак,
Узини гүё бутун оламга султон айламак.

Сунгра шоир гитлерчи фашистларни ер билан яксон қилишга қодир булган Советлар мамлакатининг куч-қудратини намойиш қилади:

Икки юз миллион ҳақиқий ишчи меҳнаткаш киши,
Барча оламга танилган эрди ҳар бир қилмиши,
Танкаю ҳарбий флот устирдилар ёзу киши,
Лочину шунқордек ғайрат биландур уз иши,
Биз учун осон душманларни бежон айламак (62).

Шоир душман устидан булажак ғалабага аввалдаёқ қатъий ишониб, бу ғалабага омил булган Совет Иттифоқидаги халқлар дўстлиги ва уларнинг партия, ҳукуматга салоқатини «ҳақиқий меҳнаткаш киши» ибораларида баён этади, бу ғалабанинг яна бир муҳим сабаби:

Бу Ватанга чин қўмондон партия ва доҳиймиз,
Ҳур яшаш, озод юрмоқ бизнинг солу моҳимиз.

деб биллади.

Шоир чин қалбидан партия ва доҳийни олқишлайди ва у бошлаган ҳар бир иш ғалаба билан якун топишига сидқидилдан ишонади. Букинг бояси шундаки, партия ва доҳий «донмо ҳақли йўлни курсатар». Шоир «огоҳимиз» остида зийрак ва ҳушёр партияни кўзда тутди ва уни чин қалбидан алқийди ҳамда барча халқни партия чақирингига жавобан душманга қарши ҳаёт-мамот жангига чақиради:

Донмо ҳақли йўлни курсатди давлатҳоҳимиз,
Евми енгмоқ бирла элга давру даврон айламак (62).

Бу сатрдан яна шу нарса кўриниб турибдики, ушбу курашда фақат бир йўл бор, холос. У ҳам булса фақат ғалаба. Ушандагина давру даврон омон қолади. Бинобарин, жанг шиддатли ва муросасиз. Шоирнинг «Армиядаги уғлимга» шеъри эса, мактуб формасидадир. Унда ота

Армия сафида хизмат қилишни йингит киши учун атта
бахт ва саодат деб тушунади. Шу сабабдан:

Болам, ҳар ерда бўлсанг шодлик ила хиром айла,
Сенга раҳбарлик этган кимсаларни эҳтиром айла,

деб уқтиради.

Оразийнинг совет даврида яратган шеърлари унинг
Октябргача ёзилган асарларига nisбатан ҳам шакл ҳам
мазмун жиҳатидан шоир сифатида такомил топангани
кўрсатади.

Ҳа, Оразий Улуғ Октябрь инқилобигача эркин кумса-
ган, Совет ҳокимияти даврида унинг таптанасини таран-
нум этган ҳақиқий эрк куйчисидир.

ҲАЙРАТИЙ (1873—1964)

Ҳошимжон Солиҳ ўгли Ҳайратий Шаҳрихон шаҳрида аравасоз оиласида дунёга келди. Ешлигидан уни мактабдорлик қилувчи амакиси мулло Жалил уз тарбиясига олди. Амакиси унга хат-савод ургатди, сўнгра бўлажак шоир дўсти Оразий билан бирга шахсий мутолаа қила бошлайди. Классиклар асарларини қунт ва чидам билан ўрганиш, улардаги маҳорат сирларини эгаллаш унда бадний адабиётга ҳавас уйғотади. Ҳайратий 1903 йилдан бошлаб шеърлар ижод қила бошлайди.

1897—1898 йиллари Муқимийнинг Шаҳрихонга келиши, Оразий, Ҳайратий билан учрашиб, уларга ижодий пулланмалар бериши шоир учун ҳам унутилмас бир мактаб бўлди. Оразий билан Ҳайратий 1904—1905 йиллари Қўқон, Тошкент, Бухоро, Самарқанд бўйлаб сафарда бўладилар. Шаҳрихонга қайтгач, адабий тугарак ташкил қилиб, унинг атрофига бир гуруҳ ёшларни туплайди. Бу тугаракда бадний адабиётга доир суҳбатлардан ташқари, «Садон Туркистон», «Туркистон вилояти газети», чет элларда чиқадиган «Шўро», «Ислоҳ» каби журналларда босилган сиёсий-илмий характердаги мақолалар ҳам муҳокама қилинарди.

Ҳайратий 1916 йили Шаҳрихонда юз берган қўзғолондан сўнг, Оразий сингари Марғилон атрофида яшириниб юришга мажбур бўлади.

Ҳайратий Октябрь инқилобини беҳад шодлик билан карши олди. Уни улуғлаган «Ҳуррият», «Хуп қилди большевиклар», «Ленин ота» каби бир қанча шеърлари майдонга келди. У инқилобнинг биринчи кунлариданоқ ўқитувчи, ревком лавозимида, 1924—1930 йилларда эса халқ суди раиси вазифасида хизмат қилди. 1930—1940 йиллари ташкил этилишида ўзи иштирок этган

«Ўзбекистон» колхозида ишлайди. Ҳайратий Ҳамза Охунбобоев каби ўзбек халқининг атоқли арбоблари билан кўп марта ҳамсуҳбат бўлди. Шоир 1940 йилдан умрининг охиригача Тошкент областининг Янгийул районида истиқомат қилди.

«Ҳайратнома»¹ китобида шоирнинг 60 дан ортиқ шеърлари ва «Ҳайратнома» достони жой олган. Шоирнинг лирик ғазал ва мухаммасларида таркидунёчилик рад этилиб, дунёвий ишқ улуғланади, инсоний орзу-истаклар, ўз ишқи, ўз тақдири ҳақида уйлашга, қайгуришга қодир бўлган инсон куйланади.

Муҳими шундаки, ўтмиш гуманизми фақат муҳаббатни тарғиб этгани учунгина эмас, балки у орқали социал тенгсизликни фожия қилгани учун ҳам кучлидир. Биз Ҳайратийнинг инсоний ишқни тарғиб этувчи асарларида мана шу фикрнинг тўла тасдиғини курашимиз. Унинг «Кел», «Келсанг-чи», «Ёр таклифи учун», «Маҳвашим», «Ўзинг», «Назокатли суманбар», «Шякоят», «Нигорим келинг», «Бошинг ҳурмати», «Нозанин ёрим учун», «Келмади», «Мужгонларинг», «Ошиқи зора», «Ёримни», «Зор-зор», «Топмадим» каби ғазал ва мухаммаслари инсоний ишқни тарғиб этувчи, таркидунёчиликни рад қилувчи ижод намуналаридир. Шарқшунослик илмий текшириш институтида 321 инвентарь номери билан сақланаётган «Баёзи Маҳалло»нинг 104—106—109-бетларидаги «Эй сабо», «Соғиндим», шунингдек Шаҳрихон шаҳар музейида қулёзма ҳолида сақланган «Уйғот» сарлавҳали ғазаллари ҳам шу руҳдадир.

Ҳайратийнинг «Дўзах экан муқаррар билсанг шу ишқ ўзилди. Билмас тушиб бу ўтга бирёна бўлмагунча» мисралари билан бошланган антиклерикал руҳидаги ишқий фалсафий ғазалидан ташқари,

Эй сабо, борсанг мени арзимни жонимга айт,
Жон аро меҳримни пишдон айлаган жонимга айт,

сатрлари билан бошланган «Айт» радифли,

Кимма ишқингда, нигоро, дард билан аворо кил,
От синон пайкалидин гамгин дилимни пора қил.

¹ Ҳайратий. Ҳайратийнома, «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1960 (Бундан кейин асардан олинган парчаларнинг бети қанс ичида кўрсатилади).

матлаъли «Қил» радифли дунёвий ишқни тараннум этувчи газаллари ҳам мавжуд.

Шоир «Ишқ савдосида» сарлавҳали газалини: «Ишқ савдосида доим масканим майхонадир» деб бошлаб, ҳаёт гаштини улуглар экан, ҳеч қандай диний мазҳабларни тан олмай, таркидунёчиликни рад этади.

Шунинг учун:

Масканим майхона бўлди, улфатим махмурлар,
Саждагоҳим тоқи абруйи пари жононалар,
Нася жаннатини шаробини менга зоҳид мақтома,
Дайр аро кўргил бориб гулгун қабо гулмоналар

Шоир масжид ва бутхонага қарши майхона, хурларга моҳруҳларни, гулмонларга соқийларни қарама-қарши қуяди:

Бир иёла май қилур гам хокасини тор-мор,
Юмшатиб мойил қилур бўла дили сангонлар

Бу билан шоир замона зайлидан сиқилган кунгилларни ёзиш нася жаннатнинг қулидан келмайди, деб тўғридан-тўғри ёзади.

Ҳайратий турли-туман хурофий ақидаларни халқ уртасига тарқатиб, содда одамларни лақиллатиб, уз нафсини қондириб юрган текинхур руҳонийларнинг аҳрамандан ҳам баттарлигини очиб ташлайди. Газалларида шоир гарчи «Ишқ савдосида доим масканим майхоналар» деб нолиса-да, аслида ишқ савдосидан кура замона савдоси кўзда тутилаётгани сезилиб туради. Чунки ишқ савдосининг маъна шу чығаллигига замона бош айбдордир.

Газалда таркидунёчиликка кескин норозилик билан бирга, эрк ва адолатни қумсаш садолари ҳамоҳанг жангиланди.

Шоирнинг «Суранг» радифли газали ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан Фузулийнинг «Сур» радифли машҳур газалига ўхшайди. Аммо Фузулий содиқ ошиқни бевафоба қиёс қилиш орқали уз даврига бўлган антипатиясини ифодаласа, Ҳайратий уз даврига танқидий муносабатни замон воқеалари мисолида олға суради:

Ноз-неъмат қадри йуқ сероб бўлган ерида,
Оч қолиб, пон деб югурган беноволардин суранг (17).

Муқимийга хос бўлган замона зайлига қарши исёнкорлик ва уни содда, ширали тил билан ифодалаш усули

Хайратийга ҳам қўл келади. Шунинг учун у қайта-қайта Муқимий ижодига мурожаат этади. Аммо бу мурожаат қандайдир нусха олиш эмас, балки том маъноси билан оригинал асар яратишга зур туртки булди. Дарвоқе улуғ танқидчи В. Г. Белинский уқтириб айтганидек: «Буюк шоирнинг бошқа шоирларга бўлган таъсири бу шоир поэзиясининг бошқа шоирлар поэзиясидан аке этишидан иборат эмас, балки шу бошқа шоирларга уз қувватини ишга солишдан иборатдир. Офтоб нури ҳам худди шундай — ер юзига тушганда, у ерга ўзидан қувват қўшмайди, балки ернинг ўзидаги бор қувватини ишга солади»².

Буни Хайратийнинг муқимиёна «Ҳануз» радифли мухаммаси, Муқимийнинг «Ақли хуш учди бошимдин, эй пари, девонаман» мисралари билан бошланувчи машҳур ғазалига боғлаган мухаммаси мисолида курса булади. Мазкур мухаммаснинг халқ қўшиқлари қаторидан мустаҳкам ўрин олганлиги ҳам унинг муваффақиятидан дарак беради:

Шайи ҳуснингга, игоро уртаниб, парвонаман,
 Икки олам кору боридан кечиб, бегонаман,
 Чун самандар оташи ишқинг билан сузонаман,
 Ақлу хуш учди бошимдин, эй пари, девонаман,
 Бир иложи қил, эл ичра булмаини афсонаман (28).

Навойнинг «Дема» радифли ғазалига Хайратий бағишлаган мухаммаси ҳам унинг поэтик камолатининг етуқлигига яна бир бор шохиддир. Навойнинг гуманистик қарашлари аке этган бу ғазалга қилинган таъмин мазмун ва шакл пайвандлигидан ташқари, унга боғланган мухаммас совет шоиривики экани сезилиб туради, бу алоҳида диққат ва эътиборга лойиқдир:

Қилмагил ифшо бировга хар кишини (нг) сирини,
 Демаки «— кўлингдан келса душман сеҳрини,
 Лайлу маршондан «— бил ишчи-деккон сирини,
 Худди «— шунингдек узинга маҳрам эт эл меҳрини,
 Бўлмиса аз дардага маҳрам ани маҳрам дема (27).

Хайратийнинг «Кўнглим», «Эй жоно», «Нола қилур», «Нозир узун», «Кабоб элур», «Келсун» каби мухаммаслари ҳам шунини муҳаббатни ўзига хос жозиба билан қўйлагани билан характерлидир.

² В. Г. Белинский. Сочинения. Сочинений в трех томах. М. ОГИЗ—ГЛЛ. 1949, стр. 74—75.

Шоир Октябрь инқилобигача ёзган турли темалардаги бир қатор шеърларида ҳам халқ озодлиги проблемасига қайта-қайта мурожаат қилади. Бунга унинг 1912 йили ёзган «Боёнлар ҳақида бир-икки сўз», 1916 йили яратган «Мардикор олди», «Эски бидъатлар» каби асарларини далил қилиб келтиришимиз мумкин. «Баёнлар ҳақида бир-икки сўз» шеърининг дастлабки мисраларида замоннинг ноҳўялигидан, тескарилигидан норозилик садолари қулоққа чалинади. Шоир одамларга мурожаат қилиб: «Боқ бу эмиш мамлакат айёнлари» дер экан, уларни номба-ном таништириб ғазабга келади:

Шермат ила Норматидур барзаговлари
Хожи Азим лаънати боёнлари.

Ҳайратий уларни одам қаторига қўшмайди ва: «Қўшга юбор, чиққунча то жонлари» деб хитоб қилади. Шоир навбатдаги мисраларда золимлар салафларини таништириш билан, уларга нисбатан ўз нафратини изҳор этади:

Бир нечаси олимус³ жоҳил сифат,
Қайси экан билмадим адёнлари.
Дехчини⁴ куй хайли баҳоим билан,
Қўшма ҳаром айлағай инсонлари (45).

Шоир катта савдогар Мирзабойнинг пичоғи мой устида эканлигига ишора қилар экан, унинг авра-астарини фош этиб, хасислиги ва очкўзлигини очиб ташлайди.

Хайр-сахо ўзларида зарра йўқ,
Ман этар қилса гар арконлари.
Ваъдалари барча хилофи вафо,
Жойиз эрур, йўқ десам имонлари (45).

Хасис, тамағир ва ёлғончи бойларни куппа-кундуз куни меҳнаткаш халқнинг бор-йўғини шилиб олувчи муттаҳам ўғриллар деб лаънатлайди:

Биржа қилиб растада савдо учун,
(Учраганлардан кесар) урёнлари
Булса диёнатлари шундоғ агар,
Ўғри битурсия ҳамма ҳамёнлари (46).

Шоир одамларни бузаётган, уларни қутуртираётган хусусий мулкчилик ва унинг воситаси пул эканини яхши тўшунади. Бу фикр, ўз навбатида, хусусий мулкчилик,

³ Мулло Омонullo — мударрис.

⁴ Дехчи — қозонқуруш Ибобек хожи.

мулкнй тенгсизлик асосларига ҳам кучли зарба бўлиб тушади.

Савдогарлар дўкони вайрон бўлмагунча, дунё обод халқ шод бўлмайди. Шoirнинг хулосаси мана шу! Шoir пулпарастлик, молу дунёга учлик балоси энди ҳаётга кириб келаётган бойваччаларнинг ҳам тарбиясини бузаётганидан, тобора ҳаётга чуқур томир отаётганидан қайгуради. Бу —

Ғзларнинг қўй, боши гур остига,
Булди эшакдан баттар углонлари,

сатрдан сезилиб турибдики, шoir зулмга ва адолатсизликка қарши умумий фикр юритмайди, балки мана шу зулмни дунёга келтирувчи конкрет шахсларни ҳамда уларнинг қилмишини курсатиб бериш орқали зулм ва адолатсизликни қоралайди. Шеърга «Боёнлар ҳақида бир-икки сўз» деб сарлавҳа қўйиларкан, шoir боёнлар ҳақидаги фикрларни умумлаштирганига ишора қилади. Шoir халқ эрки ва озодлигини қумсаб, уни буғиб турган кучлар дунёдан йўқолгандагина бу орзу рўёбга чиқишига ишонади. Дарвоқе, шoirнинг орзуси бу асар дунёга келгандан 5 йил кейин — 1917 йили амалга ошди.

Ҳайратийнинг «Мардикор олди» шеъри ҳам пичинг аралаш мурожаат билан бошланади:

Биродарлар, келинлар, бизга бир янги замон улди,
Жаҳон айвонида бу комимиз бир қаҳрамон ўлди.

Бу ерда «Биродарлар» сузи орқали кенг халқ кузда тутилса, «янги замон» сузлари орқали эзгулик эмас, ёмонликка пичинг қилаяпти, замон яна беш баттар ёмонлашди деяпти. «Қаҳрамон» сузи орқали истеҳзо билан азоб ва уқубатларни торта бериш соҳасида шу номга лойиқмиз, демоқчи булади шoir.

Бинобарин, Ҳамза «Соғиниб», «Салом айтинг» шеърларида мардикорга сафарбар қилинганлар номидан ўз фаритини ифодаласа, Ҳайратий воқеа содир булган жой аҳволни аҳволни кўрсатиш орқали ўз газабини билдиради.

Шoir шайхларга тулим пичогини қайраб берувчи текинхўр-руҳонийларни газаб билан тилга олиб:

Шайхларнинг буларча бўлиб бунда шайхлар,
Шайхларнинг буларча буларча шайхлар,
Бир эшон ўлди.

дейди. Асарнинг охирида:

Муродим мардикор олмоқни тарихини ёзмок эрди,
Ва лекин четга чиқдим бир қушимча дoston ўлди,

деб ҳайратлангандай булади. Бу эса, шоирнинг ҳаёт воқеаларига реалистик муносабатда булгани, уни элу юрт нуқтан назаридан акс эттиргани оқибатида майдонга келган. Шоирга «қушимча дoston» булиб курунган нарса ҳаётий ҳақиқатнинг бадий ҳақиқатга айланганидаги ходисалар мазмуни булса керак.

Юқоридаги мисоллар шоирнинг халқ томонида туриб унинг эрки учун жон куйдирганига, золимларни бор овоз билан нафратлаганига шоҳиддир. Шоирнинг маҳорати шундаки, бор-йўғи 22 сатрдан иборат қисқа шеър мазмунига мардикор олди воқеаси каби катта фожианинг тасвирини усталик билан сиғдира олган.

Ҳайратийнинг ижоди Октябрь инқилобидан кейин гуркираб кетди. У Советлар днёрини мадҳ этувчи, унинг душманларини фош қиладиган шеърлар билан поэзия майдонига чиқди. Бу жиҳатдан шоирнинг сиёсий мавзуда яратган «Хуррият», «Советлар барқарор», «Хуп бажо булди», «Муборакбод», «Ленин ота», «Ўзбекистон уни йиллигига», «Биламиз» каби шеърлари характерлидир. Ҳайратий дусту Оразий билан ёнма-ён туриб, Совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлашга чақириб, ижод этди. Шоирнинг мана шу даъват овозига унинг «Хуррият» асари шоҳид була олади. Энг аввало, Ҳайратий Совет давлатининг чинакам халқ ҳукумати эканини яхши тушунди, шунинг учун унга чексиз муҳаббат билан қаради. Барчага бу давлатнинг мана шу халқчиллигини тушунтиришга жону дили билан ҳаракат қилди.

Асар мухаммас тарзида ёзилган ва у беш оандан иборат. Ундаги бандлар ва мисралар бир-бирига мантқан боғланган булиб, асар ғоясини мукамал очиб беришга хизмат қилади. Шеър шоирнинг чақирик руҳидаги бошқа шеърлари каби чақирик садолари билан бошланади.

Эй азизлар, айлангиз аҳволни оламга назар,
Ҳар замонда узга булгай гардиши даври камар.

Октябргача ёзилган чақирик шеърлар: «Эй биродарлар, эй ошнолар» сўзлари билан бошланса, бу шеър «Эй азизлар» сўзлари билан бошланадики, бунда шоир ўтмишдаги хор булган халқни азиз булганига ишора қилаётганини сезилади. Шоир навбатдаги сатрларда чақи-

рик сабабини айтмайди, балки у айтадиган сабабиятнинг фалсафий асосларини тушунтирмоққа ҳаракат қилади.

Шоир ҳуррият аср-асрлар орзиқиб кутилган, унинг бўлишига қатъий ишонилган бўлса-да, уни шу дамда зухур бўлиб, ўзига насиб этганидан шоду хуррам бўлади. Бу хушxabарнинг номини ўзида йўқ қувонч билан тилга олади: «Яъни Ҳуррият дарахти берди оламга самар!» Шоир «Ҳуррият булди» деб қўя қолмасдан, «Ҳуррият дарахти мева берди» дейиш орқали унинг тарихий ва зарурий воқеа сифатида бунёдга келганига ишора қилади.

Шоир ҳурриятни дарахтга қиёс қилиб, бизни фикран тарихга етаклайди ва «ҳуррият дарахтининг» самараси учун бўлиб ўтган қанча-қанча курашлар, мислсиз қурбонларни ёдга солади.

Сўнгра шоир Ҳуррият дарахтининг самараларига китобхоннинг диққатини жалб этади:

Зулму бедоду таарруз жумласи булди адам,

Лутф эҳсонга ҳукумат бир йўли қуйди қадам.

Демак, Ҳуррият дарахтининг ҳосили зулм, адолатсизлик, таъқиб каби ўтмиш иллатларига хотима берди. Бунга қарама-қарши инсонларга ғамхўрлик, мурувват, шафқат майдонга келди. Шоир бу билан Совет ҳукуматиининг чин маъноси билан халқ ҳукумати эканлигини, унинг биринчи қадамида ноқ элу юрт манфаатини кузлашини, унинг бундан бошқа манфаати йўқ эканини:

Келди жўш урмоққа эй ихвон дарёин карам

Бил мусовоту адоват зарфидни бизларга ҳам (54)

сатрлари орқали ифодалайди.

Шоир кўпчиликл қаторида ўзига ҳам мана шу карам дарёсининг оби зилоли насиб бўлганидан шодланади. Ушарафга мушарраф бўлган меҳнат аҳлини бу улуғ ғалаба билан минг-минг фахр ва ифтихор қилишга чақиради. Шоир «Эски оғу ўрнига бизларга ҳам етти шакар» эсирка, ўтмиш замона кулфатларини заҳарга, янги замон шарофати ва карамини шакарга қиёс қилади. Утмиш инсонни ўз заҳари билан улимга маҳкум этса, янги замон ўз шакарин билан ширин ҳаётда яйраб-яшнашга даъват қилади. «Бизларга ҳам» даги ҳам орқали шоир узбек халқи билан бирга эришган адолатга эришган барча халқларни эслатишда

Чикди бу кун хар тарафдин чун индон иттифоқ.
Мунташир булди хабар наздик булсин, хоҳ йироқ.
Пок булиб барча кунгиллар сут исоли булди оқ (54).

Кўриниб турибдики, ҳуррият дарахтининг мева беришида бош омил барча миллат меҳнаткашлари «иттифоқ»да, кунгилларнинг сут мисоли «оқ»лигида экан. Энг муҳими шоир: «Қолмади ислом ила рус ўртасида бир нифоқ» дея утмишда эзилган ўзбек халқининг бошқа халқлар қатори бахт ва саодатга эришиши рус халқи билан дўстлиги туфайли булганлигини тўғри баён этади.

Юқоридаги сатрларни ўқиганда, Ҳайратийнинг интернационализм принципларини қўллаб-қувватлашининг гувоҳи бўламиз.

Шоир:

Айлангиз табрик ҳурриятга, эй аҳли таъин,
Бир ватан авлоди бир-бирига керак донм азиз (54).

деб ҳурриятни табрик этишга чақириш орқали халқлар ўртасидаги эрк ва адолатни қўлга киритишда эришган дўстликни мустаҳкамлашга даъват этади. Шоир совет кишиларининг манфаат муштараклигини тўғри талқин қилади. Бинобарин, Ҳайратийнинг интернационализм моҳиятини чуқур англаши унга миллатларни ҳаётини манфаат бирлигида кўриш имкониятини беради:

Бир ота фарзандидирмиз ишчи-деҳқоқ ҳаммамиз
Мамлакат ободига гайрат этайлик барчамиз (55).

Шоир Совет давлатининг барқарорлигига, унинг куч-қудратининг, лутфининг улуғлигига, бу даврда ўлкамизнинг гуллаб-яшнашига, фаровон ҳаёт таъмин бўлишига ишончи комил. Шунинг учун ҳам у:

Бу советлар лутфи бирла мулкимиз бўлган чаман,
Илму фан разнақ топиб, қудратли бўлган бу Ватак (55).

дея бор овоз билан куйлайди. Бу бўлажак галабаларнинг ўз-ўзидан келмаслигини, бунинг учун астойдил меҳнат қилишга, рус фани ва техникасини ўрганишга чақиради. Мамлакат тараққиётида фан ва техниканинг беқиёс зур ролни тўғри тушуниб шоир бу соҳада ҳаммани бир-бирига ёрдам беришга ундайди:

Ҳайрато, ҳимматини било қил, урин гайрат билан,
Бир-бири айлаб йонот касб айлайлик илму фан
Дўстлик билан адолат тахтида айлаб макар (55).

Демак, шеър халқлар дўстлиги бутун ғалабалар қилиб деб ҳисоблайди.

Шоирнинг «Қимматчилик» шеъри Совет ҳокимиятининг ички душманлари — босмачилик ҳаракатига қарши кураш руҳида ёзилган. Шоир шу касофатларнинг қилмиши туғайли халқ бошига тушган жабр-зўлми кўрсатиш орқали ёт унсурлардан нафратланади. Бутун ғалаани босиб олган бойларнинг очкўзлиги устига босмачилар халқнинг бору-йўғини талаб, уни янада очлик-муҳтоликка солаётганиди.

Бир ёнда понга муҳтож, бир ёнда босмачилар,
Горати муттаҳамлар элга қилар жафолар (50).

Шоир меҳнаткаш халқнинг бирдан-бир мададкори Совет давлати эканини, халқнинг бу ҳокимиятга ишончини ва унга бўлган зўр ҳурматини ишончаран сатрларда уқтиради:

Безор ўлиб халовиқ ҳар кеча қизларини,
Саҳлдига горизонга айледи илтижолар.
Моли билан қизини элтарди крестолар,
Келтурган боради тоғи вақтида атолар (50).

Бу ерда халқнинг «очликда дўстлик синоқ» деган ҳикмати ёдга тушади. Меҳнаткаш халқнинг энг оғир давларида уни ўз ҳимоясига олган Совет давлати меҳнат адлигини чинакам дўсти сифатида янада ёрқинроқ намойиш бўлади.

Ҳайратийнинг «Биламиз» (58) шеъри ҳам унинг меҳнаткашлар эрки қарор топган Совет мамлакатига муҳаббат ҳисси билан ёзилган бўлиб, бу муҳаббат гоёки совет дийрининг истиқболини кўрсатиш мисолида очилади. Агар юқоридаги шеърда Совет ҳокимиятига муҳаббат гоёки бу давлатнинг порлоқ истиқболини тараннум этish мисолида олга сурилса, «Хўи бажо бўлди», «Муборақбод», «Ўзбекистон ўн йиллигига» шеърида бу ният Совет мамлакатига қўлга киритилган оламшумул ютуқларни намойиш қилиш орқали куйланади. «Советлар барқарор» шеърида эса ҳозирини ўтмиш билан солиштириш усули орқали совет даври улугланса, «Оғмачилар»да янги замоннинг душманларини фойш эттиш, порлоқ даврни ёмон кўзлардан асраш шу дийрга муҳаббат натижасидан келиб чиқади. Бу асар 20-йилларнинг биринчи ярмида мамлакатимизда босмачилик хуружлари авж ол-

ган бир пайтда ёзилгани билан ҳам муҳим сиёсий, тарбиявий аҳамиятга эгадир. У шубҳасиз, халқни Совет ҳокимиятига муҳаббат, унинг душманларига нафрат руҳида тарбиялайди.

Ҳайратийнинг социалистик замонга меҳр ва муҳаббатни унинг шу давлат мураббийси В. И. Ленин образини яратиб соҳасидаги уринишларида жуда яққол кўринади. Ҳайратийнинг ҳамюрти ва дўсти Абдулла маҳсум Комиловнинг айтишича, шоирда В. И. Ленин образини яратиш нияти Совет ҳокимиятининг биринчи қуларидасқ тугилган бўлса-да, ўша кезлари бу мақсадни амалга ошириш — доҳий образини яратишга узини ҳар жиҳатдан тайёр эмас деб билди.

Аммо, бу масъулияни, айни чоқда шарафли ижодий орзу доим шоирнинг қалби тўрида мустаҳкам жойлашиб, уни бу мақсадни амалга оширишга даъват қилиб туради. Доҳий ҳақидаги бир қанча асарларини ўқиб, таржиманомаларга қарай материаллар билан танишиб, ўз сиёсий, бадиий маҳоратини оширишга интилган шоир, лиҳозат бу ишга 1935 йили қўл урди. Унинг «Ленин ота» (75) шеъри шу тарзда майдонга келди.

Пролетар раҳнамоси — қаҳрамон Ленин ота,
Зули элини йўқ қилганш тузган план Ленин ота.

Бинобарин, шоир доҳий образини «пролетар раҳнамоси», «қаҳрамон» образида бермоқчи. Агар маъно мантисига эътибор берсак, пролетарга раҳнамо бўлишдан кўра юксакроқ қаҳрамонлик бўлмаса керак. Шоир талқинида В. И. Ленин қаҳрамон, қаҳрамон бўлганда ҳам пролетарга раҳнамо бўлган қаҳрамон. Демак, доҳийнинг қаҳрамонлиги оддий эмас, у жамиятнинг пешво қаҳрамони, маълум маслак ва мақсад йўлидаги курашга «раҳнамо» дир.

Шоир навбатдаги сатрларда бу «қаҳрамон»нинг қаҳрамонлик тарихини аста-секин кўрсатиш орқали, образини мукамаллаштиришга интилади, зули ҳукмрон бўлган бир шароитда уни йўқ қилиш учун йўл-йўриқ ишлаб чиқиш қанчалик жасорат ва ҳимматини талаб этади. Шунинг учун ҳам шоир доҳий тузган йўл-йўриқларни юксак қадрлайди ва уни жон-дили билан эъзозлашга ва эркак ташна оламга билдириб, уларни ҳам шу йўлда олга қараб интилишга даъват этади.

Сен тузиб кетган сиесни нулли ишларни
Айлагаймиз ушбу оламга аён, Ленин ота (75).

Ҳайратий Ленинни партиясиз, партияни Ленинсиз та
вур этолмайди. Шу боисдан Ленин ҳақида гапирар
партияга ҳам мурожаат қилади. У Ленинни
деб тушунса, коммунистларни унинг шогирдлари деб
атайди. Бинобарин, Ленин устоз, партия аъзолари э
шогирдлари образида берилади.

Ҳайратий устоз ишларининг шогирдлар томонидан
зур қатъият билан давом эттирилаётганига ихлос-эhti-
ром билан қарайди ва партиянинг шижоатига қойил
либ унга юксак баҳо беради.

Партиянг, шогирдларинг ишлашдилар ғайрат билан
Мамлакатни қилдилар дориламон, Ленин ота.

Мамлакатни дориламон қилиш қанчалик қийин ва
шарафли иш эканлигини биласиз. Одамзод неча асрлар-
дан буён мана шу дориламон замонни орзу қилиб кел-
гани халқимиз туқиган эртакларда қайта-қайта энкр
этилган эмасми? Бинобарин, дориламон сузида қанча
мазмун бор? Бу иборанинг маъносини чақиш туфайли
том-том китоблар майдонга келса ажабмас. Тарих саҳн-
фаларини варақлаган сари қаҳрамон — доҳий образ
мукаммаллаша боради. Шоир доҳийнинг халқ озодлиги
йулида тортган азоб-уқубатларини санаб курсатиш ор
қали, биринчидан, унинг чинакам қаҳрамонлигини оч
моқчи бўлса, иккинчидан, халққа яқинлигини ифодалаш
га ҳаракат қилади.

Мустабидлар даврида қурқмай тузиб партияни,
Подшолар тухмини қилди ишдон, Ленин ота.
Умрининг купроги сургун бирла эндронда ўтиб,
Махфий ер остида тинмай ишлагон Ленин ота.
Экин зулматдан чиқармоқ фикрни уйлаб мудом
Етди охир мақсадига паҳлавон Ленин ота (75).

Демак, доҳийнинг халқ бахти учун олиб борган ку-
рашлари бекорга кетмади. Кураш доҳийнинг ғалабаси
билан тугади. Бу ерга келиб қаҳрамон паҳлавон образи
билан алмашилади. Қаҳрамоннинг кураши галаба бил
лан якуланиб, унинг чинакам паҳлавонлигини намойиш
қилади.

Ҳайратий совет кишилари шодмон ҳаётининг
бачиси деб Ленинни тушунар экан, уни асрлар оша

сонлар истаб келган адолат ва эркинликни тула-тукис
гаъминлаб, бекаму куст халқ бахтини яратганлигини
таъкидлайди:

Социализмга чиқди барча эл хуррам бўлиб,
Адлу эҳсондан бутун берди нишон Ленин ота (75).

Шоир доҳийнинг улуғворлигини «қаҳрамон», «пахла-
вон» сузларида берса, меҳрибонлигини «ота» орқали
ифодалайди. Шеърдаги

Ҳрнига шогирдларини қўйдю юмди кўзини,
Қолганин онлар қилур деб уйлаган Ленин ота (76).

сатрларини ўқиганимизда, В. И. Лениннинг ўз партия-
га ишончи ва ҳурмати, Ленин ишларини изчиллик би-
лан давом эттираётган партиёга умумхалқ мухаббатини
алоҳида садоқат билан жуш уриб кетади. Ҳайратий ўз
шеърини:

То жаҳон борича турсин бу Советлар давлати,
Ҳайрато, номи жаҳонга жовидон Ленин ота (76)

нисралари билан тугатади.

Бисебарин, шоир Ленин тузган Совет давлатини дунё
борича турсин, деб алқир экан, бу алқилишининг ҳақ эка-
нига ҳам ишора қилади. Молсмики, Ленин номи жаҳон-
да абадий экан, у тузган давлат ҳам жовидон—абадий-
дир. Бу шеърининг халқ қўшиғига айланиб кетгани бежиз
эмас

Ҳайратийнинг яқин дустри, хофиз ва машшук Соли-
ҳори Азихоновнинг айтишича, Ҳайратий билан Пуллош
Охунбобоев ўртасида дустлик муносабатлари мавжуд
бўлган. Пуллош ота Шаҳрихонга ташриф буюриб, қайт-
ганларида Ҳайратийни бирга Самарқандга олиб кетган.
Шоир самолёт синасидан пастга боқиб ўз қалбида уй-
тонган ҳиссиётларини шеърга кучирган. Натижада «Ку-
рикур» радиопли газали майдонга келган.

Шоир бу шеър орқали она Ватан образини яратмоқчи
булади. Мана шу образга ўз муносабатини ифодалаш,
уни улуғлашга жазм қилади. Шеър изчил сюжет чизи-
ғига эга бўлиб, унда Ватан, уни гулларга буркаётган
ватандошлар ва раҳнамо Коммунистик партия яхлит на-
моён бўлади.

Шеър:

Кумуш қанотила учсам, тобланиб тубан курикур,
Суюкли кенг азамат социал Ватан курикур.

мисралари билан бошланади. Мана устки мисрадага «тобланиб кўринган тубан» пастки мисрада қошқарлашиб «социал Ватан» тарзида намоён булади. Кейинги сатрларда Ватан тушунчаси яна аниқ тус ола бошлайди. Энди мана шу «чаман»ни бунёд этган, уни шону ша- рафга ураган қон-қардош колхозчилар, йигиту кўнра- улуғланади. Шоир нигоҳи энди санъат, илм-фан ша- казлари бўлган муҳташам шаҳарларга тушади. Шоир нинг кўз унгида бахтиёр ишчилар синфи ўзининг қудра- ти ва салобати билан таманно қилади:

Биолари кўкпар муҳташам шаҳарлари кўп,
Совет шаҳарларидир, буида илму фан кўринур.

Қатор бу янги гигантлар ишчи қудратини кўрки.
Бу диёрда на зулмат ва на жабру кишан кўринур.

Мана шундай улуғвор Ватан қудратли ва буюқдир. Му- ҳими шундаки, шоир ғалабаларнинг илҳомчиси ва таш- килотчисини зур ифтихор билан тилга олади:

Агарки ёв жазм этибон қўйса шум қадам унга.
Анинг шу оқибати емирилиши ва қон кўринур,
Бугун бу улкага барча улуғ ютуқларнинг —
Бошида Компартиямиз дўсти бегумон кўринур⁶.

Ҳайратий эрк ва адолатни юзага келтирган совет за- монасини мадҳ этиш, у яратиб берган имкониятлардан фойдаланишга, бу қулайликларни кўз қорачиғидай сақ- лашга даъват қилиш йули билан ҳам совет диёрини улуғлайди. Унинг мана шундай руҳда ёзилган шеърлари қаторига «Чирчикстрой», «Ливандан қўлингни торт», «Матбуот кунига», «Муқимийга назира» «Муаллимлар» кабиларни киритиш мумкин.

«Муқимийга назира» шеъри «ҳужум» даврида уш- давр талабига жавоб тариқасида, Ҳамза «Ўзбек хотин- қизларига» шеърини қаламга олган вақтда ёзилди, айн- чоқда, халқ қўшиқлари қаторидан жой олди. Шеър сар- лавҳаси остига Ҳайратий «Бу шеърни 1926 йили ези», Водилда Ҳамза Ҳакимзодага берган эдим» деган сузлар ни ёзиб қўйган. Эҳтимол, бу шеър Ҳамзанинг тавсия- билан қўшиқ қилиб куйлангандир.

⁶ Бу шеър шоирнинг дўсти Солиқори Алихоновдан ёзиб оли- ган.

Шеър мазмунидан ташқари, формасининг баъзи томонлари билан ҳам Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига» шеърига ухшайди. Агар Ҳамза бу шеърни шакл эътибори билан Фазлийнинг шеърига назира тарзида ёзган бўлса, Ҳайратий Муқимийнинг «Шунчалар» радибли ғазалига шаклдош бир йусинда яратган. Буни шеърнинг «Муқимийга назира» сарлавҳасидан ҳам билса бўлади. Аммо, Ҳамзанинг Фазлий ғазалига муносабати билан Ҳайратийнинг Муқимий ғазалига ёндашуви масаласида, шеър мазмунининг тақозосича, хилма-хиллик бор. Ҳамза ғазалдаги формани сақлаган ҳолда, унга социалистик мазмун берган бўлса, Ҳайратий Муқимий ғазалидаги дод ва фарёд урнига социал даврнинг қувноқ руҳини киритади. Муқимий ижтимоий тенгсизлик замонда самимий инсон муҳаббатини ошиқнинг маъшуқа бевафолигидан азобланиши мисолида ифодаласа, Ҳайратий одамзод тенглиги тантана қилган бир даврда аёлларни жамиятда уз урнини эгаллашга чақиради. Муқимийдаги интим кайфият Ҳайратийда ижтимоийлик касб этади. Шунини эътироф этиш керакки, Фазлий уз ғазалида аёлларнинг инсоний ҳуқуқларини таҳқирлаб, уларни кунгил очиш воситаси сифатида талқин этса, Ҳамза уларни эрлар билан тенг ҳуқуқли инсон тарзида куйлайди. Муқимий эса аёлларни инсон сифатида тан олиб, улардаги вафо ва садоқатни улуглайди, Ҳайратий уз навбатида, Ҳамза даъват этгандай, уларни янги, озод замон самараларидан баҳра олишга чақиради:

Гул юз узра зулфингни боғ аро намоён қил,
Лола бирла сунбулни доғ этиб, паршон қил⁶.

(Фазлий)

Келди очилур чоғи узлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паршон қил⁷.

(Ҳамза)

Зули ила қаҳру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар,
Ошиқу бечорага озор бермоқ шунчалар.

(Муқимий)

⁶ Фазлий. Мажмуату шонрона, Тошкент, литография, 1910, 205-бет.

⁷ Ҳамза. Шеърлар, Тошкент, Бадий адабиёт нашриёти, 1951, 45-бет.

Юрак яшқида ўртаб дамбадам тинмай кабоб куйгай,
Назар қилсаиғ фалаклар узра балким моҳитоб куйгай.
Бутун сайёрау, юлдуз, радубарақ-у саҳоб куйгай,
Юзингнинг шуъласи тушганда олам боб-боб куйгай,
Денгизлар, дарёлар, кўлларда гуёки дубоб куйгай.

Хотимаси эса мана бундай:

Жамолнинг шуъласидан кўзларимни бир очолмайман,
Узоқдин куйдирар жонимни олдинга боролмайман,
Мухаммас Ҳайратий Ҳамид Олимжонга ки деганман,
Олай тоқатни кайдин юзларингга ҳеч қаролмайман,
Тушубдир учкуне кўксимга гуёки тоб куйгай⁹.

Ҳайратий Улуғ Ватан уруши даврида барча совет шоирлари каби халқимизни фашистларга қарши курашга даъват этувчи жанговар руҳдаги шеърлар билан майдонга чиқди. Унинг Шаҳрихон шаҳар музейида қўл-ёзма ҳолида сақланаётган «Фашистга лаънат», «Отланинг», «Шавкатли армиямиз», «Офарин» каби шеърлари шу даврда ёзилган.

Шоир «Отланинг», «Фашистга лаънат» шеърларида ёвуз ниятли душманини фош қилиш билан бирга, унга қарши курашга даъват қилса, «Шавкатли армиямиз», «Офарин» шеърларида душманини янчиб, голиб келган армиямизни қўтлайди. Бу жиҳатдан бу шеърлар Гафур Гуломнинг «Чин арафа» ёки Зулфиянинг «Ғолиблар қайтганда» асарларига ухшаб кетади.

Шоир душман устидан Совет Армияси қозонган галабани қўтлар экан:

Армияга партия илҳом берди субҳу шом,
Бу зафар Компартия юлдузида бо қарам,

деб унинг ташкилотчисини шарафлайди.

Ҳайратийнинг эрк ва адолатни ўлуғлаши унинг халқ-аро пролетариатни эрк, адолат учун курашга даъват қилиб ёзган «Ливандан қўлингни торт» шеърда яққол кўринади.

Аҳли дониш айтадир дунёда қолсин яхши от,
Ҳам кечирсин яхши от бирла жаҳон аҳли ҳаёт (104).

Ҳайратий юқоридаги яхши ниятини асослаб, мустамлака сиёсати таноззулга юз тутганига, энди мазлум халқ-

⁹ Андижонлик хаттот Жураҳон Юсупов архивидан.

лар ўзлигини таниб олганига ишора қилиб, сурбетли билан шармандаларча мустамлака снѳсатини давом эттиришга уринган империалистларга хитоб қилади:

Энди бас, мустамлака бўлмайди, топдилар нажот,
Бу эрур инсоният шаъинга бир қатый уст,
Зули учоғин ёндирувчилар Лиландан қулин торт.

Шоир эндиликда бировларнинг ерини босиб олишга интилиш босқинчилар учун жуда хунук оқибатларга олиб келишини айтиб, жиддий огоҳлантиради:

Нафсибадлар етмагай мақсудига Гитлер мисол,
Оқибат шармандалик бирла булар бирдан мюмот.

Ҳайратийнинг социалистик даврдан миннатдорлиги, унинг галабаларини мустақкам ташга бутун қалби билан интилиши автобиографик тарзда майдонга келган ва «Ҳайратнома» китобига кирган «Ўзим ҳақимда», «Ота юртим», «Салом», «Хўл қилди большевиклар», «Петров номли колхозда», «Келдим» каби шеърларида алоҳида эҳтирос билан тасвирланган. Шоир юқорилдаги шеърларида совет даврига бўлган ўз эҳтиромини турли тасвир формаларида кўрсатиб беришга уринади. Масалан, «Хўл қилди большевиклар» шеърисида утмишни кўрсатиш орқали ҳозирни улуғласа, «Ўзим ҳақимда»да утмиш билан ҳозирни қиѳс этиш орқали янги замонни алқийди. «Келдим», «Ота юртим», «Петров номли колхозда» шеърисида эса бу гоё совет даври афзаалликларини намойиш қилиш мисолида ечилади. «Салом»да Советлар юртига муҳаббат ва унинг душманларига нафрат, халқлар дустлигини оялари шеърини мактуб формасида баён қилинган.

Ҳайратий совет даврида юз бераётган ажойиб ўзгаришларни чин дили билан табриклар, шу ютуқларнинг кенг қанот ёйишига тўсиқ бўлган баъзи эскилик сарқитларини фош қилиб ташлайди.

Мана шу ният натижасида шоирнинг «Даркор эмас», «Беданабознинг тавбаси», «Хурознинг ҳасрати», «Шамборак» каби ҳажвий шеърлари майдонга келди.

Ҳайратийнинг «Хурознинг ҳасрати» шеърисида хурознинг ҳасрати орқали хўрозбозни:

Борин дилнингда раҳминг, эй баднома хўрозбоз,
Инсоф ила кўзинг оч, этгил ҳаѳ хурозбоз (69),

сўзлари билан танқид остига олади. «Беданабознинг тавбаси»да эса беданабоз тилидан беданага қарата:

Энди ишлайман колхозда оқ кўнгил билан,
Инглабон ҳайратга келдим аҳди паймон беданам (67)

дейди. Шундай қилиб, ҳар иккала шеър орқали шоир ижтимоий фойдали меҳнатдан қочиб, беданабозлик ва хўрозбозлик орқасида ўз инсоний қиѳасини йўқотганларни юмор остига олади.

Ҳайратий юқорисида қайд этилган лирик жанрга хос шеърлари билан бирга, эпик характердаги асар устида ҳам қалам тебратганки, бу унинг «Ҳайратнома»сидир.

«Ҳайратнома» автобиографик характердаги дoston бўлиб, унда Ҳайратийнинг таржимаи холи билан боғлиқ бўлиб утган воқеалар тасвирланади. Дostonда, асосан, Совет ҳукуматининг барпо бўлишидан то колхозлаштириш давригача Шаҳрихонда юз берган ҳодисалар кўрсатилади. Асар икки қисм, 1122 мисрадан иборат катта эпик дostonдир. Биринчи қисм граждaнлар уруши даврини ўз ичига олиб, 870 сатрдан, иккинчи қисм эса 242 сатрдан иборат бўлиб халқ ҳўжалигини тиклаш ва индустриалаш даврига бағишланган. Кўришиб турибдики, аввалги булкмининг ҳажми катта, бинобарин, воқеалар ифодаси ҳам кўпроқ. Асар дostonларига хос маснавий йўлида ёзилган бўлиб, ўн бир ҳижолидир.

Дostonда изчил сюжет чизиги мавжуд, воқеалар мана шу чизик бўйлаб, маълум тартибда ривожланади. Унда иштирок этувчи персонажларни бир-бирига қарама-қарши икки ижобий ва салбий группаларга бўлиш мумкин. Умуман айтганда, бир томонда, Совет давлати бошлиқ меҳнаткаш халқ (Ҳайратий ҳам шубҳасиз шу томонда), иккинчи томонда бойлар, босмачилар ва уларнинг турли хил малайлари, суянчиқлари. Шоир ҳар бир ҳодисани пала-партиш ёзавермайди, балки бўлиб утган энг муҳим воқеаларни танилаб қаламга олади. Бинобарин, асар мазмунига шу замонда содир булган энг характерли ҳодисалар етакчилик қилади. Асарни уқиган сари Совет давлатининг халқчил табиати ва гуманистик фазилати очилиб боради. Бу гоё дostonда келтирилган эпизодик ситуацияларда гоят моҳирлик билан талқин этилган. Асардаги образлар бир-бирини тўлдирди, воқеа давомидаги хатти-ҳаракати туфайли китобхон онгига ўрнашиб қолади.

Совет давлати, доҳий Ленин ва Коммунистик партия ҳақидаги гаплар асар охирида тилга олинса-да, асарнинг бошидан уларнинг раҳномалик кучи, меҳрибон

Қабил ва қудрати сезилиб туради Шонр Совет доқимияти
учун унинг душманларига қарши курашда бутун ду
шманларини билди

Улар ғарибовларнинг қудратидан,
Шарофидан талқинидадан шадидидан (154).

диб билди

Шонр асар мазмуинини янги очини ниятида реванш
ичин, доқимияти вабо ривозидан арқали сарфидан
етган сўзларини дақиқлик билан қўллайдди Асарда
мачи сўзига осмачи, тусмачи сўзлари қўфия қилинади, бу
сўзлар шакл оҳангдошлигидан ташқари, мазмунга жуза
мос келди

Достонда Ғарва, Найнаво, Кабо, Назармаҳрам, Шир
тепа ваби жой номларини учратасиз Улар асар мазму
инини очиниға қўл келди

Ижобий образларга қаҳрамон, доно, шиддаткор ваби
сифатлар берилгани ҳалда, салбий образларга шанқил
вазид, касофат, бадбақат, баднамо ваби сифатлар берил
иши уларнинг ички дунёсини очинида муҳим роль ў
йнайди

Асардаги босмачилар разиллигини фош этувчи

Узининг қўшини Отавонини тўтиб,
Уш тинга осли отиб ўзидир.

Еки:

Кориндан деган ён-ён бир Ангит,
Кўсалди ситамда бир ослин Ангит,
Тотиб булга дам ўз далои айлади,
Отаси ғариб кўн фогои айлади.

ваби сатрлар характеридир.

Шонр табиат манзараларини воқеалар рудига
ҳалда чизиниға алоҳида эътибор бериб, воқеа моҳиятини
вуқта беришга эришади. Мана, босмачиларнинг Шаҳр
дон шаҳрига бостириб кириш пайтидаги табиат тасвири

Совуқдан дарахлар салом айлашиб,
Этиб шохин ер билан қослашиб,
Совуқ шаддатидан проласмас ичин,
Агар бўлса дар давча лизини ичин (113).

Босмачиларнинг Қизил Армия томонидан тор
келтирилгани олдиданги манзара:

Киндан ослидан эди вола ранг,
Совиқ вақрининг бўшамдан истади эки (154)

Асарнинг «Хайратнома» деб аталиши, бир томондан,
шонр таҳлилусига боғлиқ ҳалда автобиографик харак
терини билдирса, иккинчи томондан, олам ҳайратланади
ган воқеалар тилмасига ҳам ишора қилинади.

Ҳайратий Совет доқимиятининг душманларига қарши
курашда интернационализмнинг қудратига алоҳида баҳо
бериб, асар охирида мана шу ленинча доно миллий сие
сат таънасини эфр қонқиш билан тараним этади.

Ҳамма эи бўлди бир-бирига қардош
Арода қолмади миллатчи бир бош
Биродар рус, арман, турку томан,
Қорақалпоғу ўзбек — ҳамма бир тек
Қозоқлар, украинлар бирла руслар,
Татарлар, қашгорлар бўлди дўстлар (161)

Шундай қилиб, ўз ижодини Октябрь инқилобидан ил
ғари кичик-кичик газаллар, замона ва унинг пешвоэла
рини ҳажо қилувчи шеърлар билан бошлаган Ҳайратий
Октябрь инқилобидан сўнг илги порлоқ даврини маҳд
этувчи илрик элик асарлар яратини даражасига кўта
рилди. Бу фазилат, шубҳасиз, совет даври шарофати
билан майдонга келган социалистик реализм адабиети
нинг шонр ижодига кўрсатган ижобий таъсири нати
жаси эди.

МАВЛОНО ҚОРИ ЗОКИР (1870—1943)

*Марҳум Қори Зокир ака каминано
адабиётда устоз булганлар
(Ҳабибӣ)*

Фарғона водийси бўйлаб донг таратган забардаст шоир Қори Зокир 1870 йили ҳозирги Андижон областининг Пахтабод районидаги Қуқон қишлоқда урта ҳал деҳқон оиласида туғилди. Шоирнинг отаси Ғойибназар билим ва маданиятнинг қадрига егадиган киши эди. Шу бонсдан ўгли Зокир қишлоғидаги ибтидоий-диний мактабида хат-савод чиқаргандан сунг, уни Бухородаги мадрасага ўқишга беради. Зокир мадраса таҳсилини тугатгандан кейин ўз она қишлоғига қайтиб келади ва деҳқончилик қилади. У бўш вақтларида бадий ижод билан шуғулланади.

Зокирда адабиётга ҳавас эрта уйғонди. Унинг онаси Ойшабиби фозила шоира аёл бўлиб, Қуқон қишлоқликларнинг тўй-маъракаси Ойшабибисиз ўтмасди. У тўй-базмларга файз киритарди. Она ўз углидаги ижодкорлик талантининг ривожланишига қизиқиб қарар, унга шеърят қондаларидан сабоқ беради. Зокир кўпроқ Навоий, Ғазулийнинг мухлиси эди. У Бухорода ўқиб юрган пайтларида анча етук шоир сифатида ҳаммага манзур бўлади. Зокир Мунтазир, Бийий, Воланӣ каби андижонлик шоирлар билан яқин дуст бўлиб, улар орқали Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан танишди. Булажак шоир ғазаллари бу салафлар томонидан юксак баҳоланди. Кейинчалик у Зокиржон Холмуҳаммад ўгли (Ҳабибий), Маматхон Исҳоқ ўгли (Маҳмурий), Абдулаҳад Азиз ўгли (Анисий), Шодмон Ҳожи Тўрахўжа ўгли (Муштоқ), Абдуваҳоб Отажон ўгли (Сайфий), Азиз Соли ўгли (Мавжий)ларнинг Қуқон қишлоқ мушоира даврасига бошчилик қилди.

Зокирнинг ижодий маҳсули, асосан, демократик характерга эга.

У ўз асарларидан қўлёзма девон тузган. Унда тахминан уч минг мисрадан зиёд шеър йиғилиб, жанр эътибори билан соқийномалар, газаллар, муҳаммаслар, мувашшаҳлар, рубойлар, туюқлар, мустаҳзодлар ва ҳажвийётларга булинган.

Лекин мазкур шеърларни мазмунан икки қисмга: Октябрь инқилобидан илгариги шеърлар ва Совет ҳокимияти даврида ёзилган шеърларга бўлиб ўрганиш мумкин. Революциядан илгариги шеърларда изтироб, эрка интилиш, адолатни қумсаш мотивлари курилса, кейингиларида қувноқлик, фаровон ҳаётдан миннатдорлик ҳислари барқ уриб туради.

Шоирнинг таснифича, мавжудот: олам ва одамдан иборат, маҳсулот эса меҳнат, муҳаббат ва шунга боғлиқ нарсалардир. Қори Зокир Совет даврида ёзган шеърларини бир девон ҳолига келтирган бўлса-да, у асар шоир вафотидан кейин турли сабабларга кўра йўқолган. Қўлимизда мана шу китобга кирган шеърлардан баъзилари мавжуд, холос. Шоир 1943 йили ўз қишлоғида вафот этган.

Зокирнинг муҳаббат темасида ёзган ғазаллари анъанавий ғазалларни эслатади. Уларда ошиқ, маъшуқа ва агёр образи берилиб, ошиқ ёрнинг бевафолигидан зорланади, уни йулдан урувчи агёрдан нафратланади. Аммо, у ижрон ва алам изтироби билан қуйса ҳам, барбир висол умиди билан овунади. Мухими шундаки, ошиқнинг маъшуқа бевафолигидан афсусланиши замондан норозилик мотивларига уланиб социал мазмун касб этган. Дарвоқе, «Ўтмиш гуманизми муҳаббатни тарғиб қилгани учунгина кучли эмас, балки социал адолатсизликка қарши ғазаб уйғотгани учун ҳам кучлидир. У фақат ўша даврни инкор қилиб қолмади, балки бошқа йуллар топишга чақирди ва жасоратга ундади. Мана шу икки ибтидонинг бирикиши гуманизми, кишилар онгида дунёни инқилобий тарзда қайта қуриш госяни тайёрлашга уйғотувчи жонли, ижодий кучга айлангирди¹.

Шоир муҳаббат мазмуни ўз овози билан хуйлашга интилади ва бошқалардан нима биландур фарқланиб

¹ Г. Ломидзе. Интернациональный пафос советской литературы, М., Изд-во «Советский писатель», 1970, стр. 7—8.

туришга мойиллик кўрсатади. Бу унга хосликка тараф-кашлик мазмунини харидгир қилиш ниятидаги газал формаларининг ранг-барангчилигида кўрилади. Шоир ҳар бир газалини такрорланмайдиган, янги, китобхонанинг қилиши «жиэ» этиб ўнга жалб этадиган шаклда ёзишда шижоат кўрсатади. Бундан ташқари, шоирда янги ташбеҳлар, муболағалар қўллаш, оригинал сўз уйишлари кашф этиш, мисраларнинг содда, уйиқчи бўлишини таъминлашга интилиш мана мен деб кўришиб туради. Зотан, улуг мутафаккир Алишер Навоий ҳам:

Ани назм этки, тарҳи тоза ўлғой,

деб таълим берган эди.

Шоир ёрнинг бевафолигидан изтироб аламларини «Қийналиб», «Қийналдим», «Қийнаб» радифли уч газалида ифода қилади. Албатта, буларнинг ҳар бирида ҳам инсоний муҳаббат куйланади.

Шоир «Қийналиб» газалининг матлаидаёқ фалакиа хитоб қилиш орқали замона зайлидан фарёд чекади:

Дод дастингдан фалак, безор бўлдим қийналиб,
Ёрдин қилдинг жуда, афиор бўлдим қийналиб².

Газал бошдан-оёқ ҳижрон азобини, ошиқнинг маъшуқа йўлида чеккан азобини ифодалайди:

Кошки дилбар Зокир ҳолини бир сўрсалар,
Таънан ҳар улфату агёр бўлдим қийналиб (181)

сатрлари билан тугайди. Бу ўринда анъанавий газаллардагидек, «ҳар улфату агёр» ҳам таъна қилади. Демак, шоир — ошиқ таъналар гирдобида қолади. «Қийналдим» газалида эса ошиқ ўзининг ҳар бир аъзои баданига бир-бир мурожаат қилиб, улар ёрнинг бирор аъзосига гиррифтор бўлгани важдан ўзининг қийналганини айтади, ёки бу ерда ҳар бир аъзо бир тасвир воситасидай туюлади: масалан, шоир дилига қараб: «Асир ўлдинг ани зулфига», деса. «Висолин истадинг, эй кўзларини», деб кўзига хитоб қилади. Шоирнинг маҳорати шундаки, у ҳар бир аъзонинг вазифасини тўғри танлайди ва уларни шеър мисраларида мантиқан ўринлик қўллайди.

² Қори Зокир. Қўлэзма девон, 180-бет. (Бундан сўнг кавсичкада шу девондан олинган мисраларнинг бети кўрсатилади).

Висолин истадинг, эй кўзларини, ҳон шиглагни эмди
Мани қилдинг юзига термулиб душтор, қийналдим,
(Югурдинг, эй оғзим, Лайлининг) хуйида Мажнундек,
Хифи сирини қилдинг халқаро нэхор, қийналдим.

Шоирнинг «Қийнаб» газали бошдан-оёқ сўз уйиши билан ёзилган:

Дилим зогин илинган зулфиму, тузоғму қийнаб,
Тузоғида ва ё икки кузим дузоғму қийнаб (180).

Бу ерда шоир дил зогчасини банд этган ёр сочинини икки тузоққа, икки қорачиқ эса икки зоққа ухшатилади.

Висоли ёдида ҳам зулфининг савдоси бошида,
Илинган зогидан еш бача таби чоғму қийнаб (189).

Кўришиб туринтики, бу ерда тазод санъати қўлланади. Лирик қаҳрамон — шоир дилини зогча қилиб қийнабтаган ёрнинг таъби чоғ!

Риъзет кунжида вобаста Лайлисини фироқида,
Жузун занжирида мажнунманму, соғму қийнаб (189).

Мазмунини кучайтириш ниятида юқоридаги мисралар ҳам бир-бирига контраст қўлланган. Ошиқ ишқ занжирида ўзининг сөг ёки телбалигини билмайд.

Илинган тор уртмичикка бежон пашшае манки,
На ишлар тешан Фарҳод пла, мен тоғму қийнаб (189)

Бу ўринда ошиқ Ширин куйида уртанган Фарҳодга ухшатилагани учун ўзини Фарҳод йўнган тоғдай ёр қийнаб бежон пашшадай булганини баён этмоқда. Гап бир мазмундан узоқлашмайди, яхлитлик майдонга келади. Бу ерда ишқ азоби Фарҳоднинг тешасига, ўз жисми бежон пашшага ухшатилиб, бу икки нарса бир-бирига контраст қуйиляпти.

Эларман қийналиб Фарҳод пла Мажнун қаторида,
Ушал Ширин забон Лайли билан уртоғму қийнаб (189).

Бу мисралар жуда содда бўлиши билан бирга, шунчалик сермазмундир. Бу ерда Ширин сўзи ширинсухан ва ширин маъносига келади. Унинг Лайли билан уртоғми эканига ишора қилиш билан гуё ошиққа маъшуқанинги азоби икки баравар ортмоқда, яъни, Ширин билан Лайли уни қийналяпти. Ошиқ эса Фарҳод билан Мажнун қаторида ҳалок бўлишини ушал Ширин Лайли билан ўртоқ эканига ишора қилиб, айни вақтда ўз ўлими муқарарлигига амин бўлади, чунки у ширинзабон ёр, тақдирини

Ўлим билан тугаллаган Лайли билан уртоқ. Бу ерда ҳар иккала ҳолатда ҳам лирик қаҳрамоннинг тақдир ҳа- локатли. Ҳазалдаги ҳар бир «қийнаб» радифига ҳақ шоир икки маъно юклаган. Бир «қийналиб кетиш» маъ- мунида бўлса, иккинчиси «қийнаб» маъносидадир.

Ҳазал мисраларидаги бу икки маънолик унинг таъ- сир кучини оширади, ўқимишли ва жозибали қилади. Мисралардаги сўзлар бемаъно сўз ўйинларининг йиғин- диси эмас, мазмунга хизмат қилувчи, ғояни очишда кат- та роль ўйновчи сўз ўйинларидир. Биринчи мисрада ай- тилган фикрга иккинчи мисрадагиси зид қўйилади. Бу ҳолат ўз навбатида мазмунни кучайтиришга хизмат қи- лади. «Қийнаб» радифи олдидаги ички қофиялар тўқ бў- либ, фикрни сержилва этган ғазалда оирорта тушуни- лиши қийин бўлган араб, форс сўзлари бўлмаслиги унинг тилини соддалаштиради. Ҳазал матлаида «Ушаш шаҳро кузим уйқудами, уйғоқми қийнаб» сатрида нозик лутф берилиб, гуё маъшук ошиқни уйғоқ ҳолатда би- либ туриб, қийнаётгани йўқ, уйқуда. Бу билан ошиқ маъшукани оқтайди, тўғрироғи, уни яна улуғлайди.

Шеър муҳлиси бир-бирига жуда яқин бўлган «Қийна- либ», «Қийналдим», «Қийнаб» радифли ғазалларни ма- роқ билан ўқиб шоирнинг санъаткорлигига таҳсил айт- май иложи йўқ. Бу тарздаги ғазал ёзиш зўр меҳнат ва узоқ мушоҳада талаб қилади.

Шоирнинг «Кошки бўлса муяссар» сўзлари билан бошланувчи ғазалида унинг хурсандчиликка интилиши, интернационализмга мойиллиги эркак интилиши билан боғланиб кетади. Шоир кимда-ким бўлмасин, доно ва оқил одамлар билан бирга бўлишни истайдн:

Ул пари пайкар эмиш гуё Плотунг замон,
Ҳақ тараққийпарвару шарқий баланд парвозлар (67).

Демак, шоирга Европанинг тараққийпарварлари ва Шарқнинг баландпарвоз кишилари ёқадн. Шунинг учун турли миллатга мансуб бўлган фозил одамларнинг баъ- зидида ишлатилган чолгу асбоблари ва куйлар ҳам ин- тернационал бўлади:

Гижжагу, тапбуру, гармон, бирта чапгу созлар (67)

Кўриниб туриптики, шоир гижжак, тапбур, чапг қато- рига гармонни қўяди. У «тараққийпарвар» билан «шарқ баландпарвозлари» қанчалик ҳамжиҳат бўлса, гармон ҳам гижжак, тапбур, чапгги жўр овоз деб талқин қилади.

Унинг мана шу жўр овозни эшитиб, ором олгуси келади. Шоир бундай базмда чинакам дустликнинг қадрига егувчи, ўз миллий қобигида уралиб қолмаган «ошно» ларнинг келишини, чақимчи фитначи, «ағёр» ва «ғам- моз» ларнинг бўлмаслигини хўш кўради:

Ошнолар келса келсун, келмасун ағёрлар,
Лойиқ эрмас суҳбат ичра кирмасун ғаммозлар (68).

Шоядки:

Нозанинлар базмида Зокир таманно айласанг,
Йуқ ажабким, қиш кетиб, келса баҳору ёзлар (68).

Бизнинг фикримизча, шоир баҳору ёз келиши учун Европа ва Шарқ тараққийпарварларининг бирлашуви ва дустлиги кераклигига ишора қилади. Тўғрироғи, гап рус халқи билан дустлашиш зарурияти устида боради. Шоир ўз даврининг илғор кишиси сифатида ҳаётни урганиши ва дунё аҳволлари билан яқиндан ошно бўлиб бориши орқа- сида мана шундай хулосага келган бўлса ажаб эмас.

Шоир ғазалларида ошиқ ва маъшукани бир-бирига киёс этувчи, улар ўртасидаги фарқни «тасатуви ва бу контраст орқали ишқ муаммосини ҳал этиш йулларини чуқурлаштираувчи фикрларга дуч келасиз. Ҳазалларда бу образлардан ташқари, уларнинг муносабатлари билан боғлиқ бўлган бадий картиналар ҳам гуё кўз ўн- гингиздан кино лентасидай ўтади. Шоир «Қомат» ра- дифли ғазалида фақат маъшуканинг қоматини тасвир- лаш орқали унинг образини яратишга уринади.

Шоир асар тилининг халқчил бўлишида халқ оғзаки ижодидан самарали, айни вақтда урнали фойдаланиш лозимлигини жуда яхши тушунади. Шунинг учун у урни- ўрни билан тез-тез халқ ибораларига мурожаат қилади. Зокир халқ сўзларини кўр-кўрона шеър мисраларига ёпиштириб қўймади, балки уларнинг мазмунини сақла- ган ҳолда, формаларини мазмун тақозосига кўра шеър- рий техника талабларига бўйсундириб келтиради.

Масалан, шоир «Келмайдур» радифли ғазалида ёр- нинг бевафолиги ва ёлғончилигини очиш учун «Тўлиб қўйнимда хом ёнгоқлар бисёр келмайдур» дейди. Бу ерда халқ ибораси «қўйнинг хом ёнгоққа тулдирмоқ» урин- ли қўлланилган. Екин «Ороми жоним» ғазалида ошиқ ўзининг маъшук ҳажридаги интизорлигини «ерим қат- тиқ, йироқдир осмоним» сатрлари орқали берадики,

бу халқнинг «ер қаттиқ, осмон узоқ» ҳикмати билан
солаёт.

Шу сингари шоир «Бориб келадур» радифли газал
лини:

Борибда сочи сургурги кимки Зокирдур,
Келишда ёши билан йўлда сув уриб келадур (81).

сатрлари билан тамомлайди. Бу ўринда «куз ёши — сув,
сочи — сургурги» деган халқ ибораси ишлатилади.

Шоир Зокир ижодини пазил даҳриёна ижод деб
бўлмайди, албатта. У замона потекисликлари, воқеалар
диалектикаси сабабларини тубдан тушунмайди. Гоҳо
замона қарама-қаршиликлари ичида ўзини уралашиб
қолган ҳис этиб, тушунлик кайфиятларини изҳор қи-
лишга ўтади. Унинг назарида дунё «Қухна бузук хонага
ёки вайрона меҳмонхонага» ўхшаб кўринади. Бу билан
у мол-дунё орттирганлар, мол-дунёга ортиқча хире
қувчилар устидан қулмоқчи, уларни бу йўлдан кайтар-
моқчидай кўришади.

Қори Зокирнинг классик адибларга, жумладан Фу-
зулий газалларига қилган мухаммаслари мароқлидир.
Фузулийнинг «Сур», «Йўх», «Этмаз» газалларига боғ-
лаган мухаммаслари шоир маҳоратидан далолат бера-
ди. Модомки, шоир қардош адабиёт арбобларига, жум-
ладан Фузулийга мухаммас боғлашга интилган экан,
у озарбайжон тилини мукамал билган. Бугина эмас,
шоир соф озарбайжон тилида «Гургач», «Дунё надур»
сингари газаллар ёзди. Фузулийнинг инсоний муҳабба-
ти, шайхона, адолатни улуғлаш, таркидунёчиликни рад
этиш, юз диликни тан олмаслик гоилари Зокир мухам-
масларида ҳам содда, ширали, ўйноқи тил ва услубда да-
вом эттирилган.

Фузулийнинг «Ўр радифли газалга» Зокир боғла-
ган мухаммасининг учинчи банди:

Ҳало билам ҳисоқта қилди бир дилбарни оқил,
Гуҳар қадрига етмас эшитиб се раас киши жоҳил,
Гузи ешуларин ҳоли на илсуи мардуми гофил,
Кавокиб сайрини шаб то қадар сур ўландан сўр (128).

Кўриниб туриптики, бу ерда Фузулий нафрат тигини
қадаётган гофилни Зокир «Ҳало додин эшитишга қулоғи
кар» шоҳ ва «гуҳар қадрига етмайдиган жоҳил» билан
изоҳлайпти. Бинобарин меҳнат аҳлининг арзу додла-

рини шоҳнинг тинглаши ва жоҳилнинг гавҳар қадрига
етилиши шайхона ҳақиқатдан узоқ бўлса, гофилнинг ошиқ
ва ишқ маъносига тушуниши ҳам шу қадар маҳолдир.
Бу ерда Фузулийнинг ишқ мавзуидаги фикрлари Зо-
кир томонидан янада ривожлантирилган. Бу мухаммас-
нинг иккинчи бандига нигоҳ ташлайлик.

Даҳонига узингни ўхшатиб беҳуда лоф урма,
Хижолат шабнамни гул гулча барги узра ёғдирма,
Қулиб гул, юз очиб булбул фиғонни ҳаддин оширма,
Лабинг сиррин гелуб гуфтора бандин узгадин сурма,
Бу линҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр (128).

Бу ерда гап гузал оғзининг торлиги тўғрисида борапти.
Фузулий уни линҳон нуқтага муқояса қилади ва уни
муҳаббат билан ўртанган Фузулийгина билиши мумкин
демоқчи. Бу фикрни тулдирмоқчи бўлиб Зокир гулчага
хитоб қилиб, «Сен уз лабингни унинг оғзига ўхшатиб бе-
ҳуда лоф уриб эдинг, ана кўриб ҳижолатдан терлаб кет-
динг (ундаги шабнамга ишора қилиб) ва гул баргларини
хул қилиб юбординг», дейди. Гузалга қараб: «Қўй, қулиб
гулчи, юз очиб булбулни ишқ ўтига ёқма. Зероки, гул
жамоли сенинг юзингдай, булбул садоси сенинг овозинг-
дай сеҳргар эмас», дейди. Бу сузлар Фузулий фикрлари-
ни тулдиради.

Маэкур мухаммаснинг тўртинчи банди Зокирнинг
озар тилини пухта билганининг гувоҳидир:

Ванга кам дума май, чўх васл жоми нуш элаллардин,
Дариг этма қадаҳ май истаюб майдон гезаллардин,
Жафо чўх чекдугим сентақ нари симин баданлардин,
Хабарсиз улма фаттон гузаларинг жаврин чекканлардин,
Лабарсиз мастлар аҳволини дўшёр ўландин сўр (129)

Фузулий фаттон кўзлар жаврини чеккан деб ўзини кўр-
сатса, Зокир мана шу жабрдийдани сифаттаб, уни васл
жомининг шайдоси, дилдор истаган аворалардан экани-
ни изоҳлайди.

Қори Зокирнинг Фузулий газалларига боғлаган му-
хаммаслари бир-биридан қолтишмаслигини, юксак савия-
да эканини кўрсатиш учун унинг Фузулийнинг «Йўх» ра-
дифли газалига боғланган мухаммасдан бир бандини
келтирамыз:

Кургалим йўх, даҳр отлиг бу бузук вайронада,
Билмагоним йўх бу даврон аҳлини майхонада,
Кўрмадим ишқинг ўтидек ҳеч бир парвонада,
Сурати зебо санамлар йўқ деманг бутхонада,
Вор чўх, аммо сенга бингзар бир хунҳор йўқ (134).

Юқоридаги Зокир қаламига мансуб бўлган мисраларни Фузулий сатрларидаги мазмунни тулдириб, уларга пайванд келишдан ташқари, Зокирнинг сузларни тежаб-тергаб уз урнида ишлатиши, уринсиз суз қайтариқлари қилмасликка уриниши ҳам ибратлидир. Дастлабки уч сатрлар бошланишидаги: «Кўрганним йўх», «Билмагонним йўх», «Кўрмадим» каби бир маъно англатувчи сузларнинг хилма-хил формаларда келиши алоҳида диққатга сазовордир.

Ўзбек классик адабиёти тарихида Фузулий ғазалларига мухаммас боғлаш бир анъанага айланиб кетган бўлса-да, ўзбек шоирлари озарбайжон тилида ғазаллар ёзгани ва бунга мухаммаслар боғлагани ҳали учрамаган эди. Масалага, шу нуқтаи назардан қараганда, Қори Зокирнинг соф озарбайжон тилида ғазаллар ёзиши ва унга шогирдлари Маҳжурий ва Ҳабибийлар мухаммаслар боғлашлари эътиборга лойиқ.

Қори Зокир томонидан ёзилган бир ғазалга унинг шогирди Маҳжурий томонидан боғланган мухаммаснинг бир бандини келтирамиз:

Заҳмат чегарам ҳажрида чашмидин охуб су,
Раҳм айламиз ҳолима бебоку жафою,
Ваҳним йўх йўлингда бир зарра қурқу,
Фарёд эдарам кеча гузимдин учиб уйху,
Удлар ёналар нола-у оҳи саҳаримдин (151).

Шоир новатор ижодкор сифатида мувашшаҳ жанри имкониятларини кенгайтиришга, уни ривожлантиришга кўп ҳисса қўшди. Бу жиҳатдан унинг уз рафиқаси Қамбарнисога бағишлаб ёзган мувашшаҳи алоҳида уриқ тутади. Зокир Ўзган шаҳрига меҳмон бўлиб борганида у ерда Юсуфжон номли бир ўспирин «Иброҳим Адҳам» ҳикоятини ихчамлаштириб, халқчил мазмун билан бойитиб, қайта ишлагани ҳақидаги хабарни эшитгади. У йилдан топтириб, бу асарини ўқитиб қуради ва гоёт шодланиб, унга атаб «Ажаб» радифли мувашшаҳ ёзади.

Маъқур мувашшаҳ анъанавий мувашшаҳчилик традицияларини дадиллик ва новаторлик билан босиб ўтади, инсон гўзаллигини кўрувчи мадҳ этишдан четга чиқади, унинг ички оламини улғайтади. У ёшларни илмга қизиқтириш руҳида тарбиялашдаги ўрнига хос форма сифатида ҳам муҳим. Мувашшаҳда инсоннинг бурчи инсонларга хизмат қилиш эканлиги, шунинг билан инсон обрў ва эътибор топиши мумкинлигини:

Эй бугам, хизмат қилиб олгин улус алқишини,
Олса ҳар ким эл дуосини булгуси султон ажаб (104).

деб уқтиради.

Кўриниб туриптики, сарой адабиётида уйин-кулг формаси бўлган мувашшаҳ демократик адабиёт вакиллари қулида ижтимоий моҳият касб этган.

Шоир «Ўхшайдур» радифли мувашшаҳида рафиқас Қамбарнисонинг зебо портретини чизиб беришга ҳаракат қилади. Бу ижодий ниятда ҳам узига хос услубни ишга солиб, поэтик жиёслар қилади:

Ажабким кузларинг шаҳлосини наргисга ўхшатсам,
Чаман наргислари ҳам чашми мастонингга ўхшайдур (102).

Портрет яратишда шоир табиат образидан ҳам усталик билан фойдаланади:

Юзинг гулзорига ошиқларинг келгай тамошога,
Нечукким оразинг боғи гулстонларга ўхшайдур (102).

Шу тарзда боққа қарасангиз ёр, ёрга боқсангиз боғ жамоли куз унгингизда жилваланиб туради. Қори Зокирининг ўз турмуш уртоғига қилган бу мувашшаҳи аҳил оила тимсоли сифатида ижобий намунадир.

Шоирнинг феодал утмишдаги тенгсизлик ва адолатсизликни фош этишга астойдил интилиши ва унга бўлган нафратини изҳор этиши унинг соқийномаларида ҳам кўринади:

Рост десам барчага қаттиқ келиб,
Келди чучук ноҳақ, аччиқ келди ҳақ.
Даҳрда ким айшу фароғат учун,
Базмининг) асбобини айлаб насақ.
Баъзилари илқида синган сопол,
Баъзиларни(нг) хоняда олтин табақ (119).

Шоирнинг соқийномалари мантиқан бир-бирига боғланиб кетади, бири-бирининг фикрини тўлдириб, воқеа-ҳодисалар туғрисида яхлит тушуинча ҳосил қилишга хизмат этади. Соқийномалар умрни қадрлаш ҳақида баҳс юритувчи «Азиз» соқийномаси билан бошланади. Бу «Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз» мисралари билан бошланувчи рубойисини эслатади. Шоир умрни зое ўтказмаслик, ҳар дамини ғақимат билишни, бунинг учун инсонларнинг тенг, дўст, ҳимматли бўлиши лозимлигини уқтиради. Бироқ замонда тенгсизлик, иттифоксизлик, ҳимматсизлик ҳукмрон экан ҳеч қачон ҳаёт лаззатли бўлмайди.

Демак, соқийномалар магзига замонадан порозин эрк, адолат, орзу мотивлари сингдирилган.

Ёзувчининг темага бўлган муносабати ечимда у дунёқараши намоён бўлади. Агар шоир у ёки бу воқеага кенг халқ оммаси нуқтаи назаридан қараса, унинг на шу халқ вакили деб ҳис этса, унинг яратган ас мазмун ва шакл эътибори билан ҳам халқчилдир. Бунинг, гап ёзувчининг ниятида, шу ниятининг, халқ ираси билан айтганда, холислигида. Бунинг ёрқин мисолини чикакам халқ шоири Қори Зокир ижоди мисоли кўриш мумкин. Масалан, шоир оддий товоқ ҳақида «товоқ бақ» шеърини яратди. Муҳими шундаки, у мана шу товоқ орқали ўтмишдаги тенгсизлиكنи қоралайди, тенглик адолатни улуглайди:

Камбағалларга сопол — лойини табақ ҳам боқин йўқ,
Ағинёлардур ... келтирур жонон табақ (276).

Ёки шоирнинг Уш шаҳридаги «Султонобод» растасини кўзи тушади ва у ҳақда мана бу сатрларни ёзади:

Муборак жой, ҳай-ҳай олий санъатлик,
Улуғ Султон буйруғи бирла ижод.
Гумоини ер юзининг жаннатидур,
Создатмэнд барча аҳли афзод.
Муносиб ҳар бири бир-бирларига,
Бадан симоб ва лекин бағри пулод.
Эшитмас гарчи густохона йиглаб,
Гадо Зокир қилур султонига дод! (86)

Қори Зокир Тошкентда бир мушоира базмида бўлганда ундан Фузулийнинг:

Сазон тиг ўлур ҳаддин тажоввуз айлаган мўлар,
Шунинг-чун тигидан озод ўлур мужгону абрулар.

байтини мухаммаслаштиришни сўрашади. У ута хозирга жавоблик билан мана бу бандни яратади:

Муносиб нозанинлар базмига хушхону хушрўлар,
Нечун ҳар базмдин мардум эмас бадхоху бадхўлар?
Биз унга жой олибдур хублар бошида кесулар?
Сазон тиг ўлур ҳаддин тажоввуз айлаган мўлар,
Шунинг-чун тигдин озод улар мужгону абрулар (108).

Кўриниб турганидек, шоир яхшилар базмида яхшилар бошлики кераклиги ҳақиқат бўлгани ҳолда, нега улар «бадхох-у бадхўлар» мавжуд? Негиз «хублар»нинг хуб бошларида кесовлар ўйнайди? дея ўринли савол тайинлайди.

Қори Зокир ўтмиш замонга муносабат бобида ёзган «Кўринди» радифли шеърини:

Менга ушбу жаҳон зиндон кўринди.
Қачон зиндонийлар хандон кўринди?

деб бошлайди. Демак, замон-зиндону, шоир зиндоний. Бунинг бойси эса: «Жаҳон подонлари хандон эканлар», шу сабабди: «Магар оқиллари гирён кўринди», деб ёзди. Демак, замон тартибининг нотўғрилиги юқоридаги иллатга сабабчидир.

Хуш, подоннинг ўзи ким? деган сўроққа:

Жаҳон амлокига ким бўлса мағрур.
Ушал одам ажаб подон кўринди.

дейди. Аслида эса, жаҳон «амлок» — мулки осмондан тушмайди, у меҳнат билан, меҳнат аҳлининг пешона тери билан яратилади.

Жаҳон обод, аммо меҳнат обод.
Кимки роҳат дейди ёлғон кўринди.

Ҳа, меҳнатсиз роҳат ёлғонаки, қалбаки, ўғирлик роҳатдир. Шоир жаҳонни яйраб-яшнатган меҳнаткаш халқ ундан бебахраю, дунё лаззатини ҳукмронлар суришидан қаттиқ ажабланади.

Шоир шу мавзудаги «Экан» радифли шеърида оламдаги адолатсизликларни баён этиб:

Шунчалар билдимики, жону дилга қасд қилган биров
Нодиру даврон эканлар, яъни даврон хон экан.

деган хулосага келади. Демак, шоир замонда юз бераётган барча ярамасликларнинг туб сабаби даврнинг асли нобоблигида эканини тушуниб етади.

Қори Зокирнинг бой ва сермазмун ижод арсеналида ҳажвий шеърлар ҳам мавжуд. Шоир ўз ҳажвиётида адолатсизлик, юлғичлик, фирибгарлик каби иллатлар устидан кулади. Бу жиҳатдан унинг «Пашшалардин», «Сўфи бой кал», «Қаҳҳор кал», «Из бошқа кал» каби шеърлари характерлидир.

Шоир «Пашшалардин» сатирасида Муқимий ибораси билан «Моховдан ҳам тагжой оладиган» бозор оқсоқоллари ва уларнинг югурдакларини бир чўқишда қочирадиган кишилар устидан кулади. Бунинг шеър сарлавҳаси остидаги «Ҳажв баноми Абдуқодир саркори Уш» изоҳидан ҳам сезиш мумкин. Улар бозорда қимирлаган одам-

лардангина эмас, «чорполардан» (турт оёқлилардан) — итлардан ҳам тагжой олишни мўлжаллайдиган пасткашлардандир. Бу ерда пашша тамагир тагжой олувчиларнинг мажозий образидир. Улар суллоҳ пашша каби ҳар кимга қўниб, унинг ширасини сўрмагунча тинчмайди. Шоир бу пашшаларнинг суллоҳлиги ва ёлишиб қон соришга ўрганганини баён этиб:

Бечора чорполар безор пашшалардин,
Ҳаргиз қочиб қутилмас беор пашшалардин.
Итлар узин қуриқлаб бир дам тиниб ётолмас,
Якбор сувга ташлар ночор пашшалардин (99),

дейди. Шоир ит сувга ташланишини ёқтирмаса ҳам пашшанинг азоб бериб қон суриши олдида узини сувга ташлаб ҳимоя қилишни афзал куради. Бу мисрага халқнинг «Ит сувдан қурққандай» ибораси сингдирилган.

Мумкин эмас қутилмоқ хошоқларга қочиб,
Ҳар ерга борса қувлаб тайёр пашшалардин (99).

Шоир бева-бечораларга раҳми келади ва уларнинг ёнини олиб, пашшаларга:

Эй, пашша, жабр қилма, махлуқларга раҳм эт
Мажруҳдир яроси эбгор пашшалардин (99).

дея хитоб қилади.

Бу билан меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволига ишора қилиб, унинг ҳар томондан таланишига уз норозилигини билдиради.

Шу ниятда яна пашшага мурожаат қилиб, модомики, сен бировга қўнмай, қон ичмай туролмайдиган булсанг, «Эй пашша, илтимосим итдан булакка қўнма», «Қўнсанг кишига етгай озор пашшалардин», дейди. Шоир ортиқча тоқат қилиб туролмайди. Шу ерга келганда, пашша либосидаги юлғучнинг номи-насабини айтиб тамагирликда айблайди: «Минг баъд Абдуқодир, ҳар кимга ширин шаъманг», уни жиддий огоҳлантириб, халқ нафратига учраётганини таъкидлаб: «Нафрат қилур халойиқ ағер пашшалардин», дейди.

Шоирнинг «Кал» циклидаги шеърларида бир вақтлар табиий нуқсон булган кал устидан қўлнмайди, бу уринда кал текинхур, муттаҳамларнинг салбий образидир. Буни шоирнинг «Каллигинг-ку худодни, харомхўрликка узинг сабабкор, кал» мисраларидан ҳам пайкаб олса бўлади. Еки калга таъна қилиб;

Бир азиз бирлаи кирувдик хонасига хайфким,
Булмайини нимхез ақалла беадаб, бадкор кал

сатрларида ҳажв тиги қаерга қаратилганини сезса бўлади.

«Ўзбек адабиёти тарихидан материаллар» китобида ёзилганидек, «Ўзбек фольклорида «ҳажв» халқ ижодий бойлигининг катта қисмини ташкил этади. «Ҳажв» фольклорнинг кўп турларига: эртақларга, латифаларга, лапарларга, мақолларга сингиб кетган. Халқ бошдан-оёқ сатирик характерга эга булган қатор асарларда: «Алдар кўса», «Кал» каби образларни яратган ва улар орқали уз душманларини фош қилиб келган»³. Шоир Зокирнинг сатирик асарлари йўналиши тугрисида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Халқнинг айрим кишиларни «Алдаркўсага ухшайди-я» деб ундан нафратланиши ёки «қўлидан ҳеч иш келмаган кал кўприкнинг тагига кириб от ҳуркитади» дейиши ушандай анъанавий салбий образларга ишорадир. Зокирнинг «Ғазали кал» сатираси сердаромад жой (бозор)-га урнашиб олган текинхурларни фош этишга бағишланган.

Асар «Бор экан қишлоқда Суфибой деган саркор кал» мисралари билан бошланади. Ундан кейин Суфибойга қарашли хизматкорларни «Ҳар бирин номини айтмай қолмасунлар ўпкалаб» деб кинояомуз тарзда «Қаюм тарозидоркал, Отахон калжомадор, Сатти калдир қол очар» деб уларнинг номини лақаби билан қўшиб санаб ўтади:

Тўқмачи Ҳайдар кал отлиғ бир ҳаромизодаляр,
Лекин ул каллар орасида эрур саттор кал (34).

Бу ерда «саттор» — ёпувчи сузи орқали Ҳайдарнинг айбини беркитувчи қув эканлиги очилади.

Майдалаб тоқжой олувчи Умар саркор эмиш,
Пухта, пишиқ, ҳар ҳунар бобида ул тайёр кал.
Пул тусар Шокир кал, сузга кунмас, тунгбуйини,
Бу сабаб бозор келганлар эрур безор кал (34).
Тақяда турган самоварчи Алиқулдин келинг,
Тўппи доим чамбарак, номуси йўқ беор кал (34).

Одатда кал кишилар сочи йўқлигидан ор қилиб, доммо бошини беркитиб дупли устидан пешонасига белбоғини чамбарак қилиб юришган. Алиқулнинг эса аксинча, бо-

— ³ *Ўзбек адабиёти тарихидан материаллар*, Тошкент, «Урта ва олий мактаб» нашриёти, 1961, 24-бет.

шини очиб юрши унинг беорлиги, иккинчи томондан, савоварга тушган даромаддан угирлаб қолаётгани билан хурсандлигини — пулпарастлигини кўрсатади. Шу сингари шоир мисрама-мисра Турғун, Сотибодди, Йулдош, Шукур, Мансур, Ниёз кал каби образлар яратиб, улар ҳар бирининг ўзига хос характерли хусусиятини кулгули равишда фох этади.

Шоир юлғичлар фақат шуларгина эмас, ўша замонда улар тўлиб-тошиб ётганлигига ишора қилади:

«Малай жуда ҳалол одам, уз оиласининг намуналди аъзоси, жуда яхши гражданин бўлиши мумкин, лекин унинг мунофиқлик қилиши муқаррардир, чунки малайлик касбининг асосий хислати хужайин манфаатлари билан (чунки малай хўжайинга «тўғри ва ҳалол хизмат қилиш ҳақида «сўз» берган) хизматкорлар етказиб турадиган муҳитнинг манфаатларини бирга қўшишдан иборат. Шунинг учун... социал тип бўлган малайнинг асосий хусусиятлари мунофиқлик ва кўрқоқликдан иборат деган хулосага келмасдан иложимиз йўқ».

Растада бир чойфуруш бор эди номин айтмадим,
Ким яқин келганда бадбўйликда ул аттор кал (35).

Сатира:

Зокир айтдим байт ун беш банд машқи бемалол,
Дустлар шод улса деб ширин-шакар гуфтор кал (35).

мисралари билан тугайди.

Шоир сатирик тиғни, энг аввало, бош образ Суфибойга қадайдди. Шунинг билан бирга, бошқа ёндош образларни ҳам, эҳтимол улар асли камбағалларга мансубдир, қаттиқ савалайдди. Бунга уларнинг элу юртга нисбатан тутган нотўғри позициясини далил қилиб келтиради. Бу ўринда улуг доҳий В. И. Лениннинг сузлари муҳимдир.

«... Ленин 1919 йили ёзган «Лакейхонада» сарлавлари мақоласида меньшевиклар ва эсэрларини буржуазияга ушомадгүй лакейлари (малайлари) деб атаган».

Шоир тили билан дили бошқа, тамагир, мансабпараст, маккор ама до... бр эини эллиқбоши Қаҳҳор ми-солида «Қаҳҳор кал» номи... ирасида яратади.

Қори Зокир ҳаёт тажрибярлар асосида ўз фалсафий қарашлари руҳи билан сугорилган бир неча дидактик

характердаги шеърлар ҳам ижод қилган. Бу шеърлар, айниқса, ёшларнинг тарбиясига оид энг муҳим масалаларга бағишлангани ва улар санъаткорларга хос маҳорат билан ёритилгани катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Шоирнинг барча шеърлари ҳаётдан таъбирираниш, ҳаёт ҳақиқатларини ўз руҳий олами призмасидан олиб ўтиш жараёнида пайдо бўлган. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, шоир бир неча шеърларнинг сарлавҳаси остига яратилиши сабабларини ёзиб қўйган. Ёки шоирни яқиндан билган қариялар айтишларича, «Уйнаймиз» шеъри Андижон шаҳар боғига колхоз қариялари коллектив бўлиб борганида ёзилган, «Суратинг» шеъри эса ўз рафиқаси биринчи паспорт учун суратга тушганда яратилган ва бошқалар.

Қори Зокирнинг дидактик характердаги шеърлари бир қарашда насихатомуз сузлар йиғиндисида ўхшаб кетади. Аммо, уларни синчиклаб қаралса, шоирнинг ҳаёт тўғрисидаги фалсафий қарашлари ялтиллаб кўзга ташланади. Бу шеърий асарлар мағзида олам-олам мазмунга эга бўлган ҳаёт ҳақиқати ётади. Мана шоир «Сирпошни» деб аталадиган шеърида «Аввал ошни истеъмол қилиб, сўнгра хониш қилиш керакми ёки аксинчасигами?» деб савол берган ёшларга шоир «Аввал овқатни ейиш керак» деган жавоб гапни айтаётганга ўхшайди. Аслида эса гап бошқа гапларни айтишга кичик баҳона холос.

Шоир ошни ейишда шоямасликни айтиб туриб:

Урмагин гавҳар тишинга тошми,
Кулмасин кўрган юзинида ёшми.

дейди. Демак шоир бамаслаҳат иш қилишга чақиради:

Маслаҳат оқил кишиларга қилки,
Қилмангиз нодон билан кенгошни,
Офтоб аквардин бебахрэдор,
Шаб қоранеуда учун холпошни,
Жой олибдур, баланд куз устида,
Чунки хуш таъзинм эгилган қошни.

(Бу ерда холпош — кўршапалак қоронғуликни севучи зоҳидга ўхшатма, ҳам қошнинг куз устида жойлашганига сабаб унинг таъзимкор туришига ишора). Аниқки, бу ерда гап ҳар ишни ўйлаб, донолар билан бамаслаҳат қилиш лозимлиги, оқил билан нодонни ажрата билиш, хушмуомала, одобли бўлиш тўғрисида, яхши одамларга яқинлашиш борасида кетяпти.

* В. И. Ленин. Асарлар. 29-том, 569-бет

Шоир уз углига атаб ёзган «Уғлим» шеъри орқин ўзининг одамийлик тўғрисидаги қарашларини изҳор этади. У, дастлаб, уғлини афсонавий шайтоннинг макридан эҳтиёт булишга ундар экан, шайтонга реал мазмун бериб, у билан таништиради:

Ёмон душман экан одамга шайтон,
Ушал шайтон ёмон одамча билгил.

Сунгра мака шу «шайтон»нинг домига тушган ва унинг билан ҳамтовоқ бўлган худбин, нодон одамларга яқинлашмасликка ундайди.

Шоир ҳамма нарсадан, шу жумладан инсондан ҳам молу-дунёни ортиқ санайдиган кишиларни:

Ўзин пул жамига дово бўлур ким,
Агар оқил эсанг нодонча билгил

дейди. Демак, шоирнинг назарида, нодон кишилар шулар. Шоир бундай нодонларнинг жасорати, каромати оқибат натижада фожиали эканини таъкидлайди:

Чивин учмоқ билан қилса чечанлик,
Нажосатга бориб қунгинча билгил (76).

Демак, молу дунёга ҳирс қуювчиларнинг энг оғир қисмати эл-юрт назаридан қолишдир. Юқоридаги иллат ҳам, пировард натижада кишини халқ назаридан қолишга олиб келмай иложи йўқ. Модомики, киши халқ назарида айбли, шубҳали бўлиб куринса, ундан ёмон нарса йўқ.

Қишига нуқс экан халқ иттеҳами,
Ерилган қузави сингунча билгил (201).

Шоир талқинича, омма эътиборидан қолган киши бамисоли ёрилган куза. Ерилган куза бўлса, синган яроқсиз деган гап.

Зокирнинг шайтон, нодон ҳақидаги фикри ва синиқ куза детали шеъри уқиган кишида катта таассурот қолдиради. Улуғ драматург Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясидаги гурковнинг гапларини эшитган киши бутун ёки чириклигини уйлаб куришга мажбур бўлгандай, бу ерда бутун ёки синиқликни уйлаб кўришга ҳам тўғри келади.

Зокир ўзининг одамийлик бобидаги фалсафий қарашларини «Мардоналар яхши» шеърида давом эттиради. Бемехр ва муҳаббатсиз кишилар деворга қиёс қили-

нади. Ундай одамлардан «ўзини ишқ ўтига ўртаган парвоналар» афзаллиги таъкидланади.

Зокир фикрича, гап формада эмас, мазмунда. Бинобарин, «Узун тун, қўлда тасбеҳ беамал дасторликлардан» маълум инсонийликка амал қилувчи «калта тун, бесалла бошяланглар» яхши. Чунки хоноқоҳда одамлар ўртасига нифоқ солувчи фисқу фужур ҳукмрон, майхонада эса одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи улфатчилик барқарор. Шоир таълимий мавзуда ёзган «Яхши» сарлавҳали шеърида ҳам худди юқоридаги фикрларини янги-янги мисраларда яна бир бор баён этади.

Ямона яхшидурсиз, яхшиликлар айтаган яхши,

Ажаб йўқ яхшидин урناق олиб булган ёмон яхши (163).

Шоир Қори Зокир Октябрь инқилобинини шодлик билан кутиб олди ва уни қўтлаб дил истакларини ўз лирикасида акс эттирди. Мазкур шеърлар алоҳида бир девонга жам қилинган. Афсуски, биз илгари қайд этганимиздек, бу девон турли сабабларга кўра йўқолган. Аммо мазкур тўпلامга кирган шеърларнинг бир нечаси пароканда ҳолда бўлса-да сақланиб қолган. Шулар юзасидан ҳам шоирнинг совет темасини нақадар ихлос ва жўшқинлик билан куйлаганини сезса бўлади.

Зокир совет воқелигини шунчаки таъриф ва тавсиф этмайди, балки уни қалбан, эҳтирос билан куйлайди. Унинг «Партия», «Зўрнинг зўри», «Марсия Йўлдош бой Охун бобо ўғли», «Марсия Йўлдош бой Бўри бой ўғли», «Баҳор айёми» қабилар бадий жиҳатдан пухта ишланган асарлар қаторига киради.

Шоир Совет ҳокимияти даврида амалга оширилаётган барча эзгуликларни ўз кузи билан кўриб уларни мадҳ этиш илҳоми билан тўлиб толиди. Муҳими шундаки, у бундай ҳаётбахш воқеаларнинг ижодкори, энг аввало, Коммунистик партия эканини тушунади.

Мана шу бондан у «Партия» шеърида партиянинг улуғворлигини, у туфайли бунёдга келган ва келаётган қувончли янгилликларни ифодалаб беришга бел боғлайди. У партиянинг улуғ бунёдкорлигини шаҳар, қишлоқларнигина эмас, балки утмишда қақраб ётган ерларни ҳам обод, бу хайрли иш билан «камбағал бечораларни шод» этаётганида куради. Шоир партиянинг колхозлаштириш ва совхозлар барпо этиш ҳақидаги сиёсатини чин дилдан табриклайди. Чунки шоир бу сиёсат туфайли

мамлакат янада обод бўлиши, халқ туқ ва маданий
ётга эришишини чуқур идрок этди;

Колхозу совхоз дур, деб юртни обод этгали,
Катта дарёларни ҳукминг бирла ижод Партия (163).

Бу уринда шоир колхоз ва совхозни халқ фаровонли
ги йўлидаги «дур» деб талқин этади. У партиянинг ин
сонпарварлик фазилатларини далил келтириш орқали
улуғлаб, утмишда хор-зор бўлган, меҳнат ва зулм ости
да эзилиб «кўр» ва «шол»га айланган ёки «тул ва етим»
қолган кишиларга бўлган оталарча илиқ меҳрини кўр
сатади:

Кўру шол ва тул хотин, бечоралар ҳолин сураб,
Айладинг ер бирла тенг золимни барбод Партия.
Айтаман доим: етимпарварлигингга офарин,
Йуқ, сенингдек бу замонда одил устод Партия! (163)

Партия бева-бечораларга шафқат қилиш билан бирга,
уларни мана шундай аянч аҳволга солган золимларни
«ер билан яксон қилиб», зулмга абадий чек қуйди. Шоир
партиянинг «Ожизу афтодаларга меҳру шафқатлар»
қилаётганини куриб мана шундай доно, одил ва меҳри
фон партиянинг ижодкори ва мураббийси улуғ В. И. Ле
нин экани ёдига тушади. У партия, улуғ Ленин васият
ларини қатъият ва матонат билан амалга ошираётгани
учун: «Ҳарна қилдинг Ленин ўртоқ руҳини шод Партия»
дейди ва унга чуқур таъзим қилади.

Ҳар васият қилса ёдиндан фаромуш этмадинг,
Балки Ленин сўзларини айладинг ёд Партия (163).

Утмишдаги адолатсизликларга барҳам бериб, ҳаётнинг
барча соҳаларида тенглик ўрнатилгани, бош-бошдоқ
лик, амалпарастлик, миллатчилик, аёлларни камси
тиш, ирқий чеклашлар ҳаммаси барҳам толгани учун
совет замонасини мақташ заминда партияни улуғ
лайди:

Шухратинг бундан баланд бўлсин, яна номинг улуғ,
Қилмади ҳеч кимсадин ҳеч кимсалар дод Партия (163).

Шоир бутун халқнинг партия сиёсатидан миннатдор ва
шод бўлиб, уни жону дили билан ёқлаётганини, унга
чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан қараётганини:

Бу замона аҳли сендин барча миннатдор учун,
Ким сенинг асрингда қилди доду фарёд Партия (163).

сатрларда ифодалайди. Гарчанд шоир шеърда утми
хакида гапирмаса ҳам, фикран уни ҳозир билан муқояс
қилади. Партиянинг бутун фаолияти халқ манфаатига
қаратилганини кўрсатиш орқали кишида унга нисбатан
чексиз меҳр уйғотишга интилади:

Очлар туйди, яланғочларга кийинтирдинг либос
Меҳри шафқат ҳам мурувватларга иршод Партия (163).

Шоир халқ маданиятини ошириш соҳасида партия олиб
бораётган маърифатпарварлик ҳаракатларини ҳам
тасвирлайди.

Ёшлар, хотини қизлар эрдилар ҳайвон сифат,
Бўдилар илму ҳунардин одам авлод Партия.
Ҳаробадек беҳунар, беилм утган умримиз,
Бир шаҳарда неча мактабхона бунёд Партия.
Езувчи Зокир эрурман, Андижон жойим меннинг,
Дўстларидир сидқидил, душмани ношод Партия (163).

Бинобарин, бу шеърӣ мисралар фақат шоир Зокир-
ниқигина эмас, Коммунистик партияга миллион-милли-
он халқ номидан ҳам уз дусту ва устозига билдирилган
миннатдорлик, самимият ифодасидир.

Зокир яна «Ҳукумат» ва «Зўрнинг зўри» деб номла-
нувчи шеърлар ҳам ёзган. У «Ҳукумат» шеърда Совет
ҳукуматиининг инсоният тарихида биринчи чинакам халқ
ҳукумати эканлигини куйлаб, унинг бу юксак фазилати-
ни «камбағал, бечораларварликда» билади.

Бу ҳукуматнинг халқпарварлиги, «эътиборлик» эка-
нини, халқаро миқёсдаги обрўини кўрсатса, унинг «жа-
соратлик»лиги, кучлилиги ва барқарорлигини, унинг
«жамоатлик» эканлиги орқали эса демократик характе-
рини очади.

Ҳама васфига ожиз келди Зокир,
Не дер менким: ҳукуматлик ҳукумат (287).

Шоир мана шу «ҳукуматлик ҳукумат» сузларига оламча
маънони сингдиради. Ундан Совет давлатининг чинакам
ҳукумат эканлигини, унинг қудратли, одил, халқчил ва
доно табиатини ҳис этиш мумкин. Шу икки оғиз суз ор-
қали шоир ҳам, асрлар орзиқиб кутган асл халқ ҳуку-
мати Совет давлати эканлигини яна бир бор таъкид-
лайди.

Агар шоир «Ҳукумат» шеърда Совет ҳукумати-
нинг халқпарварлик сифатларини очиш орқали уни улур-
ласа, «Зўрнинг зўри» шеърда бу фазилатлар ҳақида

гап юритмайди, бунинг ўрнига асрлар бўйи ҳокимият и
ўз қўлида тутиб, ундан халқни эзиш, уни талаш кураш
сифатида фойдаланган зolim бойларнинг юлғичлиги,
зулми, хасислиги, мағрурлигини фош этади. Ниҳоят, С
вет ҳукумати мана шу зуравонликларга чек қўйди:

Кўзин уйди, қулоқ, бурни кесилди,
Тирикликдан охи хун булди гури (288).

Шоир меҳнаткаш халқнинг эксплуатацияга ҳар томон-
лама дучор бўлганини:

Утил қуд ўглига, эри — эрига,
Қизига қиз, хотин — хотинга чурри (288).

каби сиқик мисраларда моҳирлик билан ифодалайди.
Шоир бойларни оч бўри, камбағалларни қуй мисол-
да келтиради.

Қутилди камбағал оч бўрилардан,
Қуй эрди камбағал, бой — зур бўри (288).

Шу мисрави ўқиганда беихтиёр улуг рус масалчиси
И. А. Крыловнинг «Бўри билан қўзичоқ» масали ёдин-
гизга тушади. Бойларнинг меҳнат аҳли билан қилган нар-
саларни тортиб олиб, бирозга бермай очкузлик ва ха-
сислик билан тугатганини нафрат билан фош қилади:

Чириб томларда ўн билги ўтинлар,
Қорабган уй, тезак дудядин мўри,
Кепик ион қўшчига ёвгон суюқ ош,
Ўзи ёглик палое хилватда сўри.

Юқоридаги салбий сифатлар бой образига усталлик
билан сингдирилган.

Бойларнинг мағрурлиги, манманлиги, ўзгаларни на-
зар-писанд қилмаслиги, «Давлатим бор лима ғамим бор»
деб осмонга боқиб юришларини тасвирлаш билан бирга
меҳнаткаш халқнинг тобора кучайиб бораётган норози-
лик ҳаракати ҳам шоир назаридан четда қолмайди.
«Печун ҳам куймасин судхўрининг қўли» мисраси ор-
қали инсофсизлигининг ҳалокати муқаррар экани
очилади.

Ўзбек халқининг асл фарзанди, республикамизнинг
биричи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг вафоти
муносабати билан шоирнинг унга бағишлаб ёзган «Мар-
сия марҳум Йўлдош Охунбобо ўгли» замирида ҳам
вет давлатини улуглаш гоёси ҳукмрондир. Бу гоё халқ

ичидан чиққан, шу ҳукумат тарбиялаб вояга етказган, чинакам Совет давлати арбоби образини тасвирлаш, унга бўлган халқ эҳтиромини кўрсатиш орқали очилади. Марсия: «Ажабким, бу жаҳондин етук одамбошимиз кетди» сатри билан бошланади. Унинг мана шу етуклиги «фикрликлиги, андишалилиги ва маслаҳат кўрсатиш» қобилиятига эга бўлган тажрибали ва доволиги орқалидир. Шоир унинг нафотидан, бевақт ўлимидан қаттиқ қайғуга тушади:

Жаҳонга келди ҳар ким оре ҳаргиз кетмайин қолмас
Ва лекин биз улур, биздан кичик ўн ёшимиз кетди.

Сўнгра у ўзининг бу аламли қалб тўлқинлари сабабларини тўкиб солади:

Қадрдон ошди, жонжон меҳру муҳаббатлик,
Қариндошдин меҳри ортиқ ушал қардошимиз кетди.

Бу билан у совет раҳбарига хос бўлган халққа яқинлик, меҳрибонлик, камтарлик каби олижаноб фазилатларни ўртага ташлайди. Марсиянинг якунидаги:

Бирор мингбоши ё ҳоким вафотида йиғлаган борми?
Тутолмай ўзини Зокир юрак бардошимиз кетди

мисралари орқали совет даврининг утмишдан туб фарқи моҳирона ифодаланган.

Қори Зокирнинг совет даврида ёзилган «Хизматкорсиз» сарлавҳали имористик шеърин совет идораларида баъзан учраб турадиган бюрократизмин фош этади. Шоир бунда савдо системасида ишловчи Камолиддиннинг тапиш-биллиш, қавм-қариндошларига ёл босиб, бошқаларни менсимавганини таъқид остига олади. Бу ерда шоир мансабни суниетемол қилган шахсга «Камбагал, бечоранарварлик ҳукумат расмидир» деб уқтиради ва «Нега мен бечорани қайтардингиз газворсиз?» деб узиб олувчи савол ташлайди. Зокир савдо ишлари соҳасидаги бундай нуқсонларни таъқид қилар экан, умидсизланмайди, бундай тартибсизликларнинг бартараф бўлишига ишонади ва «Шафқат айларди ҳукумат билса Зокир ҳолини» дея таъқидлайди. Шу сабабли шоир шунчаки Камолиддинни бир эслатиб: «Бу эрур арзим печукким толиби ашъорсиз», — дейди.

Шоир айтгандай, бундай камчиликларга район раҳбарларининг аралашуви билан барҳам берилди. Камо-

лиддин шоир олдига узр билан келади. Шоир очик кун-
гил ва олижаноблик билан унинг узрини қабул этади ва
«Муборак» деган иккинчи бир шеър есади. Бу шеърда
шоир Қамолиддиннинг уз хатоларини тушуниб олгани
учун ундан миннатдор эканини айтиб, сунгра унга наси-
ҳат нули билан совет давлати тартибининг адолати ва
халқчил табиатини очиб беради. Бинобарин, раҳбар
халқ вакили, шунинг учун халқ манфаатлари юзасидан,
унинг манфаатини кузлаб хизмат қилади. Агар, давлат
ва халқ хизматиға тухмат қилса, у уз қилмиши учун
халқ суди олдида жавоб бериши лозим.

Адолат маснадида суд бир саррофи олийдир,
Билар тажисс ила ким сангдур, ким пурбаҳо гавҳар (293).

Бинобарин, совет суди бир олий заршунос. У заршунос
олтин билан мисни моҳирлик билан ажратгани каби,
тош билан гавҳарининг ҳеч хатосиз фарқига боради.
Чунки:

Ҳақиқат бутасига, солсалар мис-мисга ажрайди,
Эриб тилло булур олтин, куйиб мислар булур ахкар (293).

Суд бемеҳр, бешафқат сарроф эмас, балки меҳрибон
тарбиячидир, агар шарманда булган киши билиб-бил-
май хатога йўл қўйган булса, фикр ва мушоҳада билан
уни «беғубор» қилади, бордию «Агар олтинда ғаш булса,
куяр саррофу, ҳам заргар».

Демак, бу ҳолатда заршунос — судья ҳам, бу олтин-
ни яратган заргар халқ ҳам ачинади. Ёки, бошқача айт-
ганда:

Фаросатда суд уртоқ бир табиия аур ҳозиқдур,
Тутиб бир илкида мэлҳам, яна бир илкида нащтар (293).
Ичирса талх дору зулм эмас, айни муруватдир,
Ҳазокат духтири беҳбуд беморларга эрур беҳтар.

Судья «бемор»нинг чинакам нажоткори, у гарчанд ач-
чиғ дори ичирса ҳам, шифокордир.

Шеърда судья гуноҳкорға маълум жазо берса, бу,
унинг ахлоқини тузатиш борасида аччиқ, аммо шифо-
бахш дорилик вазифасини ўтайди мазмуни олға сур-
лапти. Лекин шоир, халққа хиёнат қилишни асло кечи-
рилмас гуноҳ санайди:

Ҳақбатли иши ёлми гунгдур ҳаргиз қутилмайдир,
ГПУ ҳаққокининг қўлидадир жилвир била ханжар (293)

дейди. Совет давлат тартиби:

Жаҳонгир улса тоғ йўқ камбағал бечорапарвардир,
Мурувватлик ҳукумат, меҳру шафқатлик ҳукуматдир.

Бинобарин, бу ҳукумат чинакам халқ ҳукуматидир.
Сунгра шоир шу ҳукумат даврида уз оиласига бош бў-
либ бахтли ва фаровон ҳаёт кечираётганини тасвирлаш
билан замонамизни улуғлайди:

Ёшим етмишга етмиш, мен узим хизматга ожизман,
Ҳукумат хизматида икки ўғлим бирла бир духтар.
Улар қушдек учар икки қанотим — икки ўғлондур,
Учов хизмат қилур Зокир учун бир болу якки пар (293).

Курниб туриптики, шоир уз оиласини совет даврининг
соф ва мусаффо осмонида эркин ва хушчақчақ парвоз
қилиб юрган бир қушга муқояса қилади. Бу қушнинг бо-
ши — ўзи, қуйруғи — қизи, икки қаноти — икки ўғлидир.
Бунда совет кишисининг бахтиёрлиги ёрқин ҳаётний де-
талларда санъаткорона ифодаланган.

Шоир «Марсия Йўлдош Бури бобо ўғли»да совет за-
монасида ўсиб, улғайиб келаётган ҳамқишлоғи Йўлдош-
бойнинг бевақт вафотига таъзия изҳор этади.

Уи икки ёшда Шоҳрух иков биздан олиб таълим,
Юрарди кетимиздан ҳар замон эргашимиз эрди,

мисраларида шоирнинг мазкур иш бошида эслатгани-
миз мураббийлик фазилати ҳам кўрниб турипти.

Марсия хотимасидаги:

Просен, чўт, бирдан рус тилини ўрганиб Зокир,
Неча тасвиру санъатлар билур наққошимиз эрди (185).

сатрларида марҳумнинг анча яхши ва кўп қиррали ис-
теъдоди билан, чўт уриш, процент чиқариш, айниқса, рус
тилини билган шоирнинг савияси ҳам сезиляпти. Бунда
рус сўзининг оғзаки халқ талаффузича ўрус тарзида эмас,
рус деб ёзилиши Зокирнинг билимдонлигидан далолат
беради.

Бинобарин, шоирнинг ҳампорти — Қўқонқишлоқлик
қарияларнинг: «Қори Зокир рус тилини яхши билар, рус
тилидаги газета-журнал ва китобларни доим мутолаа
қиларди, ёшларга русча билимдан дарс берарди», — де-
ган гапларида жон бор.

Шоир «Одоби хизмат» шеърини Совет Армияси са-
фидида хизмат қилаётган ўғлига ёзди, Шеър сўнгида
«Хар ёш хизматчига зарур учун таҳрир қилдим», деб эс-
латиб ўтади. Бинобарин, бу шеър қандайдир бир хусу-
сий хат эмас, барчага баробардир. Хат аввалида ўғлига

салом йўллагандан сўнг, «улуғлар хизматига лойиқ бўлиш» зарурияти, унинг ишсеварлиги ва «ижрочилигига» халойиқ таҳсин қилиши лозимлиги, хушёр, бемиллат па фидокор жангчи бўлиб етишуви ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги уқтирилади.

Муҳими, шоир «Назардан қолмасликка», «Соҳиб назар» бўлишга ундайди. Шоир Совет давлатини ота, ота бўлганида ҳам валлолат ота деб тушунади. Демак, маишу валлолат отанинг хизматларини «Не чоғлик бўлса қилма миннат» деб таъкидлайди. Шеър остига «Мактубимга андак насиҳат ёздим» дейди. Яъни «Авалло ёшликда умрни зое ўтказманг; иккинчи, улуғлар ҳукмидан чиқманг; учинчи, ҳар ишда бемаслаҳат қадам босманг; туртинчи, улуғлар дўст тутмаган одамларга алоқа қилманг; бешинчи, хизмат вақтида бепарво бўлманг; йўқлаган чоғда йўқ бўлиб, топилмай қолманг; олтинчи, хизматга борсангиз тезликда жавобини айтинг; ҳеч ҳолда интизор қилманг; еттинчи, борган ерингизни билдирмай борманг; саккизинчи, улуғлар юзига куп тикилиб қараманг; туққизинчи, сиздан гап сўраса юзига қараб туриб жавоб берманг; унинчи, ҳар одамни билмай улфат бўлманг». Бу насиҳатлар ҳар қандай киши учун ҳам зарур. Фикримизча, шоир юқоридаги шеърини мактубни етарли деб ҳисобламайди, уни яна чузиб ўтиришни истамайди ва қолган гапларни наср тартибида шеърга илова қилишни лозим топади.

Юқоридаги насиҳат сўзлари муҳим ҳаётини аҳамиятга эга эканлига шак ва шубҳа йўқ, албатта. Бу хатдаги:

Рус тилини ва ҳарбий русумни
Андоғ биллигини, билгандай исмин (201)

деб ҳарбий техника, рус тилини аниқ ва пухта билишга даъват этишида ҳам бир олам гап бор.

Шоир кейинги вақтларда, тўғрироғи, совет даврида яратган ишқий мавзулардаги ғазаллари руҳига бу даврининг оптимистик табиатини сингдиришга ҳаракат қилади. Унинг бу даврда ёзган ғазалларида ҳам кўтаринкилик, завқ ва шавқ кўзга ташланади. Уларда ўтмиш ғазалларидаги каби алам, доду фарёд, изтироб кайфиятлари сезилмайди. Бунга шоирнинг «Келтурмишам» радиодифли ғазалини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Ғазалнинг баланд руҳи унинг радиодифлидан ҳам кўриниб туради. Бу

газалда қалби алам билан тўлган шайдон ў
нда шодлик мавж урган ошиқ, бевафо ёр ўр
дор зебо, кажрафтор замона ўрнига порлоқ д
бади. Унда ошиқ ва маъшуқ ўртасига нифоқ
ағёр ҳам йўқ. Шунинг учун унда кулги, роҳат та
Мана:

Ошиқо, жабру аламга сабру тоқат айладинг,
Гул юзидин шимаи бўйи вафо келтурмишам.
Ошиқо, ҳижрон балосидин халос этмоқ учун,
Арзу ихлосингга лойиқ муддао келтурмишам.

Одатда газалларда ошиқнинг маъшуқа ҳа
тортган айрилиқ азоблари, бевафоллик ситамлари
макридан укинишларини тасвир этиш орқали ин
муҳаббат улугланади. Зокир бу анъаналарни ўз
ларига жорий этиш билан бирга, «Келди» газалид
усулга бошқача ёндашади. Ошиқ маъшуқа эмас, б
маъшуқ ошиққа мурожаат қилади. Бу мурожаатида
севги дарёсига фарқ қилишни ёки уни дарё лабида
дириб ўзи ағёр билан нариги қирғоққа ўтиб кетиш
ўйламайди, балки ошиқнинг тоқати ва чидамига қой
қолиб:

Гулзора хиром айлаб, у нозик адо келди,
Ошиқига айларга меҳр ила вафо келди.
Мастона қилиб суҳбат базми ичра камон абру,
Мужгон ўқудин отмиш ўлдиргани ё келди.

Зеро, ошиқнинг кунглини кутаради, уни хушнуд қилади.
Газалнинг тоқ мисрасида ошиқнинг ишқ йулида мардо
навор чеккан азоблари айтилса, жуфт мисрада унинг
самарасини кўрамыз.

Газалда кимки сидқидил, машаққатларни писанд
қилмай, ишқ йулига бел боғласа, истаган манзилига
етади, деган гоё тараннум қилинади. Бу ўринда халқ
нинг «Жафо чекмасанг жонона қайда?» деган ҳикмати
газалнинг девизига ўхшайди.

Шоир газал мазмунини, унинг таъсир кучини ошириш
учун ҳар тоқ мисра бошида маъшуқнинг ошиққа муро
жаатини такрорлайди:

Ошиқо, ҳижрон балосидин халос этмоқ учун,
Арзу ихлосингга лойиқ муддао келтирмишам.

Ёки:

Ошиқо, ҳусну латофат кунжидин савғот деб,
Сенга бир дурдонаи қимматбахо келтирмишам.

Бу мисралардаги «Ошиқо» ундамаларига эътибор қи
линг! Газал диққат билан ўқилса, унда совет поэзияси-

га хос булган оптимистик руҳ жой олганини ҳис этиш қийин эмас. Бу газал шоирнинг Октябрь инқилобидан сўнгги ижодига мансуб бўлиб, 1928 йил ёзилган. Шоир ижоди руҳидаги кутаринкилик унинг совет замонасининг қайноқ нафасини зийраклик билан ҳис этиш ва уни бадиий ижод бисотида акс эттира олиш қобилиятларидан келиб чиққан, албатта.

Зокир туюқларда ҳам муҳим ҳаётий масалаларни кўтариб чиқишга жазм қилди. У замона тақозоси билан нималарнидир рад қилади, нималарнидир эътироф этади. Унинг ради ва эътирофи замон ва халқ талабларига мутлақо мос тушади. Бу жиҳатдан шоир оилавий ахлоқ масаласини совет замонасининг ижодкори сифатида мана бундай тасвирлайди:

Кузларимдан оқизиб хуноба ёш,
Ҳажр шоми чиқмади ҳусни-қуёш.
Энди ун турт кечалик моҳи барот,
Негаки ҳусни экан ун етти ёш (180)

Туюқнинг лирик қаҳрамони — ошиқ кўз ёшларини оқизиб, жудалик туяя қуёшлининг чиқишини кутадию, афсуски, у чиқмайди. Негаки, бу ерда ошиқдан жиддий хатолик утади. У оининг ўн туртининг энг тўлишган пайтини кутади (зотан, маъшуқ жамоли шунга муқояса қилинади). Аслида эса маъшуқа — оининг ёши ун турт эмас, ун етти эди. Яъни, унинг ҳусни ўн тўртда эмас, ўн еттида тўлишади.

Бу билан шоир катта социал оилавий проблемани уртага қуйиб, энди ҳижрон қуёшини ун туртда эмас, ун еттида кутиш керак, дейди. Бу уз вақтида ёш қизларни турмушга узатишга қарши жуда нозик ва ўткир ташвиқотнинг ёрқин намунаси эди.

Шоир туюқларида фикр изчиллиги, ихчамлиги ва яхлитлиги шу қадар аниқ ва пухтаки, бу шоирнинг улар устида қунт билан ишлагани туфайлидир:

Киприги — уқ, сайёд қошин ёй қилиб
Мурғи — жоним куз ёшин дәрё қилиб
Саид қилдики, кабоб қилмоқ учун,
Жисму жон ишқ оташига ёқилиб (182).

Бу ерда маъшуқа қошини ёй, кипригини қ қилиб қуролланган бир овчи Ошқ, ва қуши. Овдан мақсад эса, ишқ оташида кабоб қилмоқдир.

Шоир Зокир ёшларнинг чоғида шогирдлари унга Мавлоно деб мурожаат қилишган, демак, у Мавлоно деса арзигуликдир.

ШОИР ОШИҚ

Сулаймон Мирзамаҳмуд ўғли — Ошиқ 1860 йили Уш шаҳрида камбағал зиёли оиласида дунёга келди. У ёшлик чоғидан бошлаб хат-савод чиқарди. Сўнгра Қўқон мадрасаларида таҳсил олди. Булажак шоирнинг бадиий адабиётга ҳаваси тобора кучайиб, аста-секин ўзи ҳам шеър машқ қила бошлайди. Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Фузулий сингари устоз шоирлар унинг ижодий такомиллида муҳим роль уйнадилар. Ошиқ Қўқондалигида Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан яқиндан танишади ва улардан файз, завқ олиб, демократик руҳда камол топади. Муҳими шундаки, бу халқчил руҳ шоир ижодининг охиригача изчил давом этди.

Шоирдан икки минг мисрали қулёзма тўплами мерос қолган. Ундан асос эътибори билан ғазаллар, мухаммаслар, тарихлар, ҳажвиётлар ўрин олган. Ошиқнинг лирик ғазаллари таркидунёчилик қарашларига қарама-қарши ўлароқ, дунёвий муҳаббатни куйлаш руҳи билан суғорилган. У ўз ҳажвиётларида бой, амалдор ва руҳонийларни, умуман текинхўрларни танқид қилади.

Шоир Қўқон мадрасасини битириб келгандан сўнг, узоқ муддат Уш қозихонасида муфти бўлиб хизмат қилди. У бу вазифада меҳнаткаш халқ манфаатлари учун жон-дили билан курашиб, порахурлик, адолатсизликка қарши кескин курашди. Бу ишда у ўз хизмат вазифаси ва ижодий талантидан фойдаланишга ҳаракат қилди. Шунинг учун порахўрлар, тамаъгирлар, муттаҳамлар Ошиқни таъқиб остига олиб, унга нисбатан ишончсизлик билдиришга уриндилар. Аммо Ошиқ таъқиб ва лўписалардан ҳайиқмади. Қозихонада ўз кўзи билан кўриб турган разилликлар тўғрисида бир неча марта ўзи бирга хизмат қилиб турган Хўжахон қозига арз қилди. Би-

рок, на қози, на бошқалар шоирнинг ҳақли эътирозларига қулоқ солишмади. Халқни эзиш тобора авж олди. Шундан кейин у:

Қозилару, қозилару, қозилар,
Халойиқ дер: қози эмас, тозилар.
Қуруқ қулга, қилмас асло эътибор,
Ришва бўлса шунга улар розилар!

сатрлари билан бошланадиган ҳажвиясини ёзиб, қози бошлиқ барча амалдорларни шарманда қилди. Бундан талвасага тушиб қолган қози бошлиқ мансабдорлар уз амалидан фойдаланиб, Ошиқдан уч олиш пайига тушадилар.

Устига-устак шоирнинг «Эшагим» ҳажвияси пайдо бўлади. Унда қозихонада қозининг ўнг қули бўлиб, мирзолик, жарчилик, понблик лавозимларини бажарувчи, халқни талашда ном чиқарган Мирзоабдулло Қодир ўғли фош этилган, қозигина эмас, мингбоши, элликбоши каби бир қатор золимларнинг ҳам сирлари очиб ташланган. Абдуллони жарчилик қилиб бақириши эшакнинг овозига қиёс қилинган. Эшакнинг ҳанграши қанчалик ёқимсиз, нохуш бўлса, унинг жар солиб хунук хабарлар тарқатишидан ҳам халқ шунчалик безор бўлган. Иккинчи томондан, Абдуллони катталарнинг эшаги—малайи сифатида ҳам масхаралайди. Шоир эшакнинг асл жойини кўрсатиб: «Ўтлар эрдинг Суфи қишлоқда талода эшагим» дея, уни Жалолқудуқ районига қарашли Суфи қишлоқлик эканига ишора қилгандан сўнг, унинг қозихонага келганини:

Ёт ҳалодаким, турарсан маҳшарда ноз уйқудан,
Поклик — покизаликдан туразода эшагим,

деб қозихонани Абдулло учун тинч — ҳоли жой, айни чоғда, ҳало — ифлос жойлигини кўрсатиб, унинг улиги ҳам, тириги ҳам шу жойдан чиқишига ишора қилади. Шоир давом этиб:

Эшагини (ш) оти эрди Мирзоабдул Қодирий,
Мирзолик қилгувчи ҳар шаҳру далода эшагим,

дейди. Унга қўшиб ҳимоячиларининг ному насабини сарфариш, шоир мадомки, улар эшакнинг қавми ва яқинлари экан, улар ҳам эшак деган қарашни баён этади:

Шунинг қўлезма туплами ушбу китобча автори қўлида сақланмоқда.

Мулло Қудрат, мингбошининг падархоини эрур у,
Шермат ҳожи, Мулло Нусратга таго-да эшагим.

Сунгра, унинг қозни билан бирга халқни талаб молу дунё
орттираётганини фош этади.

Шоир характеристикалар орқали кўз ўнгингизда эшак
образини ҳар томонлама типиклаштиришга уринади.

Мияннга тортган эдинг сен парчаи кигизни хўп.
Ўтмасин совуқ бошимдин ибтилода, эшагим,

дейди. Бу ерда Абдуллонинг кигиз кулоҳ кийиб юришига
ишора бор, бунинг боиси (уз нафси йўлига ишга тушиб,
қизишиб кетгандек совуқ ва иссиқни ҳам сезмай кети-
ши) фош этилади. Айни чоғда, унинг ута юлғичлиги
очиб ташланади.

Ошиқо, таъи айлама эшакка сен кўп бунча ҳам,
Сабҳан эл бахтига етса қазога эшагим,

сатрлари билан тугайди. Бу билан шоир бу эшак улса
халқ қутилади демоқчи бўлади. Шеърда зарба теккан
турли «ранг»даги амалдорлар қутуришиб, жон-жаҳдлари
билан шоирга ҳужум қилдилар. Зотан, улар эшаклик
(нодон, аҳмоқ, фаросатсизлик)да Абдуллодан қолиш-
масдилар.

Улар Ошиқни ақлдан озган — «жинни» деб эълон
қилишиб, «жиннилиги» тузалгунча халқдан ажратиш-
га — қамашга қозидан фармой оладилар.

Аммо Ошиқ бу таҳдиддан чучимади. Қамоқда туриб
ҳам халқ эрки ва адолат учун курашин давом эттиради.

Зотан шоир ижодининг бошидан то охиригача халқ
эрки ва адолатни куйлаш мотиви мустаҳкам жой олган.
У қайси бир темани ёритмасин, унинг мағзида шу эрк ва
адолат ғояси ётади.

Ошиқ қозни ҳукми билан қамалгандан сунг бу адо-
латсиз ҳукмдан халқ уртасида норозилик кучайиб кет-
ди. Шоирнинг ёр-дустлари аҳволдан хабар олиш, унга
мурувват қулини чузишга астойдил ҳаракат қила-
дилар.

Ниҳоят, шоирнинг яқин дустри Шокир Кори Юсуф қо-
ри уғли турма посбонлари орқали шоирга мактуб йўл-
лашга муваффақ булди. У бу хатида купчилик омма қо-
зини қоралаётгани, Ошиқни озод қилиш учун кўпчилик
бўлиб қозинга, агар у қулоқ солмаса, тўрага арзнома
ёзишларини баён этди.

Шоир мазкур хатга жалобан ёзган мактубида уни ноҳақдан қamoққа ташилаган қози ва унинг малайлари, қолаверса, уларни қутуртирган замонани нафратлаш билан бирга, ўз халқига ва дўстларига чексиз миннатдорлиги ва ҳурматиини илҳор қилади:

Офарин, кў офарин мактуб юбормишсиз менга,
Хора босган мяғ дилин қилади ул гулзорлиг (14).

Сўнгра қозига пичинг қилиб, жишсининг сўзи ишобатга олинмас экан, мен жишин бўлсам нега энди менинг сўзларим эътиборга олинмади ва менга жазо берилди:

Жунун элини(нг) сўзи эътиборга келмас эди,
Ажаб эътиборга келибдур, бу рапо шекиллик,

деб ёзади. Бу билан шарнат қонуи-қондаларининг тутуриқсизлигини ҳам фош қилади.

Ошиқ купчилик халқ талаби ва ёрдами билан турмадан озод булади. Лекин унинг эрк овозини бугиш ва шоирни Уш шаҳар аҳолисидан ва яқинларидан узоқлаштириш ниятида уни ҳозирги Ўзбекистон ССРининг Хужабод районидagi Дилқушо қишлоғига сургун қилдилар. Шоир фақат Дилқушо ва Ушдан анча узоқ бўлган Ўзган шаҳарларида яшаши мумкин эди, холос.

У Дилқушода чорикор бўлиб ишлайди. Шу даромад асосида зурга рузгор тебратади. Гарчанд, у ҳоким синф вакиллари томонидан таъқиб остида бўлса-да, меҳнаткаш халқ уни довм эъозларди. Ошиқ ғазаллари шоирга нисбатан хайрихолик билан қараган Дилқушо аҳолисининг дилида ва тилида ҳамон барҳаёт. Бугина эмас, шоирнинг «Пук» радибли ғазалини Дилқушлик Мухтор ота Нишонов, «Кўрдим» радибли ғазалини Жураҳон ота Аҳмедов, «Ургулай» радибли ғазалини Кимсан ота Саъдуллаев оғзидан ёзиб олинган хам ўша хайрихоликдан далолат беради.

Ошяк Дилқушодаги уз оғир аҳволи туғрисида уни сургун қилган Хужаҳон қозига қарата бир неча шикоятномалар ёзди. Унда ўш аҳволини арз қилиш билан бирга халқнинг норозилигини, адолат ва эрк буғилганини баралла айтишга журъат этди.

Шоир «Ташаб» радибли шикоятномасида ўзига «рахнамо», «сизга «иё», «ўлига «асо» толмаганидан зорланади. Демак, у эрк ва адолат йўлида раҳнамо ис-

тайди. Эркинниг бүүгилганидай порози булиб, «Дили дарда бүүгилган андалибдек бақо топмай» деб хилоб қилади.

Шоир «Топмадим» радифли шеърисида: «Замон зўри билан мен шўр бахт, Қутулмоққа ҳеч иложи топмадим» деганида нималарни исташи маълум бўлганидай, «Топилур» номли иккинчи бир шеърисидаги:

Ноумид шайтон эрурким, ул сафо ҳам топилур,
Е уюқми, ё яқинми муддао ҳам топилур,

деган сўзлари оптимизм руҳи билан сўзори.гандир.

Ошиқ классик адабиёт анъаналарига содиқ қолиб, ишқий мазмунда ҳам ғазаллар ёзди. Шоир ғазалларида тарки дунёчиликни кескин рад этиб, соф инсоний севгини астойдил улуғлайди. Улар тилининг содда, ширалор ва образлилиги, ихчамлиги билан алоҳида эътиборга лойиқдир. Шу боисдан бўлса керак, унинг бир неча ғазалларига халқ куй басталаб, ўз севимли қушиқлари хазинасига қўшган ёки ёдлаб, тилдан-тилга, дилдан-дилга утказиб келган.

Шоир ғазаллари унинг анъаналарга кўр-кўрона ёндашмаганини, уларга ижодий муносабатда бўлганини кўрсатиб туради. Дарвоқе, ҳар қандай ривожланиш эргашув жараёнида эмас, таъсирланиш жараёнида майдонга келади.

Масалан, Ошиқнинг «Оразини маҳфилда пардалин намоен қил» мисралари билан бошланувчи ғазали Фазлийнинг «Гул юз узра зулфингни боғ аро намоен қил» мисралари билан бошланган ғазалини эслатади. Фазлий гузал зеболигини мадҳ қилиб бўлиб, ўз ғазалини:

Фазлиё, Умар Султон даргоҳига йул топсанг,
Тупрогин олиб кўзга сурман сулаймон қил,

сатрлари билан тугатган. Бунда у гузал таърифи билан бирга, хон даргоҳини ҳам мақтамоқчи ва гузаллик ўша ерда монанд деган фикрини талқин этмоқчи бўлади, гузал эса бир баҳона даражасига тушиб кетади. Ошиқ эса ўз ғазалини:

Ошиқнинг кўнгида тахтий поё қил кўдуратдин,
Шавқ утини елдирига, дил уйик чароғон қил (41).

мисралари билан якунлаб, зебони инсон сифатида инсонга ғамхўрлик қилишга даъват этади. Бинобарин, ғазалдаги гузал Фазлий талқин қилгандай қандайдир уй-

инчоқ — баҳона эмас, балки тўла маънодаги инсонга
фатида кўзга ташланади. Бундан ташқари, газалда таъ
кидунёчилигини рад этувчи:

Ишқ кайфидин зоҳид беҳабар эрур, жоно,
Қатран муҳаббатдин кузларини гирён қил,

мисралари ҳам бор. Шеър санъаткорона ишланиши жи-
ҳатидан ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.
Мана, уша ғазал:

Оразингни маҳфилда пардадин намоён қил,
Ою кунини рашк ила абр ичинда пинҳон қил,
Манбан малоҳатсан гулшан ичра гуллардин,
Бир табассумла анда гунчаларни хандон қил,
Ишқ кайфидин зоҳид беҳабар эрур, жоно,
Қатран муҳаббатдин кузларини гирён қил,
Бор аро қадам қунмоқ ихтиёр этар булсанг,
Рашиқдин самобарини (нг) ҳоматини ларзон қил,
Соя сол, хумоювинм, бул гадоши (нг) бошига,
Сояи шараф билан бизини шоҳи шоҳон қил,
Ошиқнинг кунгил тахтин пок қил кудуратдин,
Шавқ ўтинини ёндиргил, дил уйини чароғон қил.

Ошиқнинг ғазал жанридаги ғоявий-эстетик камола-
тини унинг «Илқида» радифли ҳижрон азобларини тас-
вирлашга бағишланган ғазалида яққол кўриш мум-
кин.

Шеърнинг сюжет чизиғи аста-секин ривожланиб бир-
бирига уланиб боради.

Булди жоним фурқат ути бирла ҳижрон илқида,
Куксимда қўлди жафожу доғи ҳайрон илқида,
Шамтак ёнмоқдаман, дудим самода айланур,
Менга ул золин отарга тири мужгон илқида,
Фурбат ичра бир кунини қоним тукар киприклари,
Кўрмадингму эй фалак, қошимни жонон илқида.

Бундаги «Кўрмадингму» сўзи 2 хил маъно ифодалаб
«кўрдинг-ку» мазмунини ҳам билдиради.

Оқибат натижада фарёд чеккан шоир афсусланиб:

Мояи умрини барбод айлади ишқини ўти,
Ичмадим бир йул қадаҳини ҳусни тобон илқида,

деб ёзадики, бунда нола, фарёд уз кульминацион чўққи-
сига чиқади:

Жон чиқарга етдию васли хаёли кетмади,
Шояд ул дилбар висолини қилса эҳсон илқида.

Бу ўринда шоир яна ёр васлига умид билдиради. Ошиқ қиссадан ҳисса чиқариб, узининг ишқидаги самимиятини ва садоқатини изҳор этиб:

Ошиқо, ўлмоқ хаёлим завқи-шавқи ишқида,
Қилсам эрди кошки жонимни қурбон илқида.

дейди ва ўзининг ёрга чинакам меҳрини, вафодорлигини тантанавор бир суратда намоиш қилади. Юқоридаги масалаларда ғазалдаги фикр равонлиги, изчиллик, образли талқин, тил соддалиги кўзга ташланади. Ундаги «ҳижрон», «ҳайрон», «мужгон», «тобон», «қурбон» каби ҳофиялар ғазалдаги мазмунни яхлит ифодалашга хизмат қилади. Бунинг устига, «илқида» сўзининг радиф сифатида мисрама-мисра мазмун мантиқиға мос қўлланиши ҳам таҳсинга лойиқдир.

Кўриниб турибдики, ғазалда тушунилиши қийин бўлган бирорта сўз иуқ, ғазал бори-йўғи олти байт, холос. Унда қуруқ тавсиф куринмайди, балки образлар, лавҳалар ҳукмрон. Шоир ғазалда ранг-баранг сўзларни қўллайди. Масалан, ғазал мақтаидаги мисрада жудолик маъносида «фурқат» ва «ҳижрон» сўзларини, бешинчи мисрада эса «ғурбат» синонимини ишлатади. Тўртинчи сатрда «киприк» сўзи келган бўлса, бешинчи сатрда «мужгон» тадбиқ қилинади.

Учинчи мисрада: «Шамтак ёнмоқдаман, дудим самода айланур» дея «само» сўзи ишлатилса, олтинчи мисрада: «Кўрмадингму, эй фалак, қонимни жонон илқида»да «фалак» сўзи қўлланадиги, бу ерда фалакка мурожаат қилиш билан бирга унинг кажрафторлигига — тескари айланишига ишора қилинади. Сўнгра халқ орасида ва классик адабиётда бундай уринда фалак ишлатилишиға ҳам риом этилган—Самодан дод эмас, фалакдан дод; мисралар ўртасида мантиқ боғланиши табиийки, бу асар композицияси пухталигидан далолат беради. Масалан, ғазалнинг биринчи мисрасида лирик қаҳрамоннинг оғир руҳий кайфияти берилса, иккинчи мисрада бунинг сабаби кўрсатилади. Лоақал, биринчи байтни бир эслаб кўринг-а! Энг муҳими шундаки, лирик қаҳрамон кайфиятидаги мана шу дарду аламлар ва уларнинг сабабиятлари тадрижий очилади ва ниҳоят у: «Ошиқо, ўлмоқ хаёли завқи-шавқи ишқида, Қилсам эрди кошки жонимни қурбон илқида», дейишға мажбур бўлади. Чунки мазмун тақозосининг ўзи шуни кўрсатади.

«Кўкрагимни пора этди» сузлари билан бошланадиган иккинчи бир ғазалда мана шу ҳижрон мазмунини бошқачароқ бир тарада ёритилади. Агар илгари устки мисра натижаси остки мисрада изҳор этилса, буида натижа аввал баён этилган:

Кўкрагимни пора-пора этди хижрон шониси,
Шу сабаб бирлаи тукилди кўзларим дурдоласи (51).

Бу ғазал ҳам қисқа, образли, содда ёзилган. Буида ҳам маълум сюжет чизиги барқарордир.

Шоирнинг барча ғазаллари санъат асарига хоё фазилятларга эга. Ошиқнинг «Ургилай» радифли ғазалида:

Бизни мажнун айлаган Лайло низингдан ўргилай,
Талх қонимни чучук этган сўзингдан ўргилай,

сатрларини учратсангиз, «Ярашган» радифли ғазали ҳам шунга ўхшаш равои, ўйиққи ва жозибадор сўзларга бой:

Ошиқ кишига вилли сочи сумаи ярашган,
Соци сумаи нигора ошиқ деган ярашган,

сатрларини ўқийсиз.

Шоир ўзининг кўпчилиги ғазалларини рамаи баҳрида, дидактик характердаги «Ичиб майи жом» ғазалини ҳажаз баҳрида ёзган. Дарвоқе, бу мазмун ва форма ишқини тасвирлаш эмас, таърифлашга қаратилган.

Одатдаги ғазалларда ошиқ ёрга мурожаат этиб, унга уз юрак садоларини эшиттиришиги уринса, буида шоир уз ишқий саргузаштларини бирма-бир баён қилади.

Ичиб май жоми ишқи майхонасида,
Ушинг кайфи кўзим паймонасида,
Мевдани сўрмаганга не дини ислом,
Мусулмонлиги харам майхонасида,

Кўришиб турибдики, шоир таркидуиёчиликин рад қиляпти.

На сўрдинг мени аҳволимни, хозик,
Қачон хуш бўлгуси мастонасида,

деб юқоридаги ғояни яна чуқурлаштиради шоир.

Ошиқнинг барча ғазалларидаги каби буида ҳам маъшуқага етишиш учун кураш йули битта. Маъшуқага муяссар бўлиш учун унга астойдил ийтилиш, агар бу

муяссар бўлмаса, шу йулда қурбон бўлиш лозим. Бошқа йўл йўқ.

Улим бир пардадир ошиққа маъшук,
Улиб ошиқ бўлур жапонкасина.

Бу ғазалдаги тасвирга қараганда тавсиф устун бўлгани сабабли, у бошқалардан анча кўп, йиғирма тўрт мисрадан иборат.

Шоир Ошиқнинг Октябрь иқилобидан аввалги ижоди меҳнаткаш халққа хайрхоҳлик, уларнинг эрк ва адолатга интилишларини ифодалаш руҳи билан сугорилгани, золимларга қаратилган нафрат ва ғазаби билан характерлидир. Шоир Ошиқ Октябрь иқилобидан зўр хурсандчилик билан қарши олди ва дастлабки кунлардан бошлаб, Совет ҳокимиятини табриклар шеърлар сазди. Бу шеърларида шоир барча меҳнаткашларни ўз ҳокимиятини мустақкамлаш, унинг душманларига қарши кескин курашга даъват қилди.

Ошиқ ўзининг «Айшу пашоти билан бўлсин омон ҳукумат» номли шеърини Совет давлатини улуғлашга бағишлайди. Умуман тавсиф ва таъриф йўлидан бормайди, балки конкрет тарзда, қисқалаш усулини қўллайди. Бу фарқ шундан иборатки, агар ўзга ҳоқонлар ҳаммаёқни харобага айлаштириб, ўз нафси билан оғора бўлса, Совет давлати «Бўстон макони оши, гулшан пашоли ҳукумат»дир. Бу ҳукумат халқ манфаатини кўзлайдиган «Аҳил раиятига кўп меҳрибон ҳукумат» бўлганлиги сабабли, «Айшу пашоти бирлаш бўлсин омон ҳукумат!» Сўнгра шоир бу ҳукуматнинг яхши фазилатларини санаб кўрсатади:

Олам юзин ёритди шамъи адолатидин,
Исёнчилар йўқолди уни спесатидин.

Шоир бу давлатда инсонлар тенглиги, халқлар дўстлиги барқарорлигини зўр ифтихор билан куйлайди:

Ўзбек, қирғиз — ҳамма шод қилган саҳобатидин,
Холи эмас, хотинлар, мардум шоятидин.

Шоир Совет ҳокимиятининг чинакам халқчил ҳукуматлигини унинг халқ манфаати учун курашида, барча фаолияти халқ манфаати йўлида эканлигида куради ва уни алоҳида қониқиш билан:

Тузди темир йўл узря пагонл кийик рафтор,
Ҳар дам ҳиром вилар ул меҳнаткашга хизматкор,
дея эътироф этади.

Улуғ Октябрь инқилобидан сунг, шоир мансабдан айрилган Уш қозиси Хўжахон адресига қаратиб «Қайга кетди қозиб» сўзлари билан бошланувчи шеърини ёзади. Шеър мана бу мисралар билан бошланади:

Қайга кетди, қозиб, сурган сизни давронингиз,
Бердиму роҳат қилон Уш ичра қористонингиз?

Сўнгра бу таъна сўзларининг сабаблари тилга олинди:

Зериполарга раҳимни уринга эрди жафо,
Аҳли давлат, аҳли савлатга эди эҳсонингиз.
Пул кучи бирла қозиликин олиб, золим бўлиб,
Нечани махбус этиб, қон йиғлатиб фармонингиз.

Бу ерда мана шу махбус бўлганлар қаторида шоир Ошиқнинг ҳам борлигига ишора қилинмоқда. Бу билан, шоир Октябрь инқилобининг адолатпешалик фазилатларини улғулаб, уни чин қалбдан табрикляпти.

Узоқ вақтлар Уш шаҳрида қозилик мансабида туриб, бошқалар сингари порахурликни авжига миндирган, адолатни оёқ ости қилиб, меҳнаткаш халққа, шу жумладан шоир Ошиққа беҳисоб жабр ва зулм ўтказган Хўжахон қози 1919 йили оламдан ўтади. Ошиқ марҳумларга атаб тарих ёзиш анъанасидан фойдаланиб, Хўжахон қози адресига қаратиб, «тарих» ёзади.

Одатда марҳумларга ёзилган тарихларда уларнинг яхши фазилатлари кўрсатилиб, уларга нисбатан ачиниб ва мақтов туйғулари беҳисоб этилса (зотан умуман марҳумларнинг фақат яхши томонлари айтилади), бунда қозининг қилмишлари фош этилиб, унга нафрат ёғдирилади:

Дуиё ташвишидан бугун қутилгон,
Эрурки бу Хўжахон Ибни Бурхон.
Эди ул жабраили сидрапарвоз,
Қанотин бойларни устига ёпгон.
Эрур ул аввали фиръавни сони,
Бўлиб охирда кетди исли Солмон.
Ҳама парранда эрди, ушбу товус,
Ҳама даранда эрди, ушбу қонлон (142).

Шоир Ошиқ «Не кечгай ҳолимиз», «Қолмади» шеърлари орқали халқ бошига талай қора кунларни солган босмачиларни фош қилди. Айни вақтда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашди. Бу шеърлар босмачилик

ҳаракати тугрисидаги шунчаки бу разил воқеаларни ўз кизи билан курган билан эшитган шоирнинг саргузашт ҳикояси бўлгани учун ҳам ишонарли ва таъсирлидир.

Шоир босмачилик фитнасининг халқ бошига солган оғир жафоларини айнан кўрсатиб бериш орқали бизда бу разил қабоҳатнинг мудҳиш оқибатлари ҳақида конкрет тасаввур ҳосил қилади. Босмачилардан безган халқ уй-жойини ташлаб, осойишта бирор макон истаб, қишқировлик кунларда шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб юради. Мана шу халқ билан бирга узига тинчроқ бир бошпана истаган шоир:

Днёнри Ўзган дориламон деб маскан этгандик,
Етар бизларга озорилар ҳар дам, ҳар томондин,

деб езди. Шоир бу шеърини:

Ажабким, эл тинчлиги йуқ, бости оламини ўғрилар.
Талаб юртни қон тукилди, уй бузилди, тўйдил эл жондин,

сатрлари билан бошлар экан, элни талаган, унинг қонини тўккан, уйини бузган муттаҳамларнинг башарасини, халққа қилган мудҳиш зулмларини аниқ кўрсатиш орқали очиб ташлайди:

Кириб ҳар бенавоининг уйларига айлади торож,
Олурлар қўлга кирса эски кўйлак, эски иштондин.

Шоир ноинсоф босмачиларнинг фирибгарлигини, улар ўзларини дин ва шарият ҳомийси қилиб кўрсатиши орқали жирканч қилмишларини пардалашга уринишларини мана бундай тасвирлайди:

«Дин очдик» деб очурлар юрт сандигини доим,
Ажаб, ўрганган экан бу ҳийлаларни шайтондин.

Дарвоқе, шарият номидан гапириш доимо дин пешволари учун халқни талашда ниқоб вазифасини ўтаган.

Сўнгра, ўзини «дин очадиган» эълон қилиб, аслида эл сандигини очадиганларнинг ўзини мусулмон деб кўрсатишига ҳам (бу ерда шоир халқнинг «мўмин мусулмон» маъносидagi ёвош одамларни назарда тутди) зарра эътибор этмасликка ундаб шоир:

Аларнинг дилларида раҳм йўқ зарра, тўкарлар қон,
Бўлурму бу оламда ёмонроқ ҳам бу ёмондин,

деб Ошиқ ўғриларнинг раҳнамолари ҳам борлигига ишора қилади:

Келиб Холхужа эшак таълим берди барча итларга,
Ушбуларнинг зулминидур бўлди Ошиқ ғазалхондин.

Демак, шоир босмачи ўғриларни фош этиш борасида, бу фитнанинг илҳомчиларини ҳам фош қилади.

«Қолмади» шеъри олдинги шеърининг давоми сифатида босмачиларнинг талончилигини санаб кўрсатиш билан бошланади:

Бул ҳаромязодалардин бир туфак ҳам қолмади,
Ўғрилардин мусвағу ҳатто тувак ҳам қолмади.
Папирос чекмакка яхши деб сумақ ҳам қолмади,
Кўр, семиз уй ичра бўлса гар кулак ҳам қолмади.

Халқнинг бошига босмачилар солган жабр-зулм туфайли «Кул тудаклар музлаб улди, онаси андин қочиб», халқнинг бошига очлик ва қашшоқлик тушди.

Агар «Не кечгай ҳолимиз» шеърида бу разиклона фитна четдан аралашиб орқали булаётганига ишора қилиб, Холхўжа номини тилга олган бўлса, бу шеърда шоир фикрини янада кенгайтириб ва конкретлаштириб ёзади:

Султон ободдан келиб босмачи Йулдош хари,
Муйдин қирғиз, Омон полвон, яна Йулчи бири,
Бури бой, Бута бой, қурбоши — амир лашкари,
Ҳар кеча толону тарож айламоқлик хунари.

Ошиқ совет ёзувчилари ва шоирлари сафида туриб, ер-сув ислоҳотини баланд руҳ билан кутиб олди. Ҳамза бу воқеага атаб «Ер ислоҳоти», Ойбек «Ер кимники?» асарларини яратган бўлсалар, Ошиқ ер-сувдан ажралган бой ва руҳонийларга қарата ёзган «Йиғланг» шеъри билан майдонга чиқди. У бу шеъри орқали ер ва сувнинг ҳақиқий эгалари унга кечаю кундуз, тинмай меҳнат терларини тўккан, унум олган меҳнаткаш халқ эканини уқтиради.

Ер ва сув ислоҳотининг текинхурларга берилган жуда кучли зарба эканини яхши тушунган шоир уларга қарата «Йиғланг» дер экан, меҳнаткашларга «Кулинг!» дейганга ўхшайди. Бундан ташқари, текинхурларга хитобан «йиғлашдан бошқа чоранг йуқ» дегандай туюлади. Дарвоқе, Ошиқ Дилкушоли камбағаллар қаторида ер-сув ислоҳоти шарофати билан уч таноб ер олишга мушарраф бўлди. У 1931 йили биринчилар қаторида мана шу ери, от ва ҳўкизи билан колхозга аъзо бўлади.

Ер ва сув ислоҳоти даврида қаттиқ зарбага учраган унсурлар томонидан «ислоҳотдан олинган ерларнинг ҳаромлиги» тўғрисидаги уйдирмалар тарқатилаётган бир вақтда бу шеърнинг пайдо булиши, ернинг ҳақиқий эгаси текинхурлар эмас, меҳнаткаш халқ экаини курсатиши, текинхурларнинг ҳаромхурлигини фош этиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли бу шеър меҳнаткашлар орасида жуда тез тарқалди ва ёдланиб, оғиздан-оғизга ўтди.

Агар Ошиқнинг Октябрь иккилобидан илгари ёзилган ғазаллари ғам-андуҳ билан тўла бўлган бўлса, кейинги ғазалларида тантанаворлик руҳи сезилиб туради. Бу ҳижрон ва висол айёмлари тасвирида кўпроқ намоён бўлади. Буни шоирнинг «Келур» радибли шеърда жуда яққол кўриш мумкин. Бу ғазалдаги ҳар бир байтнинг биринчи мисраларида ўтмиш жафоси ифодаланса, иккинчи—пастки мисрасида янги давр нафаси уз аксини топган. Эки «Йуқ» радибли ғазалидаги мана бу мисраларга мурожаат қилиб кўрайлик:

Завқ ҳолимни кўриб, меҳр айладиг зебо менга,
Ўргилай донолигинг олам аро ҳеч онда йуқ (122).

Кўриниб туриптики, бу ғазалда ошиқ маъшуқадан зорланмайди, балки унга миннатдорчилик изҳор қилади. Худди шунга ухшаш янги давр тароналарининг эски замон уқубатларига контраст қўйилишини шоирнинг «Сўранг» радибли ғазалида ҳам учратамиз:

Дарди ҳижрон фурқати қилган эди ёшим равон,
Кенг қилди кулбан торимни ул Лайло, сўранг.

Шоирнинг янги замонда яратилган ғазалларида қувноқ замон руҳи мазкур ғазалларнинг мазмунидангина эмас, формасидан ҳам яққол сезилиб туради. Юқоридаси «Келур» радифи ёр келишига қағъий ишончини, «Сўранг» радифи, ишонмасангиз сўранг мазмунини ифодалашга хизмат қилганидек, «Ўргилай», «Ярашган» каби тантанавор радифлар ҳам бу фикримизнинг исботидир.

Маълумки, классик адабиётимизда «Чиқиб» радифи орқали ахлоқий мавзулар ёритилади. Биз бунинг энг яхши намунасини Муқимийнинг «Кўрмаган мактаб юзини аҳли донолар чиқиб» сатрлари билан бошланадиган «Чиқиб»² радибли ғазалида кўрамиз. Шоир Ошиқ мана

² Муқимий. Асарлар, I том, «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1960, 269-бет.

шу радифдаги шеърда совет замонасини улуглаш маъзунни уни ўтмишига қиёслаб бача этади, аммо бу киёснн купчилик шеърларда талқин этилгани каби, мисрама-мисра лавом эттирмайди. Етти байтдан иборат бўлган шеърнинг юқоридаги уч байтнин ўтмиш тасвирига бағишлаб: «Йоли попи нафс минган», «бистари роҳатда ётган ҳашаматлар» — бойларни савалаш билан бирга, уларнинг қилмиш-қидирмишларини қонулаштириб берадиган руҳоний «Сурати» чун Шайх Санъон, сийрати шайтон»ларни фош этади. Уларнинг сурган кайфу сафолари учун кунни тунга улаб меҳнат қилиб, ўзлари оғир ва мусибатли ҳаёт кечираётган меҳнаткаш халққа ачиhib:

Хонавайрон улгон эрди шурлик бечоралар,
Вексаль олиб хурлаган қонхур давлатлар чиқиб,

дейди. Қолган байтларни ҳақсизлик ва адолатсизликка адабий барҳам берган, инсонлар асрлар буйи орзу қилган умид ва армонларини руёбга чиқарган янги совет замонасига бағишлайди:

Мулки кажумларин барҳам берди бу янги замон,
Навбахори олам улди боди раҳматлар чиқиб.

Шоир назарида «мулки кажум» — чаёнлар уяси барҳам топди, зимистонлик, жаҳолат йўқолди ва «навбахори олам» пайдо бўлди. Демак, шоир совет замонасини чин қалбдан қутлайди, уни гузал баҳорга ўхшатади.

Шоир Совет ҳокимиятининг қурувчилик, ободончилик фазилатларини улуглаш билан бирга, уни тинчлик, озоишталик сиёсатини ҳам бутун қалбила табриклайди:

Кетди мози, боғу гулшан, янги жаннатлар яна,
Топти оройиш жаҳон қонуний миллатлар чиқиб.

Шоир «янги жаннат» ибораси орқали замонамизни, «қонуний миллат» ифодасида эса халқлар дустлигининг асоси—ленинча миллий сиёсатни алқийди. Шоир миллий тенгликнинг барқарор булиши билан бирга, аёлларнинг уз инсоний ҳуқуқларига эришишгандаридан ҳам мамнун бўлиб, «Орази шамси қамар»ларни «бундоғ санъатлар» чиққани билан табриклайди. Шоир катта миннатдорлик билан шеърини:

Тарбият топгай в...
Шодко» этмоққа Ошиқ, айду ширтаар чиқиб,

мисралари билан яқинлайди. Шоир Ошиқнинг классик лиъаналарга ижодий муносибатда бўлиши унинг мувашшаҳ жанрига янгича мазмун беришга ҳаракат қилиш тажрибаларидан ҳам яққол сезилиб туради. Маълумки, классик мувашшаҳларда гузалнинг музайянлиги рағбаранг ташбеҳлар, муболагалар орқали ифода этилади ва шоирнинг унга бўлган симпатияси мана шу ташқи гўзаллик шарофати орқали изҳор этилади.

Ошиқ «Латофат боғида» сўзлари билан бошланувчи мувашшаҳни Хужаобод район Дилкушо қишлоғидаги «Коммуна» колхозининг юз центнерчи звено бошлиғи Латофатхон Каримжоновага бағишлайди. Бунда гарчанд шоир унинг ташқи зеболигини таърифласа-да, бу ташқи таърифга ички олам гўзаллиги замин бўлиб туради. Бинобарин, шоирнинг мувашшаҳ қаҳрамонига булган ҳурмати унинг ички дунёсининг гўзаллиги туфайлидир. Бу ерда инсон куринишда гузал булгани учунгина эмас, балки мазмун эътибори билан чинакам гўзал бўлгани учун улуғланади. У меҳнат жараёнида, мана шу меҳнат кишиси — заҳматкаш сифатида ёритилади. Шерда шоир симпатияси бир шахс эмас, у умумхалқ эътиромининг бир қисмидай ҳис этилади.

Дарвоқе, Латофат боғи — пахтазор булса, бу боғнинг боғбони Латофатхону, уни мадҳ қилувчи булбули — шоир:

Бул латофат боғини сен хуп гули,
Бул назокат гулшанини сунбули.
Кунгил топти маҳсулингдин минг оро,
Шул туфайли ошиқ булди булбули.

Ошиқ биз юқорида куриб утган «Чиқиб» сарлавҳали ғазалида: «Орази шамсу қамар, сўзлари ширин—шакар, шўхлар, таннозларга бундоғ санъатлар чиқиб» мисралари орқали паранжи, чачвонсиз озод юрган зеболарни мадҳ этса, хотин-қизлар озодлигини табрикласа, бу табрикни «Йуқ» радифли ғазалида: «Поку кийган ул либосинг, эй жано султонда йуқ, қўлларингда гулларинг ҳам ҳеч қаю бўстонда йуқ», деб шоҳона кийиниб, қулида анвойи гулдаста кутариб бораётган озод, узи ҳам, қалби ҳам пок аёлларни улуғлашни давом ва такомул эттиради.

Бинобарин, шоирнинг хотин-қизлар эркини мадҳ этиш усули уларни озодликка дават этиш эмас, балки эрққа эга булган аёлларни курсатиб бериш орқали амал-

га ошади. Шунингдек, уш маърифатга даъват формаси хам ўзига хос бўлиб, у аввал маърифат даргоҳини, сўнг-ра унинг маҳсулини кўрсата туриб маърифатга чақиради.

Шоир Ошиқ ижодига хос хусусиятлардан бири ҳозир-жавобликдир. У ер ва сув ислоҳоти даврида юқорида кўриб ўтган «Финланг» шеърини, умумий мажбурий таълим жорий этилган пайтда илм ва маърифатга чақириб, «Мактаб», «Мактабдан», «Мактабгача» каби шеърлар циклини биринчи бўлиб яратади. Шоир агар «Мактаб» шеърда: «Ичи тула нурхонадур мактаб», дея мактабнинг моҳиятини унинг ўзини таърифлаш орқали йфодалашга уринса, «Мактабда» шеърда «Чиққуси олиму алома мактабдин» каби жумлаларда бу «нурхона»нинг «маҳсули»ни кўрсатиш жараёнида унинг моҳиятини очиб беришги мақсад қилиб олади. Шоир кишиларни зур завқ билан билим олишга чақираркан, меҳнаткаш халққа маърифат эшикларини ланг очиб қўйган маърифат-парвар Совет ҳукуматини шарафлайди: «Офарин замона шарофатига».

Ошиқ янги социал замон шарофатини улуғлаш борасида эски замон касофатларини ҳам унутмайди: «Гунгу лол этган эди мози бизи». Шу билан шоир икки замонни бир-бирига қиёс этиш орқали совет даврига муҳаббатини изҳор этади.

Ошиқ ижодини яхши билган шеърят мухлисларининг айтишларича, шоир ижодининг тематик доираси кенг бўлган. У пахтакорларни, шифокорларни, зиёлиларни мадҳ этувчи шеърлар ёзган. Аммо шоирнинг қўлёзма баёзи парча-парча қоғозларга ёзилиб, бир ерга жам этилмагани, бунинг устига унинг вафотидан сўнг шоирнинг қиз ва ўғиллари томонидан табаррук мерос тариқасида 15—20 варақдан бўлиб олингани туфайли бир неча шеърлар йўқолган. Айрим шеърхонлар шоир фарзандларидан унинг бир неча шеърларини ўқиш учун олишиб, кейин қайтариб беришмаган. Шу сабабларга кўра шоир ижодини тематик тарзда таҳлил қилиш имкониятига эга эмасмиз. Бу камчиликлардан қатъи назар, мавжуд асарларя шоирнинг совет даврига муҳаббатини, унинг зафарларини куйлашга бутун қалби билан интиганини кўрсатиб турибди. Шоир 1944 йили—84 ёшида вафот этди.

Зотан, шоир чинакам шеър ошиги, туғрироғи, уз ижоди ва фаолияти орқали халқ ошиғи эди.

ОМОНИЙ НАЗМИ

Омонийнинг туғма шоирлик табиатини, хушхат ва нуктадонлигини дастлаб пайқаган киши оташин маърифатпарвар Фурқат бўлди. У Марғилондалигида бу талантли шоирнинг ижодини диққат билан кузатди, бадий маҳорат масалаларида унга устозлик қилди. Фурқат Тошкентда бўлган кезларида илгор рус фани, маданияти, айниқса, газета ва китобларни чоп қилиш ишлари билан жуда қизиқди. Халқ орасида етишиб чиққан ёш талантларни шундай ишларга жалб қилишда жонбозлик кўрсатади.

Босмахоналарда насл ва назми яхши биладиган хаттотга талаб катта эканини яхши ҳис этган Фурқат истеъдодли шоир Омонийни шу ерга ишга жойлаштиришга ҳаракат қилди. Шу хусусда унга куйидаги шеърини мактубини ёзди:

Тез келинг, жоним укам, мулло Омон,
Ҳар қачон кўрсам булурман шодмон.
Ул кун кўрдим Камий олдида ким,
То будам барри дилим зардобу қон.
Издадим Тошкентни кунжу бурчларин,
Айдилар кетти (шошнброқ) Андижон.
Хуш қалам, оташнафас, ширин мақом,
Таътил айлаб анда Ушу Андижон.
Хат ёзиб бердим ушал ким поччангиз —
Мулло Малла берсалар олган ҳамон.

Кўриниб турибдики, Фурқат Омонийнинггина эмас, балки унинг поччаси — Мулло Маллани ҳам таниган. Малла исмига мулло сўзининг сифатловчи тарзида келтирилишидан, у киши саводхон ва фозил бўлган.

Омонийга Фурқат мактубини шу киши келтириб берди.

Омоний ҳимояси билан халқчил шеърлари баёзга кирганлар ичида биз Маншон Марғилоний, Икром Марғилоний, Насимий Марғилоний, Икром Андижоний, Саидо Андижонийларнинг номларини учратамиз.

Омоний бу олижаноб ҳаракатини уз хуснихати билан безаган бошқа девоиларда ҳам изчиллик билан давом эттиришга уринган.

Омонбой Уринбой ўғли — Омоний Арабоний 1870 йили Қирғизистоннинг Уш областига қарашли Аравон райони Марғилон қишлоғида аравасоз оиласида туғилган. Онаси Меҳринисо фозила аёл бўлиб, ўғлининг билимдон бўлиб етишувига алоҳида эътибор қилгани каби, отаси ҳам: «Борғил ўғлим таҳсилга, — деб ёз ила қиш, топганларини берар эди падар ройиш». Шундай қилиб, у қишлоқ мактабида хат-саводини чиқаргандан сунг, Марғилондаги «Хонақо» мадрасасида таълим олади: «Бешак эрур бу мадраса нурнинг кони, шу боисдан Марғилон бордим дустлар». У мадрасада таҳсил олиш билан бирга, Қуқон, Андижон шаҳарларида ҳам бўлиб бу ерда аҳли диллар билан танишди. «Шаҳри Қуқон, Марғилон ва Андижон, Пойи яхшиларда бўлдим куп замон», дейди шоир.

Бу ерда у ажойиб лирик шоир ва фусункор хаттот сифатида танилди. Уни дустлари Омоний деса, халқ котиб тахаллуси билан ҳурмат қилди. Буни шоирнинг ўзи ҳам «Тахаллусдир Омоний аҳли диллар орасида. Вали ушбу замон аҳли куриб айтур Омон котиб» дея тасдиқлайди.

Омоний узининг ҳалол меҳнати билан кун кечираётган меҳнаткаш халққа мансуб бўлгани билан фахрланади. У узининг ҳалол меҳнатида ташқари бошқа бирор манфаатни тасаввур қилмайди. Мулкдор бойлар, бойвачча амалдорлар ҳоким, бек, мингбоши каби унвонлари билан гурурланган, руҳоний хазрат, авлиё лақаблари билан гердайган бир вақтда Омоний узини текинхурларга мансуб бўлишдан кура, фақир, ҳақир дейиш билан меҳнаткаш халққа мансуб бўлишни шараф деб билади.

Унинг «бир бурда нон бўлмаса» ҳам бағри кенг меҳнаткаш халққа муҳаббати, қучоғига молу дунёни қамраб олган, аммо бағрига қил сирмайдиган тор ва қоронғи бўлган золимларга нафрати қуйидаги сатрларда равшан ифодаланган.

Яхшиларга мен очиқ юз қўлда бўлса, бўлмаса,
Душманимдир ул кишилар бор бўлиб, булганда тор⁴.

Унинг наздида адолатсиз замона эътиборини эмас, адо-
латпеша халқ муҳаббатини қозониш бош масала эди.
Шунинг учун у халққа меҳр билан қарашга аҳд қилди:

Майли бу давримга боқмай норасо бўлсам Омон,
Яхшилар наздида макруҳ бўлмасам шул гурбатим⁵.

Шоир Октябрь инқилоби ғалаба қилгандан сўнг ҳам
бирмунча вақт шу ерда — литографияда хизмат қилди.
Ниҳоят, 1919 йили Марғилонга қайтиб келади. Бу ерда
камбағал болаларни туплаб янги мактаб очади, уқитув-
чилик фаолияти бошланади. Омоний янги мактаб про-
граммасига она тили, ҳисоб ва рус тили фанларини ки-
ритди. Кейинчалик шу қишлоқда ташкил топган «Чор-
чоқ» колхозида ўзининг фусункор хати билан хизмат қи-
либ, оммавий жойларни безаш, турли шиорлар ёзиш
ишлари билан ҳам шуғулланди. Шу билан бир вақтда,
ота касбини ҳам ташламади. Совет замонасидан олган
жушқин таассуротларини шеърини мисраларга кучириш-
ни ҳам фаромуш этмади. У бир вақтлар:

Еру дустга беғаразман, асли кўнглим беғубор,
Бор умидим айласам деб қиш дилимни навбахор,

деган орзуларининг амалга ошганидан беҳад шод ва
мамнун эди. 1931 йили Ўш тоғлари орасида беркиниб
юрган Йўлчи қўрбоши ўзини инсонпарвар қилиб кўрса-
тиш мақсадида Аравон мазорига равоқ солдиради. Шу
равоққа тарих ёздириб учун Омонийни зурлаб келти-
ради.

Моҳир хаттот Омоний бу тарихдаги «ғози» сўзини
шундай ёзадики, уни синчиклаб қаралса, «ғози» эмас,
«този» (ит) сўзи келиб чиқади. Лекин мазкур тарихни
тугатган кечаси яширин бориб, охириги тарих чиқадиган
байтини қолдиради, қолганларини ўчириб ташлайди ва
қочиб Андижонга бориб яширинади.

У Андижон районининг Хирабек қишлоғидаги, ўзи
мамнуният билан қайд этган: «Ори бордур менда неча бе-
пасод, Дўстларимдан Мулло Охун Тошпулат», Ҳошим
охун, Қосим охун каби қадрдонлари ҳимоясига келади
ва умрининг охиригача «Бустон» колхозида боғбон бўлиб

⁴ Омоний. Қўл ёзма баёз, 41-бет.

⁵ Уша асар, 43-бет.

ишлайди. Колхоз маданий-оқартув ишларида ўз ҳусни хати билан актив иштирок этади.

Хирабеклилар Омонийнинг доимо газета ва журнал ўқиб турганини, уларга рус тилидаги газета ва журнал, китобларни ўқиб, мароқ билан таржима қилиб берганликларини ҳурмат билан хотирлашади.

Омоний совет замонасида ёзган шеърларини қўлёзма ҳолида «Янги замон мадҳи» номи остида бир девонга жамлаган. Афсуски, ҳозирча бу китоб топилгани йўқ. Фақат Андижонли адабиёт мухлиси, Омонийнинг дўсти Саидхон Шаҳобиддинов, Ҳошимохун Дарвишев каби шеър мухлислари архивида ва ёдида ундаги баъзи шеърлардан сақланиб қолган парчалар мавжуд. Лекин улар орқали ҳам шоирнинг совет даврига бўлган хайрихоқлигини девон сарлавҳаларидан бемалол билса бўлади.

Шоир совет замонасида инсон эркининг тикланганини, адолатсизликка адабий хотима берилганини «Энди доду фарёд этмагай, ҳеч ким» каби мисраларида ифодаласа, «Бизни шодон кулдирган колхоз, душманларни сулдирган колхоз» сатрларида янги ҳаётни тўлиб-тошиб кўйлайди.

Шоирнинг Улуғ Ватан уруши даврида ёзилган «Қизил аскарлар зафари ҳақида мадҳлар» шеърида она Ватанга муҳаббат алоҳида эҳтирос билан ёритилади. Совет халқининг гитлерчи фашистлар устидан ғалабасига бўлган ишонч шеърнинг бошидан охиригача қизил ип сингари чизилиб ўтади.

Бизнинг аскар жанговар,
Доим зафар унга ёр.
Чунки унга купчилик,
Виждон аҳли мададкор.
Яшасин рус, яшасин аскар,
Яшасин ҳукумат, яшасин Ватан!⁶

Омоний — Аравоний 1943 йили Хирабек станциясида ҳалок бўлди. Аммо унинг ўз халқига мерос қилиб қолдирган ижоди бисотидан элу юрти файз ва завқ олиб, номини ҳурмат билан тилга олади. Шоирнинг:

Омоний қайси баёғдан мулоим ўлса гар кўнгил,
Дилдан утқарурлар деб ўзинга таржимон котиб⁷,

деган орзулари амалга ошди.

⁶ Адабиёт мухлиси Саидхон Шаҳобиддинов архивида.

⁷ Омоний. Қўлёзма баёз, 111-бет.

Омоний ижодида маърифатпарварлик гоёси етакчи уриниш билмайди. Бунинг боиси шулки, у меҳнаткаш халқнинг оғир ва мушкул ҳаёт кечиринишининг бош сабаб-би уларнинг жаҳолатда қолганида деб тунувишидандир. У шунинг кучига юқори баҳо бергани ҳолда бадний ижод орқали мана шу маърифатга дэъват қилинга ҳам алоҳида эътибор берилди. Шунинг учун ҳам маърифатни пропаганда қилиш гоёси шoir ижодининг бошидан — охиригача изчил талқин этилади. Дарвоқе, Н. Г. Чернишевский маърифатпарварликда бадний ижод ролига юксак баҳо бериб: «Маърифат тарқатишда ҳамма воситалардан энг кучлиси адабиётдир»⁸, деган эди.

Шу туйғайли у қайси мавзуни ёритишга бел боғлама-сини, унга маърифатпарварлик нуқтан назаридан ёндашади. Шунингдек, унинг амалий фаолиятида ҳам маърифатпарварлик ҳаракати кузга ташиланиб туради. У халққа чинакам илм тарқатишга қодир ва мақсад сари интиланган кишиларни чуқур ҳурмат қилади, уларни мақтайди. Аммо, халққа маърифат тарқатиш шiori ос-тида уни талашга уринган тамаъгирларни қоралайди.

Омонийнинг илгор фикрли, чинакам зиёкор кишиларга булган эҳтиромини ўз замонасининг етук олими ва илгор кишиси Мулла Охунжон Қори Марғилонийга атаб ёзган «Домламинз»⁹ шеърида яққол ҳис этиш мумкин.

Шoir «Киряпмиз бир балдадурким»¹⁰ сўзлари билан бошланувчи шеърида ўзи тугилиб усган юртининг гўзал табиатини алоҳида эҳтиром билан тилга олади:

Киряпмиз бир балдадурким сўрасангиз, эй ёрлар,
Хар тарафга жоридир жаннат каби анҳорлар.
Қудратидин келди тарҳи бир ажаб вола маҳом,
Бул сабабдин рашк этар оламдаги ансорлар...

Сунгра мана шу гўзал диёрга ўз муҳаббатини, унга содиқ ва асл фарзандлигини:

Давлату умрига, ё раб, бермагил ҳаргиз заволт,
Деб ҳаминша билладим аз таҳти дил тақрорлар,

сатрлари орқали ифодалайди.

Лекин мана шу гўзал диёрга номуносиб бўлиб, аммо унинг барча қулайликларини ўз қўлига тутиб, уни ба-

⁸ Н. Г. Чернишевский. Асарлар, учинчи том, М:ХА наш-риёти, 1947, 311-бет.

⁹ Омоний. Ёши Маҳбуб-ул маҳбуб, 81-бет.

¹⁰ Ёша баез, 79-бет.

хиллик билан бошқаларга раво кўрмай, фойдаланаётган «бежоларни, ҳар қандай номаскутчиликлар қилишга қодир ҳийлагарларни фоти этади:

Ким эрур оллоҳу алам шаҳримиз бежолари,
Жумласи аҳли муҳаббат толиби диндорлар,
Аши ила ширатлари маъмурчилик бирла мудом,
Дону ғалла бирла тулган хонаи омборлар.
Раиғ-баранг айлар иморат шаҳинишу шохвор,
Ҳар пешук ишларга моҳир бор эрур нажзорлар.

Мана шу сўйгги мисраларга эътибор қилинг. Уларнинг Омоний каби камбағал эски чопонларга наса назар билан қарашларини, таҳқир этишларини, уларини ҳаммадан баланд олишларини аччиқ киноя билан очиб ташлайди:

Балдамизни қилма таҳқир сен каби деб кир чопон,
Ағиллик бобида кўп хўжан Аҳрорлар.

Омоний шариат пешволарини «бежо», яъни жамиятда урни йўқ, кераксиз, балки зарарли кимсалар деб тушунади. Аммо «хўжан Аҳрорлар» деб уларнинг жамиятдаги юкори мавқеига киноя қилади. Бу билан шоир замонадаги мавжуд адолатсизликларга уз норозилигини билдиради.

Омоний доимо шу она юртни гуллатиб, унинг ҳуснига ҳусн қўшаётган меҳнаткаш халқ томонида:

Сақла, ё раб, минг балодни балдамизнинг аҳлини,
Айла сиҳат гар алардин булса бир беъморлар.

Шоир уз она қишлоғида билим даргоҳи — мадраса бор экани билан хурсанд бўлади:

Бор булур булган бини бир мадраса олий макон,
Бироқ:

Жонишин ҳоло ичинда бир печа агёрлар,

деб нафратланади. Ҳар хил мунофиқлик йўллари билан мадрасага ўрнашиб олган билим ва халққа агёр—ёт булган кишилардан «Во ажаб, чандони илм тарбияти аҳлига ким», деб ғазабланади.

Бинобарин, уларнинг жамият олдидаги гуноҳи ўзи билан ўзи оворалиғида ва халқ тарбияти билан иши йўқлиғида. Улар молу дунё ва мансаб талашиб, «бир-бирига гина ва озор» билан қарашдан нарига утмайдиган калтабинлардир. Аммо давлат ва ҳуқуқ уларнинг қўли-

да. Меҳнат аҳли ва унинг вакили эса: «Хокисору, камтарину аҳқарилтуллабидир», Шу сабабдан шоир: «Борму ҳад қилсам улар васфини мен изҳорлар» дейди. Улар инсоф ва адолатга келмаса, нариги дунёга жунаб қолишларини раво кўради:

Ё илоҳи, тай қилиб аҳқифиофилло мақом.
Ҳам падида даҳр бўлсин чамбарак дасторлар

Шоир шеърни ўзига мурожаат билан тугатади:

Эй Омоний, бембосая, катталарнинг домни —
Ушлаюрсан, ҳозир айт олдида истигфорлар.

Бунда Омоний ўзи тугилиб ўсган юртни улуглаётгандек кўринса-да, аслида юртга қурт бўлиб тушган сохта маърифатлиларни («бежо»ларни) фош қилишни кўзда тутади.

Омоний ўз даврида маълум ва машҳур бўлган Марғилондаги Хонақо мадрасасига «Дар мадҳи файзуланвор Хонақоки дар Марғилон аз фақирал — Хақир Омоний» деб сарлавҳаланган шеърини бағишлади¹¹.

Шоир бу мадрасани «нурнинг қони» деб, бу нурдан баҳра олмаганларни жонсиз тава ҳисоблайди. Мадрасадаги нурбонлар — мударрисларни уша даврда тулибтошиб ётган «Зоҳир тузук»у кунгли бузуқ» муллолар қаторига қўшмайди.

Устозларнинг ёшларга таълим-тарбия беришдаги бегаразликлари, уларининг чинакам мулло эканликлари шоирга жуда маъқул тушади. Омоний муллолардан ташқари, мадраса атрофида хизмат қилаётган «тавозелик қароларини» ҳурмат билан тилга олади. Бунда у, албатта, меҳнаткаш оламларни кўзда тутган.

Омоний тўқликдан шўхлик чиқариб мадрасага кирган ёки бирор мансаб ва восита иятида ивирсиб юрган бойваччаларнинг бу ердан ҳеч нарса ололмасликларига ишора қилиб:

Ҳазратимдан кўргай назар қадди хамлар,

дейди. Кўриниб туриблики, қадди хамлар назар топадиган бўлса, гўдайганларнинг бу ерда юриши бемаъно. Ёиси шундаки, қадди хамлар билимни ҳам, устозни ҳам сидқидилдан ҳурматлайди, гўдайган магрурлар бўлса, на илм ва на устозни назар-нисанд қилади. Уларга энг муътабар нарса пул. Шоир мана шу фикрни давом эттириб:

¹¹ Омоний. Баёни Маҳбубул маҳбуб, 144-бет.

Эски чопон булса толиб кунгли синиқ,
Андоқ толиб мадрасадин чиқмас қуруқ.

дейди ва: «Бирдам сиғмас хоноқога кунгил бузуқ» деб
элади. Омоний чинакам илм толибининг фазилатларини
санаркан, унинг илмга жону дили билан берилишини,
«Оламнинг юз минг алвонидан» воз кечишини таъкид-
лайди.

Омоний мазкур шеъри орқали билим даргоҳида ҳам
меҳнаткаш халқ билан эзувчилар уртасида фарқ борли-
гини кўрсатади. Молю дунё одамларни қанчалик буза-
ганини нафрат билан фош этади. У меҳнаткаш бо-
ларини «қадди хам, кунгли синиқ, эски чопон» деб
ларга хайрихоҳлик билан қараса, бой болаларидан «ғў-
дайган, беадаб, кунгли бузуқ» сўзлари билан нафрат-
ланади. Ҳзи «Эски чопон, кунгли синиқ, қадди хамлар»
каторида туриб бу ерда таълим олганидан шодланади:

Қул Омоний ҳазратимдин олди сабоқ,
Маърифатининг китобидин неча вароқ.

Мухаммас тарзида ёзилган бу шеърнинг ҳар бандида
«Бул сабабдин Марғилонга бордим дустлар, файзи зо-
ҳир ҳонақода қолдим дўстлар» байтининг такрорланиши
асар мазмунини чуқурлаштиради. Бинобарин, бу шеър
асосан маърифат олишга муносабат масаласини ёри-
тишга бағишланса-да, аммо у орқали замонасидаги
тенгсизликдан норозилигини билдиради.

Омонийнинг сохта маърифатчиларга нафрати унинг
Аравонда мадраса мударрислигини талашиш воқеасига
атаб ёзган «Баёзи воқеан мадраса» шеърисида янада яқ-
қол сезилади.

Шоир сатира тигини ўзини маърифатпеша қилиб кўр-
сатишга уринган юлғичларга қаратади. Маълумки, Му-
қимий ва Завқий ўз сатираларида турли рангдаги текни-
хўрларини аёвсиз фош этадилар. Муқимий «Хожи қодоқ-
чи» сатирасида фирром, енгил табиат, мақтанчоқ хожи-
ни бошлаб савалайди. Омоний «Ёлгон хожилар»¹² сати-
расида юлғичлик, тамагирлик мақсадида ўзини ёлгондан
ҳожи эълон қилган кишиларни фош этади. Халқни улар-
дан хазар қилишга ва эҳтиёт бўлишга чақиради. Маса-
лан, «Маҳз ёлгон сўз билан ҳасратлашадур ҳожидек»
мисрасида, биринчидан, улар ўзларини ёлгондан ҳожик

¹² Уша баёз, 152-бет.

санашади, иккинчидан, хожиларга ухшаб ёлгон сўзлайди маъносида англашилади. Демак, ёлгон хожилар ҳам, чинакам хожилар ҳам ёлгончидир.

Шоир ёлгон хожиларга хос характерли хусусиятларини очиб конкрет тарихий шахслар сифатида ному насабларини курсатади: «Солнҳ «хожи», Хаким «хожи» Юнус «хожи»га нима?».

Шоирнинг талқинича, бу «хожи»ларнинг тутган сие-сати бир-бирини мақташ ва улуглаш орқасида, ўз шахсиятларини элу юрт олдида кутариш ва шу йўл билан келадиган назру ииёзларни кўпайтиришдир:

Хоҳи хужра, хоҳи йулда, қайда кўрса «хожи» дер,
Бир-бирини оғзи бирлан шиплошадур хожидек.

Сатира:

Е плоҳи, асадулважларни еткур Қаъбага.
Деб алар бирлан Омоний йиглашадур хожидек.

сатрлари билан тугайди.

«Ҳикоят» ҳажвияси эса маснавий тартибдаги 72 мисрадан иборат. Унда Мулло Собир охун соҳиб — дағдағанинг хатти-ҳаракатларини кўрсатиш орқали муллалар кулги остига олинади. Бу ҳажвияни «Бир мансабпарастнинг фожиаси» деб номласа ҳам булади.

Шоир асар персонажининг «Мавлавий ажам шайхн Тошкент диёридан» эканини айтганидан сўнг, унинг «бору йуғидан беҳабарлиги», шунинг учун:

Авалло маст эди гурурликда,
Ҳамроҳи бад ила югурликда,

дейди.

У ўз меҳнат фаолиятини шундай бошлайди:

Неча вақт Андижон вилоятини,
Курди касб айлаб биргина хатидин.

Унинг афзаллиги «биргина хати» эди. Шу орқали у анча муддат Миркомил бой қўлида мирзо бўлди. Аммо ўз жонига «миннат» қилган ҳолда қайтади. Чунки «Шикоридин баҳравар бўлмайди».

Шоир унинг асл нияти нима эканини:

Мансаб айвонидни умид айлаб,
Уқиган анча илмини йиғнаб,

сатрларида беради. Демак, унинг мақсади — мансаб. Унга мансаб тегмаганидан кейин у илм олиб, «олим»

бўлишни ният қилиб, уз қўлига кирган ҳар бир китобни ўқишга тиришади. Шундай қилиб, уз наздида:

Жумла илм билди, гуёки,
Илми тиббу нужум ҳаттоки,
Киме, симе буларини ҳам,
Берди жумласини барҳам.

Натижада мияси суюлиб «кароматлар» кўрсатишга киришади:

Бир кун маконидин хуруж этди,
Осмон сорига уруж этди,
Бу тахайюл ила манзилидин,
Утди албатта бу азозилидин.

Демак, у бу ҳаракати билан азозил — шайтонни ҳам шарманда қилади. У, уз наздида, бутун фанларни сув қилиб ичгандан сунг, мантиқ мутолаа қилишга киришади. У мантиқ китоби «Шамсия»нинг ҳукм қисми — «Қазия»ни эртаю кеч ўқийди.

Охирулаломир — субҳ шом ўлди,
Фаҳмиға «қазия» ҳамчу дом ўлди.

Яъни:

Фаҳмини айлади барбод,
«Шамсия» «дастидин қилиб дод»,
Кетди ул дам жунунлари қузилиб,
Буйинидин ҳамчу гуллари узилиб,

Энди суз асар қаҳрамонига берилади.

Деди: ўзим Мусаннифу аснаф.
Неча минг қазиялар саф-саф,
Турди жаҳлидан итобим деб,
Сенмусан «шамсия» китобим деб.
Этди «шамсия»сини минг пора,
Боқмади «Ииртма» деб қилган зора.

Сунгра, «қаҳрамон» меннинг ёшим ва илмимга муносиб катта бир китоб керак» деб хитоб қилади ва бошидаги билимнинг катталигини кўрсатиб турадиган салла буюради.

Деб буюрди узиға бир дастор,
Каттакон чамбарак қилинг бисер.

Омонийнинг талқинича, чамбарак салла ўраб юрган руҳонийларнинг ҳаёт йўли ҳам мана шунақадир. Халқ ибораси билан айтганда, улар уз фойдасига муқкасидан кетган одамлар. Булардан жамият учун сариқ чақалик

манфаат йўқ. Улар уз нафсининг бандаси булган, халқ бошига битган бало ва тухматдир.

Бинобарин, шеър шўринг қўрғур бир «маърифат» намоёнчасининг фожиасидир. Омоний бу башарани курсатиш билан халқни улардан эҳтиёт бўлишга ундайди.

Омоний «Зикри аҳвол фақирул ҳақир Омоний Арабий» деб аталган 114 мисрадан иборат бўлган саргузашт достонийда уз бошидан кечирганларини баён этади. Аммо бу шунчаки, шоир биографиясига оид материал булмасдан, унда шоирнинг уз замонига булган муносабати ҳам акс эттирилган. Асарнинг бошидан то охиригача «яхшиларни» улуғлаш ва уларнинг бошини ҳам, «ёмонлар»нинг дастини узун қилиб қўйган замонани фош этиш мотивлари акс этади.

Шоир «яхшилар» деб саҳоватли меҳнат аҳлини, илгор фикрли зиёлиларни, «ёмонлар» дея турли-туман текинхўрларни айтади. Аммо шоир мана шу «яхшилар»га мансуб бўлгани билан фахрланади:

Толеним йўқ, бор ҳолимдур забун,
Борни манда бир кушойиш дил тугун,
Қулочи кенг, аммо лекин бағри тор,
Одамларга душман булдим мен якбор¹³.

Муҳими шундаки, шоир бировларни «бор», бировларни «йўқ» қилиб қўйган замонасига қарата:

Чиқмадим мен басталикдин то ҳануз,
Басталикка солган даврондур рамуз,

деб, узининг танқидий муносабатини билдиради.

Омонийнинг — «Яхшиларни топдим, яхши фурсат топмадим» мисралари орқали «яхшилар»ни улуғлаётгани кўриниб туради. Унинг «Яхши фурсатлар»ни орзу қилаётганлиги сезилади.

Омоний «Кимки ориф, кимки доно йиғлаган»лигини таъжидлаш билан «Менга ухшаш зарралар ҳам бўлди хор» деб узини мана шу «яхшилар»нинг бир зарраси санайди. Чунки замона пешволарида:

Қани ихлос, қани баҳра, қалби кўр,
Фарқ атарму алар зулмат ила нур.

Аммо шоир умид ва ишонч билан яшайди:

Сатри хатдин булса ёруғ дил Омон,
Ажаб эрмас вақт келса хўп замон.

¹³ Омоний. Қўлёзма баёз, 103-бет.

Булма ҳаргиз дил хатидин ноумид.
Булса шояд бир кунн ким сенга ид.

Бу сатрлар Муқимийнинг: «Келур охир сени ҳам йуқ-лагудек бир замон яхши» сатрлари билан ҳамоҳангдир. Ёки Завқийнинг «Ажаб эрмас» шеърини эслатади. Дарвоқе, шоир Омонийга Улуғ Октябрь ва унинг самараларини кўриш насиб этди.

Омонийнинг «Уйланиб» радибли шеъри утмишда меҳнаткаш халқнинг оғир ва мусибатли ҳаётининг ғамгли ифодасидир. Шоир оилавий ҳаёт машаққатларини санаб кўрсатиш орқали уйланиш бечора халқнинг бир азобига минг азоб қўшганлигини тасвирлайди.

Бу ерда гап хотиннинг вафосизлиги устида эмас, йуқчилик орқасида юз берган кунгилсиз воқеалар устида боради. Етишмовчилик натижасида хотинларнинг асаби бузилиб, эрига таъналар қилишга етиб борганлиги ҳақида кетади. Шоир бола-чақасидан ортиб, қари, ишга ярамай қолган ота-оналаридан хабар олиш имкониятига эга булмаган одамлар аҳволи мисолида оилавий турмуш машаққатларининг яна бир кўринишини очади:

Ким эрур қилган ризо ато-акони уйланиб.

Уйланиш орқасида бутун фикри ҳаёли рузғор тебратиш билан банд булиб, билим олишдан маҳрум бўлган, жаҳолатда қолиб кетган кишилар аҳволни: «Билмади бир нечалар оқу-қарони уйланиб» сатрларида ифодалайди.

Бечорачилик орқасида оилада юз берадиган жанжаллар, можаролар — ўтмиш иллатларнинг инсон асабига ёмон таъсир этганини баён этади:

Баъзи кунларда уйдия захру оғуни ичиб,
Кўп кишиларни билинг чиқди фиғони уйланиб.

Шоир қайғуриб, ачиниб эслаётган «Кўп кишилар» меҳнаткаш халқ оммасидир, албатта.

Омоний ғазалларида классик адабиётимизнинг прогрессив анъаналарига амал қилиб, чин инсоний муҳаббатни тараннум этади. Муҳаббат йўлидаги азобу уқубатлар, тенгсизлик ва адолатсизликларни ифодалаш замонида ўтмиш замонага нисбатан норозилик мотивлари ўртага ташланади.

Шоир ўз ғазалларини аристократ табақаларга эмас, балки кўпчилик халқ учун ёзган. Шу сабабли шоир

уларни кенг халқ оmmasига тушунарли булишига катта эътибор беради. Уларни содда тил билан, равон ва ихчам услубда яратишга интилади, кўпчилик тушуниши қийин булган араб ва форс ибораларини ишлатишдан қочади. У лунда ифода этишга интилиб, ғазалларини одатдаги 7—9 байт ўрнида, 6 ҳатто 5 байтдан тузади. Машҳур халқ қушиғига айланиб кетган 6 байтли «Келур» радибли ғазалнинг матлағи эътибор беринг:

Ҳажринг солиб булма йироқ, гул юзларинг кургим келур,
Юз минг жафо берсанг агар, рози булиб олгим келур¹⁴.

Куриниб турибдики, бу мисралар узининг соддалиги ва уйноқлиги билан ҳаммабодир. Бу ерда ошиқнинг маъшуқага интизорлиги ифодаланаётгандай туюлса-да, ғазал мақтаида мана бу сатрларни ўқиймиз:

Ишқингда куп куйди Омон, қишлоқи деб қилма гумон,
Букун мен ҳам эй новжувон, ҳамшаҳаринг булгим келур.

Бу ерда шоир утмишдаги шаҳарли ва қишлоқи деган айирмаларга қарши этироз билдирыпти, одамларни ҳар қандай йўллар билан бир-биридан айиришга, бирини баланду бирини паст қўйишга қарши норозилик изҳор қиляпти.

Маълумки, утмишда эксплуататорлар меҳнатқаш халқнинг бир-бирига яқинлашиши натижасида бир ёқадан бош чиқариб, зулмга қарши кутарилишларидан чучиганлар, турли йўллар билан уларни бир-биридан ажратишга ва бир-бирига қарши қўйишга ҳаракат қилганлар. Одамларни шаҳарли ва қишлоқига ажратиш ҳам мана шу ният билан қилинган найранг эди. Омоний бу ҳийлани яхши тушунади ва уни кашф этган найрангбозларга қарши чиқади.

Омоний ғазалларини мутоала қилиб туриб, беихтиёр Горькийнинг мана бу сўзлари ёдга келади: «Социал ҳаёт воқеаларини қанчалик ихчам, аниқ ва равон сўзлар билан ифодаласангиз, китобингизнинг социал педагогикаси шу қадар ишончли бўлади»¹⁵. Омоний ғазалларининг тили содда ва мазмундор булишидан ташқари уларда мустаҳкам сюжет чизиғи ҳам борки, у ғазал маз

¹⁴ Омоний. Баёзи маҳбубул маҳбуб, 88-бет.

¹⁵ А. М. Горький. О литературе, стр. 94.

мунини яхлитлаштиради, эсда қоладиган қилади. Қуйи-
даги сатрларга эътибор қилинг:

Сенга мен ошиқ бўлиб ишқингда куйдим бу замон,
Энди сен ҳам раҳм айлаб менга булгин меҳрибон.
Солмагин бундан ошиқча бошимга савдоларинг,
Тоқатим йуқ тортгани бўлди қизил рангим самон¹⁶.

Омоний мумкин қадар ғазалдаги ҳар бир сўзга маъ-
но ортишга ҳаракат қилади. Бу билан ғазал мазмунини
қуюқлаштиришга ва унда олға сурилган ғояни кучайти-
ришга эришади. «Учун»¹⁷ радифли ғазалидаги: «Ишқинг
солиб, шайдо қилиб, мен хастаю бемор учун» мисрала-
рида, биринчидан, мени сенга шайдолигимни билиб ту-
риб, жўрттага азоблайсан, иккинчидан, ишқинг йўлида
менинг хаста бўлганимни ҳисобга олмайсан, деган маз-
мун ҳам ётади. Ёки: «Қаҳринг билан айлаб ғазаб, бир
боқмадинг мен зор учун» мисрасида, бир томондан, мен
сенинг йўлингда зор бўлганимни билиб туриб, бир қиё
боқмадинг дейилса, иккинчи томондан, мен зорга бир
қарамадинг мазмунини ифодалайди.

Бундан ташқари, Омоний ғазалиётдаги арузнинг тур-
ли баҳрларида ижод этишга уринди. Бу хилма-хиллик
шоир асарларининг уқимишли бўлишига йул очиб улар-
ни бир хилликдан сақлайди.

У айрим шоирлар ижодида учраганидек, баландпар-
воз ва тушуниши қийин сўзлардан, мураккаб сўз уйин-
лари ва бемуносиб ташбеҳдан ҳолидир.

Шу уринда, Омонийнинг саж услубида ёзилган «Қи-
линг» радифли ғазалидан келтирилган қуйидаги мисра-
ларга эътибор қилинг:

Май ичиб, дурни сочиб чун вафоларни қилинг,
Лола бўлинг, бола бўлинг, бизга наволарни қилинг¹⁸.

Улуғ Ватан уруши даврида немис фашист босқинчи-
ларига қарши курашга дават этиб ёзган «Қизил аскар-
лар зафарига мадҳлар»¹⁹ шеъри Омонийнинг совет дав-
рида ёзган энг яхши асарлари қаторига киради. Бу шеъ-
рда шоир Совет Армиясининг фашист каллакесарлар
устидан қозонган ғалабасини эшитиб беҳад шод булади.

¹⁶ Омоний. Қўлёзма баёз, 114-бет.

¹⁷ Уша баёз, 111-бет.

¹⁸ Омоний. Қўлёзма баёз, 37-бет.

¹⁹ Омоний. Қўлёзма баёз, 104-бет.

Шунинг учун у Совет Армиясига зур умид ва ишонч билан қарайди. Буни шеърдаги «Душман кемаси ботар, фашист жазосин торгар» мисрасидан ҳам яққол тушуниб олса бўлади. Дарвоқе, бу ишонч шеърнинг сарлавҳасидан ҳам сезилиб турибди. Шуниси муҳимки, шоир ўзини ҳам мана шу урушга сафарбар ҳисоблайди.

У, ижодкор сифатида, халқимизни Совет Армиясига, мадад беришга даъват қилишни ўз бурчи деб билади. Шу боисдан:

Рус аскарни чоғлансин, душман бағри доғлансин,
Айлангиз мадад дўстлар, д, иман қули боғлансин,

деб хитоб қилади.

Омоний Улуғ Ватан урушининг адолатли уруш эканини ҳам яхши билади. Шунинг учун ёвуз ният билан юртимизга бостириб кирган душманга қарши она-Ватан учун жангу жадалга чақиради. Шоир: «Яшасин ҳисси Ватан» деярган, дунёда тенги бўлмаган жонажон Ватанга бўлган халқ муҳаббатининг, ватанпарварлик қиссининг кучайишини орзу қилади ва «Ёвларни қириш учун шайланинг аҳли Ватан» деб ўз ватандошларига мурожаат этади.

Шоир Омоний услубининг ўзига хослиги Фурқат мактубида келтирганмиз: «Хуш қалам, оташ нафас, ширии мақом» ифодасида намоён бўлади.